

ШАРК ЮЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САН'АТ ЖУРНАЛИ
ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

4

10

ОКТЯБРЬ



ТОШКЕНТ
1947

МУНДАРИЖА

	Бет
М. Шайхзода — Ватаним. Ше'р	3
А. Қадҳор—Қўшчинор. Роман	5
Ўйғун—Ҳаёт қўшиғи. Пьеса	11
А. Фадеев—Ёш гвардия. Роман	17
С. Қаландар—Биз Уралда. Повесть	32
М. Усмон—Достонбоп. Очерк	52
М. Бикадоров—Умрбод шамоллар водиси	62
К. А. Ушаров—Ростгўй қитоб	75

РЕДКОЛЛЕГИЯ: Ойбек (мас'ул мұхаррир), Ғафур Ғулом, Яшан, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Ж. Шарафид, М. Ашрафид, Самиә Абдуллаев. **Мас'ул секретарь:** Ма'rүф Ҳакам.

На узбекском языке

„ШАРК ЮЛДУЗИ“

№ 10

Орган Союза Советских Писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Кымал Узбекистан“
Ташкент—1947

„Шарк Юлдузи“ редакциясининг адреси:
Ташкент, Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 33-881.

Босимга руҳсат этилди 31/Х-47 й. Р16874. Көноз формати 60x92/16. Босма листи 5.
Бир листда 47000 ҳарф. Тиражи 3000. Изд. ўз 861. Баҳоси 5 сўм.

Ташкент, „Кимал Узбекистон“ ва „Правда Востока“ нашриёти босимхонаси

М. ШАЙХЗОДА

ВАТАНИМ

(Монолог)

Олам ичра ватанимнинг мисоли йўқ, тенги йўқ.

Ватаним бир диёрки,
Инсонликка бир ёрки —

Бу мангулик офтобининг сўниши йўқ, сўнгги йўқ.
Биз бу юртнинг гулларига қонимиздан сут бердик,
Пок тупроқни газандалар жасадидан супурдик,

Жаҳолатни битирдик,
Одамга баҳт кетирдик —

Мардона!

Ҳақиқатга айланди у азалий афсона!

Бу қардошлар ўлкасида менинг ҳам бор овозим,
Таронаий саҳарда жаранглар ўзбек созим,

Менга берди ҳуррият,
Улуғвор жумҳурият.

Менинг элим офтобга ҳамсоя,
Қирларида чечаклар бениҳоя,
Оқ олтинга ганжинадир чўллари,
Ферузадир кўллари...

Дар'ёлари юрт белида бамисоли камардир,
Боғларим кўп соя-салқин, сафоли, серсамардир.
Бу юртнинг мен соҳиби,
Боғларда боғбон каби.

Менинг азиз рус қардошим менга бўлди раҳнамо,
Оғир кунда қўллади,
Ёруғ кунга йўллади —
Доҳимиз бир қўёш бўлди, ватан ери — кенг само.

Бу табаррук гулиstonни мен севмайин, ким севсан?
Бу чаронни кўралмаган баҳил кўзлар тез куйсин!
Оlamда бир қувват борми қайтаролган йўлимдан?
Оlamда бир қудрат борми тортиб қўйғай қўлимдан?
Йўқ оlamда у қудрат,
Йўқ, бўлолмас у қувват!

Бир ўғилдай тиз чўкаман,
Бир ўғилдай бош әгаман
Мен онамнинг ҳузурида, бир онаки у Ватан,
Оналикнинг севгисини ўрганиш Москвадан.
Сен буюрдинг, она, дейман,
Буюргин яна, дейман:
Бу, меҳнатлар,
бу ғайратлар,
бу садоқат вафодир,
Оналикнинг ҳурмати деб гўзал юртга раводир.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

ҚУШЧИНОР

*Роман**

Ўртоқ Соҳибжонов

Ўрмонжон мажлисдан чиқиб турли ишлар блан машғул бўлиб қолдию уйга ярим кечаси қайтди. У мажлиснинг кўнглидагидай ўтгани, ва одамларнинг аҳиллигидан бениҳоят хурсанд; шу одамлар эрта-индин мўр-малаҳдай ёпирилиб тўқайни сал кунда бедадай ўриб ташлашини, ҳадемай Кўшчинор дала-ларида трактор тариллашини, ҳаш-паши дегунча онда-сонда оқ иморатлар пайдо бўлиб янги қишлоқнинг кўланкаси кўриниб қолишини кўз олдига келтириб энтикар эди.

Тўхтанисо дастирхон ёзиб, сандалга қўйилган овқатни ола-ётганда ташқарида кимдир чақириди ва булар товуш бермасдан туриб эшик қия очилди-да, Сидиқжоннинг товуши эшитилди:

— Опа, Ўрмонжон акам бормилар?

Ўрмонжон бориб эшикни катта очди.

— Сидиқжон! Ҳа? Нима қилиб юрибсан? Кир, буёққа кир!

Сидиқжон кирди. У узоқ йўлдан бениҳоят чарчаб келган-дай бўшашибган, янги касалдан тургандай сўлғун ва оқарган юзи чироғнинг хира шу'ласида қўрқинчли кўринар эди. У қўлини қовуштириб, бошини қуёй солиб, ҳазин товуш блан узр сўради:

— Бемаҳалда сизни безовта қилдим...

Ўрмонжон унинг нима учун келганини дарров билди.

— Майли, майли, ўтири. Иш бўлганда бемаҳал деган гап йўқ. Ўтири, мана буёққа чиқ!

Сидиқжон сандалнинг пойгасига чўккатушиб, ерга қараганича, кўрсатгич бармоғининг ёрқаси блан бурнини секин артти ва томоғини қирди.

— Қани, овқатга қара, — деди Ўрмонжон косани унинг олдига сурисиб, — мажлисдан чиқиб дарров кетиб колибсан-да.

* Боши ўтган сўнларда.

Рұзимат бүйніга ош қүйишимииздан қочди деб ҳаммани кулдириб юралти. Энди шуларни йиғиб битта ош қилиб бергін.

Сидиқжон ҳамон ерга қараб үтираң әкан, чинчалоғи блан құзининг икки бурчини артты.

— Энди бориб онангни күриб келсанг ҳам бүлади,— деди Үрмонжон ундан ҳали-бери садо чиқмаслигини билиб.— Онанг шүрлік бұлғанича бұлғандир. Хат-пат ҳам юбормадинг өғін? Е юбордингми?

Сидиқжон тупугини „қылт“ этиб ютдию, күзида ёш, Үрмонжонға қаради. Уннинг томоғи пир-пираб учар, қовоғи шишин-қирагандай әди. Тұхтанисо буни күриб дарров әшикга чиқиб кетти.

— Кетаман, Үрмонжон ака, рози бўлинг...— деди Сидиқжон ва Ҳўнграб юбормаслик учун тишини тишига қўйиб юзини яширди.— Кетаман...

— Ҳа, нима бўлди, нега?— деди Үрмонжон толмовсираб.— Бирон гап бўлдими? Ким хафа қилди?

— Ҳечким... Қийигимни беринг...

— Қанақа қийиқ?

— Тиллабобо айтган қийиқ...

Үрмонжон ёлғондан қаҳқа уриб кулди.

— Ҳали ҳам шу гапни кўтариб юрибсанми? Бу гуноҳингни ўша вақтдаёқ кечирганимиз.

Үрмонжон ўрнидан туриб кичкина қизил чамадондан ўша қийиқни олди ва келтириб сандалнинг устига ташлади. Сидиқжон бирдан иккала қўли блан бошига урдию йиглаб Үрмонжоннинг оёғига ўзини ташлади. Үрмонжон дарҳол уни ушлаб кўтарди.

— Сидиқжон! Ҳой, девона бўлдингми! Бу нимаси!..

Сидиқжон ўзини ўёқса-буёқса отиб, бошини ерга урмакчи бўлди ва ҳеч тоқат қилиб бўлмайдиган бир дарддан бутун вужуди қақшаб тин олалмаётгандай хириллаб:

— Үрмонжон ака, жон Үрмонжон ака, гуноҳим бир шу эмас!..— деди.

— Нима, яна нима қилгансан? Одам ўлдирмагандирсан...

Сидиқжон бирдан қаддини ростлади, ёндан дандон соплик пичноғини суғурдию Үрмонжонға бериб бўйини тутти.

— Уринг, Үрмонжон ака, сўйинг! Қоним оёғингизга тўкилсин!.. Вой десам йигит эмасман...

Үрмонжон пичноқни олиб сандалнинг устига ташлади ва чўккалаб уннинг икки елкасидан ушлади. Сидиқжон ўзини ёнбошга ташлаб бошини гурсиллатиб деволга урди ва яна урмакчи бўлган әди, Үрмонжон ушлаб қолди.

— Сидиқжон, менга қара дейман!

Сидиқжон яна ўзини Үрмонжоннинг оёғига ташлади ва икки оёғини маҳкам қучоқлаб олиб, қалбидаги тиши оғриғидай дардга бардош бералмай илондек тўлғанди.

— Үрмонжон ака!.. Жон ака!.. Жон ака!..

— Айт, нима гап ўзи? Е айтиб бўлмайдиган гапми?

— Айтсан тилим куяди, айтмасам дилим... Жон ака. шунча яхшилик қилдингиз, яна битта... Ўлар ўлгунимча шу дөг юрагимда қолмасин. Бу дөг мени ейди, мени қурутади... Мен янги келганимда тузингизни ичиб дастирхонингизга оёқ артмакчи бўлган эдим... Мен у вақтда сизни билмас эдим. Ўрмонжон ака...

— Тўхтанисо опантга тегишмоқчи бўлганингни айтаётисанми? — деди Ўрмонжон худди гап оддий бир нарса устида кетаётгандай.

Сидиқжон бирдан бошини кўтариб Ўрмонжонга қаради. Унинг кўзларидан ҳайронлик ва ваҳима акс этар эди.

— Биламан, — деди Ўрмонжон хиёл кулимсираб, — Тўхтанисо опанг менга айтган, ҳаммасини айтган, ўшандаёқ айтган. Биз бу гуноҳингни ҳам кечирганимиз... Тўғри ўтири, бирор кириб қолса нима дейди!

Сидиқжон қоматини кўтарди, кўзларини катта очиб Ўрмонжонга қараб бақрайганича қолди. Ўрмонжон сандал устидаги пичоқни олиб унинг қўлига берди.

— Ма, қинига солиб қўй, боҳорда яна керак бўлади, бодиринг арчасан.. Зиёдахонга бодиринг арчиб берасан...

Сидиқжон бошини қўйи солди.

— Бу гуноҳингни ҳам биламиз, — деди Ўрмонжон кулиб, — лекин буни ҳам кечирганимиз... Лекин Болтабой билса кечирмас эди, каллангни олиб ёнингга қўяр эди... Мен у вақтда сизни билмас эдим дейсан, гап бизни билмаслигингда эмас, агар ўша ишларни бизни билмаганинг учун қилган бўлсанг ҳозир мана бунақа қўйналиб ўтириласин. Гап у вақтда ўзингни ўзинг билмаганиллигинда. Ҳозир сени қўйнаётган нарса бизни билмаганиллигинг эмас, ўзингни билмаганиллигинг! Сенинг гапинингдан шундоқ ма'но чиқадики гўё сенга яхшилик қилмаган одамнинг нарсасини ҳозир ҳам ўғирлайсану хотинига ҳозир ҳам кўз олайтирасан. Ҳеч, ҳеч ҳам ундоқ эмас!

Сидиқжоннинг кўкрагида нимадир ёрилгандай ва ундан иссиққина, қитиқловчи бир пима таралиб, кўкрагида тошдай қотиб бутун вужудига заҳар тарқатмоқда бўлган нарсани ювиб кетгандай бўлди. У ғайри ихтиёрий бир табассумдан лабини аранг йиғишишиб:

— Ҳеч, ҳеч ҳам, Ўрмонжон ака! — деди ва яна нимадир демакчи бўлган эди, чой кўтариб Тўхтанисо кирдию гапи оғзида қолди, ерга қаради.

— Хўш, онангни кўргани қачон бормоқчисан? — деди Ўрмонжон.

— Қачон бор десантиз...

— Эртароқ бориб келсанг бўлар эди. Ўқишини бошлаймиз. Эртадан кейин кетаоласанми?

— Майли...

Тўхтанисо чой узатти. У қаршисига ўтириши блан ернинг қа'рига кириб кетгудай бўлган Сидиқжон бу бир пиёла чойни ичиб бўлгунича ўлиб бўлди. Буни Ўрмонжон сезиб турар эди.

— Мен эртага кечқурун районга кетаман, — деди Ўрмонжон — сен кетадиган куни эҳтимол бу ерда бўлмасам, кўришал масак хайр. Онангга, укангга, ёру дўстларингга биздан кўпдан-кўп салом айтгин. Ўғлингни олиб борасанми?

— Ҳа, олиб бормоқчиман, — деди Сидиқжон кетгани қўзғалиб.

— Олиб борма. Менинг гапимга кирсанг хотининг ташлаб кетганини ҳам айтма. Кампирни ортиқча ташвишга қўйишининг ҳожати йўқ.

— Анзират холам ҳам шундоқ деган эдилар. Олиб борма десангиз олиб бормайман.

Ўрмонжон унинг яна нимадир демакчию айталмаётганини пайқаб эшикгача кузатиб чиқди.

— Менга бошқа гапинг йўқми?

Сидиқжон дарров тўхтаб:

— Бор энди, Ўрмонжон ака, — деди.

— Ҳўш?

Сидиқжон хийла иккилангандан кейин ниҳоят:

— Энди а'зо бўлганимиз рост бўлдими? — деди.

— Ҳа, кўнглинг ишонмаётитпими?

— Йўқ, мен-ку... Қишлоққа бориб ёру жўраларга айтсак бирор ишонади, бирор ишонмайдими дейман-да. Шунга саркотиб кичкинагина, бир элликгина қофозчага отимги ёзиб, муҳрини босиб шу шундоқ деб берса...

Ўрмонжон кулди.

— Хўп, хўп. Эртага тушроқда саркотибга учрагин, а'золик белати ёзиб беради.

Сидиқжон миннатдорлик билдиргани сўз тополмай бир нима деб чулдирадио, худди туш кўраётгандай, тушида учәётгандай гўё оёғи ерга тегиб-тегмай жадаллаганича жўнади. У бениҳоят шод, кўнгли равшан, ўзи бардам, лекин Ўрмонжоннинг оёғига ўзини ташлагани, хотин кишидай йифлаганидан хийлагина хижолатда эди.

У эртасига тушгача котибнинг уйига уч-тўрт марта ба қидириб борди ва охири топти. Котиб бир талай дафтар ва қофозларни сандалнинг устига, ён-верига ёйиб бухгалтер блан баҳс-мунозара қилиб, қизаришиб ўтирас ҳади. У. Сидиқжонни кўриб „Ҳа, келдингизми“ дедиую ёнида турган қора туника қутидан битта дафтарчани олиб унга узатти ва яна ўз иши блан машгул бўлди. Сидиқжон билетни бу қадар тез ва осонгина олақолганига суюнди, лекин котибнинг бу ишга бунчалик бепарво қараганига ва унинг билет беришдан ҳам бошқа зарурроқ иши бўлганига ҳайрон бўлди; кўчага чиққанидан сўнг бу ҳайронликдан шубҳа туғулиб, бу билетнинг ҳақиқий билет эканига унча ишонгуси келмай қолди. Бир одам бўлсаю буни хўп ўқиса, текшириб қандоқ билет эканлигини айтса! Сидиқжон юргурганича агроном Иброҳимовнинг олдига борди. Иброҳимов МТСга кўчиб кетган Андрейнинг уйида пальтосининг ёқасини қайтариб олиб, китоблар ичига кўмилиб нима бландир машгул;

үйнинг бир чеккасида примус вашиллар, унинг устидаги туника идишда алла нима буғланиб турар, уйдан куйган туфроқ ҳиди келар эди.

— Ассалому алайкум, ўртоқ Иброҳимов! — деди Сидиқжон; шу дамгача ҳечкимга бундоқ, айниқса ўртоқ деб мурожаат қилмагани учун ўзининг товуши ўзига эриш эшитилди.—Қишлоққа кетаётган эдим, сиз блан хайр-ма'зур қилаі деб келдим.

Иброҳимов ўрнидан туриб құл берди.

— Шундоқми... Айтгандай қуллуқ бұлсın! Кеча қуллуқ бұлсın қиолмадик, кетиб қолибсиз.

Сидиқжон бироз қизарди.

— Ҳа, ҳовлида жиндай ташвиш бор эди... Жуда совқотиб қолибсизку, сандал қилмаган экансиз-да?.. Хайр бўлмаса, кўриштунча... Бугун эрталаб кетмакчи эдим, котиб билетингни олиб кет деб сра қўймади. Ҳозир ёзиб берди.

Сидиқжон қўлидаги билетни Иброҳимовга узатти. Иброҳимов билетни олиб аввал варақлади, кейин ўқиди:

— Соҳибжонов Сидиқжон... Фамилиягиз Соҳибжонов экан-да?

— Энди бўлди.

— Илгари нима эди? — деди Иброҳимов ҳайрон бўлиб.

— Илгари ким айтиптию ким ёзипти дейсиз! Тўғри ёзиптими? Иброҳимов жилмайди.

— Ҳа, тўғри... Ўртоқ Соҳибжонов... Қўшчинор колхозининг а'зоси.

— Қўшчинорнинг а'зоси деб ҳам ёзиптими? — деди Сидиқжон кулиб,— ёзмаса нима қиласа экан, ўзи ма'lум-ку. Қўшчинордан бергандан кейин Кўшчинорнинг а'зоси бўлади-ла!

Сидиқжон Кўшчинорнинг а'зоси деб ёзилганидан ҳам кўра ўртоқ Соҳибжонов деб ёзилганига кўпроқ хурсанд эди. «У билетни олиб қўйнига тиқди-да, Иброҳимов блан хайр-ма'зурни ҳам насия қилиб юрганича чиқиб кетди. У бирор кўриниб қолса улуғвор ва солмоқли қадам ташлаб, ҳечким бўлмаган жойларда ўш боладай шаталоқ отиб уйга томон борар экан, дам-бадам ўзича „Ўртоқ Сидиқжон Соҳибжонов! ўртоқ Соҳибжонов!“—деб қўяр эди.

Ўртоқ Соҳибжонов әртагача сабри чидамай шу куниёқ кетадиган бўлди. Унинг бу қарорини эшитиб Анзират хола: „бала бечора онасини соғинипти“ деб кулдию йўлга бўғирсоқ қилиб бергани урунди; Канизакнинг чеҳраси бузилди, унга нимадир малол келди, лекин нима малол келганини ўзи билмас эди.

Сидиқжон пулни кўйлагининг остидан уч жойга тугди, совға-саломларини отга юклади; ўғлининг у юзидан, бу юзидан ўпти-да, „ҳаммани худога топшириб“ жўнади. Анзират хола ирим қилиб кузатгани чиқмади. Уни кўччанинг бошигача Канизак кузатти. Канизак болани етаклаб олган эди.

— Хайр бўлмаса энди,— деди Сидиқжон,— эсон-омон кўришайлик.

— Хайр, ойимларга дуо денг. Обиджонни ўпид қўйинг.
Келишсин. Қачон келасиз, холам икавимиз ёлғиз, қўрқамиз...

— Ўзим ҳам узоқ туролмасам керак...

Канизак болани кўтариб олди.

— Насибалидан кўнглингиз тинч бўлсин!

Сидиқжон отга қамчи бости. У тепаликка — Қўғазор йўлига — чиққунча бир неча мартаба қайрилиб қаради ва тепаликка чиққач тўхтаб қўли блан „боринглар“ деб ишора қилди. Канизак унга хайр деб қўл силкиди-да, у кўздан ғойиб бўлгач, бурилиб кетар экан, Насибалига мурожаат қилди:

— Даданг кетиб колди-ку, энди кимга ўғил бўласан? Менга ўғил бўласанми? — деди.

Бола индамай унинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди.

Биринчи китобинаг сўнгги.

УЙГУН

ХАЁТ ҚҰШИҒИ

БЕШИНЧИ ПАРДА*

Ма'рифат холашибіг, яхши жиқеозлар блан безатылған, яңғы уйи. Деворда Ленин, Сталиннинг портретлари. Электр чироқлар қарақлааб ёымоқда. Деразадан ғарқ пишған мевалар, ундан нари янги қишлоқнинг янғы иморатлари күришиб тұради. Ойдин кечә. Уйда Тожихон блан Тошхон сұхбатлашиб үтирадилар.

Тожихон — Сиз акамга бевафолик қылди, деб мендан хафадирсиз?

Тошхон — Нега хафа бўлай? Тирик бўлса бошқа гап әди.

Тожихон — Оз кутдим.

Тошхон — Икки йил озми?

Тожихон — Назаримда умрбод кутсам ҳам озлик қиласынга ўхшайди. Тўй яқинлашган сари Комилжоннинг йўқлиги қаттиқроқ билинмоқда.

Тошхон — Бундан чиқдики Қодиржонга тегаётганингизга пушаймон экансиз-да?

Тожихон — Нима десам бўлади (*ўйланиб*) йўқ... пушаймон әмасман. Қодиржон ҳам ўз жигаримдай... Мени қаттиқ севишига ва мени зифирча бўлсин ранжитмаслигига, иқрорман, турмуши-миз ёмон ўтмайди... Баҳтсиз бўлмайман... Аммо Комилжон тирик бўлиб, унга тегсам, ўзимни яна ҳам баҳтлироқ ҳисоблардим. Дастлабки севги дастлабкилигича қолар экан.

Тошхон — Бордию акам тирилиб келса, Қодиржонни рад қилиб акамга тегармидингиз?

Тожихон — Ҳа.

Тошхон — Бордию тирилиб келса, аммо Йўлчибойга ўхшаб майиб бўлиб келса, ўшанда ҳам акамни дермидингиз?

Тожихон — Ҳа, Комилни дердим.

Тошхон — (*айғлаб Тожини қулоқлайди*). Раҳмат... Раҳмат. Энди сиздан тамом, розиман: Ҳаётингиз қутлуқ бўлсин.

Тожихон — (*кўз ёшини артиб*). Қаёқдаги ўйқ гапларни айтиб юрагимга ўт солдингиз.

Тошхон — Сизни хафа қилиб қўйдим... Мени кечиринг, ўртоқжон...

Тожихон — Энди мен кетай (*ўрнидан туради*).

Тошхон — Яна пича ўтиринг...

* Боши журналинг 8—9-сонларидан.

Тожихон — Йўқ, аям уришади. Борай туй тайёргарлиги...
Уйда иш кўп. (*Ма'рифат киради*).

Ма'рифат — Ҳа, Тожихон, нега қўзгалиб қолдинг?

Тожихон — Кўп ўтирдми, холажон, борай. Хайр, яхши қолинг.

Ма'рифат — Яхши бор... аянга салом айт. (*Тошхон блан Тожихон чиқиб кетадилар. Ма'рифат жойига ўтириб каштасини қўлига олади. Тошхон, Тожисини кузатиб қайтиб киради*). Тўйлари қачон бўладиган бўлти?

Тошхон — Эртага, агар акам бечора тирик бўлса шу тўй бизницида бўлган бўлар эди.

Ма'рифат — Хайр қизим... битта тўй бўлса қилармиз, сен борсан-ку.

Тошхон — Мени қўяверинг, бир гап бўлар. Акамни ўйланг.

Ма'рифат — Ўйлаганимиз блан тирилиб келармиди қизим. (*Пауза*). Аксига юриб Миша ҳам дараксиз бўлиб кетди.

Тошхон — Иши кўп... Қўли тегмайдиргандир-да... биз мана шу битта уйни битказиб олгунимизча қанча овора бўлдик. У бутун бошлиқ қишлоқни қайтадан тикилаши керак... Осон дейсизми? (*Пауза*). Кечаси акам яна тушимга кирибди... келинг акажон десам, мен аканг эмасман, деди-ю, ғойиб бўлди.

Ма'рифат — Ҳа, энди, тушга нималар кирмайди, дейсан, қизим...

(*Шу пайтда деразадан Комилжоннинг юзи кўринади ва дарров йўқ бўлади. Тошхон Комилни кўриб даҳшатга тушади*).

Тошхон — Войдод!..

Ма'рифат — (*Хайрон*). Нима бўлди қизим? Нима?

Тошхон — Акам!

Ма'рифат — (чўчиб). Акам? Қани?

Тошхон — (*Дераза томонни кўрсатади*). Кўринди-ю, яна ғойиб бўлди...

Ма'рифат — (*дераза томонга қараб*). Ҳечнарса йўқ... киши кўп ўйланса, кўзига ҳарнарса кўринаберади, хаёл...

Тошхон — Йўқ, аниқ кўрдим.

Ма'рифат — Ваҳма қилма, қизим. Ўлган киши тирилиб келармиди?

Тошхон — Тавба наҳотки хаёл бўлса? Йўқ... аниқ кўргандай бўлдим, худди акамга ўхшайди: Аммо қандайдир бошқача-роқ... соchlари оқариб қолгандай... озгандай... (*ташқаридан оёқ товуши эшитилгандаи бўлади*). Ана. (*Даҳшатли пауза. Она-бала деразага тикилиб қулоқ солади*). Эшиятисизми? Ҳовлида бирор юрипти.

Ма'рифат — Ким бўларди... Битта-яримта келгандир... Нурмат акангдир (*ўрнидан туриб эшик томонга йўл олади*).

Тошхон — Тўхтанг, чиқманг! Чиқманг, дейман!

Ма'рифат — Қўрқма, қизим, қўрқма! (*Кампир уйнинг ўртасига боргандা, эшик очилиб, Комил киради. Ма'рифат блан Тошхон сароғимада, лол*).

Комил — Она, танимадингми?

Ма'рифат — Комил (*Комил Ма'рифатнинг қучоғига ташла-нади*). Болам!

Тошхон — Ака!

Ма'рифат — Тирилиб келган болам! Жигар бандим!

Тошхон — (*ёпишиб*). Акажон! (*Она-бала Комилни қучоқлашиб ийғлайди*).

Комил — Йигламанглар, йиғламанглар. Бас. Мана мен келдим-ку. Йиғламангая! Йиғлама синглим! Бас, бас! (*Ма'рифат блан Тошхон ийғидан тұхтайдилар*).

Ма'рифат — Болагинам. Тушимми, ўнгимми? Онанг ўргилесин, қани мана бу уйга кириб ешиниб чиқақол! Тошхон самоварингга олов ташлаб юбор. (*Тошхон эшикга чиқиб кетади, Комил ичкариги уйга кириб кийиниб, чиқади, завқ блан уйни тамомша қылади. Ма'рифат дастурхон ёзади. Бир баркаш узум, анор, нон қүяди. У ўзидә ийқ хурсанд*).

Ма'рифат — Қани ўтириф. (*Комил ўтиради*). Ол, анордан, узумдан ол... соғиниб қолтандырсан... (*Комил еябошлайди*). Тавба, ҳеч күэларимга ишонмайман. Ким ўйлади, сени қайтиб келади, деб... тавба.

Комил — Уйни боплабсилар-ку!

Ма'рифат — (*севиниб*). Ҳа-я, әсимдан чиқибди... Дуруст қилембизми? Үша, ўзинг бошлаб кетган уй. Сени түғрингда қора хат олғанимиздан кейин ўғлимни бошлаган иши чала қолмасин, йүқлиги билинмасин деб, битқазиб олдик... Электримизни күрдингми?

Комил — Жойида.

Ма'рифат — (*ҳаяжонланыб*). Вое, нимасини айтасан, қишлоғимиз жудаем ўзгариб кетганды. Клубимизни күрсанг... Янги солинган ҳаммомимизни, мактабимизни... докторхонамизни күрсанг, нах оғзинг очилиб қолади. Нурмат акани гашига қараганда шаҳарда ҳам бунақа иморатлар ийқ әмисш. Янги боғларимизни, донғилла ма йүлларимизни айтмайсанми! ҳаммадан ҳам, пахтамизни айтсангчи!. Даламизда бирам пахта битадиган бүлдикі, нах ҳавасинг келади. Бултур ўттиздан бердик. Колхозимизга отани ўзлари келдилар... Биздан жуда хурсанд бүлдилар. Нурмат акани маҳтадилар. Бу киши ҳалқ кишиси, бу кишининг боши олтин, құллари гул, дедилар. Рост бу чол худди шунақа одам... Синглингни айтмайсанми? Газетта түшгани-түшганды. Маҳтаганлари-маҳтаган... Тракторни ҳам ҳайдайберади... кетманни ҳам чопаберади... Машиналарни ҳам юргизаберади... пахта парваришига ҳам уста, теримга ҳам чаққон... Құйчи, қылмаган иши, билмаган ҳунари ийқ... Ҳозир сени ўрнингда бригадир. Бу ийл юздан пахта бермоқчи.

Комил — Жуда соз, жуда соз! Қишлоқдагилар ҳаммаси омон, әсонми?

Ма'рифат — Шукур болам, шукур.

Комил — Тожихон қалай, ҳали күёвга чиққани йүқми?

Ма'рифат — (*ноқуладай вазиятга тушади*). Ийқ... ҳали күёвга чиққани ийқ.

Комил — (хурсанд). Ҳа дуруст. Бу Қодиржон ҳали ҳам Армиядами? Ҳат-пат ёзиб турибдими?

Марифат — Ҳа, ҳа... ҳат ёзиб туради... ўзи ҳам шу ерда...
Комил — (ўзгаради). Шундайми? Шундай.

Марифат — Болам тирик экансан, бир эллик ҳат ёзиб хабардор қилиб қўйсанг бўлмасмиди?

Комил — Нима кечикдими?

Марифат — Ҳа, кечикдинг болам. Бириси куни Қодиржон блан Тожихоннинг...

Комил — (сўзини бўлиб). Бас аҳ! Бўлди... Тушундим... Тушундим...

Марифат — Аянг ўргилсин, бир ҳафта, икки ҳафта олдинроқ келсанг бўлмасмиди?

Комил — Заарсиз ая... заарсиз... ҳеч бокиси йўқ... шундай бўлиши керак әди... энди мен Тожихонга тенг эмасман... Заарсиз... Бўлмаса бундай... мени келганимни ҳеч кимга билдирамай қўяқолинглар... Кўнгилсизлик рўй бермасин, тўйи бузилмасин. Мен товғ блан қайтиб кетаман. Катта ўғлингнинг ёнига, Мишанинг ёнига кетаман... Тўй ўтади, вақт ўтади... бола чақа кўришар... Бу дардлар унитилар, шунда яна қайтиб келаман.

Марифат — Болам қишлоқда бошқа қиз кўпку.

Комил — Онажон, вақт келар уйланарман ҳам. Аммо ўзингдан ўтар гап йўқ, ҳозир қишлоқда қолишим, Қодиржон блан Тожихонни ранжитишим, тўйларини бузишим, одамгарчиликдан бўлмас. Чиқ, ая, Тошхонга ҳам тайинла, яна мени келганимни битта яримтага айтиб юрмасин.

Марифат — Болам...

Комил — Аяжон, мени қийнама! Бор... Тошхонга тайинла! (**Марифат** чиқиб кетади, *Музика овози эшитилади*. **Комил** сўри вазиятда секин бориб тўғридаги тош ойнага қарайди ва ўз аксига тикилиб гапиради).

Комил — Қани айтчи, менинг юрагимни сендан бўлак ким билади? Одамларга, қўлдан ажралсан ҳеч бокиси йўқ, Тошхондан жудо бўлсан майли, дейман, аммо улар билишадими, бу сўзларнинг ҳарбири юрагимга ханжардек ботишини?

(*Ташқаридан Нурмат овози эшитилади*).

Нурмат — (ташқаридан). Қани? Қани Комилжон? (*Комилжон безовта. Нурмат киради. Қучоқ очиб Комилжонга ташланади*). Болангдан айланай, бормисан? Омон-эсон келдингми?

Комил — Шукур, шукур, ўзингиз бардаммисиз?

Нурмат — Кўзим энди илинган экан Тошхон бориб уйготди... Акам келди, туринг... тез боринг, деди... Ҳанг-манг бўб қолдим... Аввал ишонмадим... йўқ кейин апил-тапил кийиниб буёқса қараб чопдим.

Комил — Қани, отахон, дастурхонга! (*Ўлтиришади*).

Нурмат — Оббо сен-е! Ахир, келар экансан, мундоғ олдиндан бир эллик ҳат ёки икки оғиз телеграмма юборсанг бўлмасмиди! Бутун колхоз пешвоз чиқиб, карнай-сурнай блан кутиб олардик.

Комил — Сизларни овора қилмайин, — дедим.

Нурмат — И-е... бутун бошлиқ бир одам тирилиб келады-ю, оворагарчилigi борми? Чакки қилибсан... Ҳа, майли, омон-эсон кебсан, яхши бүбти... Оббо азамате! Оббо шер'ел Биз сени ўлдига чиқарып қўйган эдик-а! Хайрият, хайрият... Энди, умринг узоқ бўлар экан. Заб келдингда. Мана энди яна ишни қўлга одасан.

Комил — Қўл бўл маса-чи?

Нурматга Комилнинг жавоби ёқмайди. Юмишоқ содда чол бирдан, ўзгарди. Жиддий қиёфа олди Коматини тиклайди ва бошқа оҳанг блан сўзлайди).

Нурмат — Мен шикоят қиласидиган одамларни ёмон кўраман, ўғлим.

Комил — Бу шикоят эмас, ҳақиқат, ота (қўлинни кўрсатиб) Мана!

Нурмат — Гап қўлда эмас, дилда. Дилинг мустаҳкамми? Ақли-ҳушинг жойидами? Шу кифоя.

Комил — Агар бу сўзларни бошқа кишининг оғзидан эшилсан, тариқча ҳам хафа бўлмас эдим. Аммо сиздек зийирак ва донишманд одамнинг оғзидан эшитиш оғир. Мен сизни кишиларнинг фожиасига бу қадар енгил қарайдиган киши деб ўйламасдим...

Нурмат — Энди хафа бўлганингни фойдаси нима? Хафа бўлганинг блан қўлинг бутун бўлиб қолармиди?

Комил — Нурмат ота, йигит учун саломатликдан, бутун бошлиқ қўлдан ажралиш осон эмас.

Нурмат — (ғазабли). Сен қўлинг дан ажралган бўлсанг, мен юрагимдан, жигарларимдан, яккаю ягона фарзандимдан ажралганиман.

Комил — (даҳшатда). Наҳотки!.. Кечирасиз... Мен бундан бехабар эдим...

Нурмат — (жўшқин). Аммо чидаб юрибман-ку! Ҳаётдан безиб девона бўлиб кетганим йўқ-ку! Нега? Негаки, йигласам душман кулади, букилсам ёв хурсанд бўлади. Нима учун душман сени қўлингдан, мени ўғлидан жудо қилди? Йигидан кўзи кўр бўлсин, ғамдан қадди букилсин, ҳасратдан куйиб ўлсин, дун'ёга келганига минг-минг пушаймон бўлсин деб! Хўш, сен блан биз душманнинг хоҳишига бўйсуннишимиз керакми? Йўқ! Мен йигидан кўзимни кўр қилганим йўқ! Ғамдан қаддимни букмадим! Ҳасратда ёнмадим! Бу — менинг душман устидан ғалабам эди. Нима учун беш йил мобайнида бир нафас ором олмадим? Нима учун юз йилда бун'ёдга келадиган ишларни беш йилда барпо қилдим? Нима учун янги боғлар, янги саройлар қурдим? Нима учун биласанми? Бу — менинг душманга жавобим эди. Бу жавоб учун душман қон йиғлади, халқ миннатдор бўлди, раҳмат айтади. Ўғлим, дун'ёда халқнинг раҳматидан ҳам савоблироқ нарса борми?

Комил — (ҳаяжонда). Раҳмат ота... раҳмат.

Нурмат — Дуруст, йигит кишига қўлдан ажралиш ҳазилакам нарса эмас... баҳтсиэзлик... аммо одамнинг баҳти фақат ўз шах-

сий саломатлигидагина, халосми? Асл инсон учун уз шахсий баҳтидан бўлак баҳт йўқми? Бор. Асл инсон учун уз шахсий баҳтидан минг карра зўрроқ, минг карра улугроқ баҳт бор. Бу баҳт халқ баҳти, юрт баҳти! Зафар қозонган баҳтиёр халқимизнинг муқаддас севинчига нисбатан, сен блан менинг шахсий мусибатимиз ҳечнарса эмас. Агар халқ севинчи бир дар'ё бўлса, бизнинг қайғимиз бир томчигинадур. Наҳотки бир томчи қайғини, бир дар'ё севинч ювиб кетаолмайди? Агар сен блан мени шунчалик оғир азобларга дучор қилган қабиҳ душман яна қайтиб бош кўтармасин, десанг, кам блан қаддингни букма!

Комил — (зўр ҳаяжонда). Раҳмат... Раҳмат. Мен бироз хаста эдим. Сиз улуғ табиб бўлдингиз... Қимматбаҳо, гавҳарга тенг сўзларингиз ярамга малҳам, дардимга даво бўлди. Юрагимда жиндак ғашлик баҳт бор эди, тамом йўқолди. Энди ҳечқандай қайғи юрагимга ёндошолмайди. Сиз ҳақ сиз. Фолибларга йиғи эмас, шодлик ярашади. Фалабага марсия эмас, мадҳия муносиб, биз ўлим ва ғамгинликнинг марсиясини эмас, ҳаёт қўшигини куйлашимиз керак.

Нурмат — Балли ўғлим! Балли.
(*Нурмат Комилни қучоқлаб пешонасидан ўпади*). Чопиб Қодир киради).

Қодир — Комил!

Комил — Қодир! (Кучоқлашиб кўришадилар).

Қодир — Комил! Комилжон! Дўстим!

Комил — Қодиржон, саломатмисан!

Қодир — Наҳотки сенсан! Кўзларимга сра ишонмайман! Оббо сене!

Комил — Тўйларингизга кечикмай вақтида етиб келибман.

Қодиржон — Жуда ҳам вақтида етиб келдинг.

Комил — Табрик қиласман.

Қодир — Йўқ, мен сени табрик қиласман...

(Чопиб Тоҷихон киради. У ҳаяжонда. Орқасидан Тоҷхон ва Ма'риғат киради. Ҳамма жисм. Ҳамманинг кўзи Тоҷихонда. У ҳаяжонидан зурға гапиради).

Тоҷихон — Мени кечиринг. Қодиржон ака тўйни Қолдиришга тўғри келади.

Қодир — Тўғри... Шундай бўлиши керак, синглим.

Тоҷихон — Комилжон.

Комил — Тоҷихон! (Иккаласи бир бирорини қучоғига ташла-
надилар. Ҳамма ҳаяжонда).

Нурмат — Балли азаматлар, балли!

Ма'риғат — Хуш келибсиз азиз меҳмонлар!

Нурмат — Хушвақт бўлинг кампир! Мана бир кунда ҳам ўғиллик, ҳам келинлик бўлиб қолдингиз. Худо хоҳласа ҳа демай (Қодир блан Тоҷхонга имо қилиб) куёвлик ҳам бўлиб қоласиз. Тўй қолдирилмайди. Қани, Тоҷхон, Қодиржон бутун қишлоқни ўйғотинг, чақиринг, ҳозир катта тўй, шодлик тўйи бошланади (музика, шовқин).

А. ФАДЕЕВ

ЁШ ГВАРДИЯ

Роман*

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Агар сенинг шунқор каби мард қалбинг жўш уриб жасорат ва шуҳрат орзусида бўлса, аммо ўзинг ҳали ёш бўлсанг, кўчаларда яланоёқ чопиб юрган вақтинг бўлса, уриб турган юрагинг орзусини одам боласи тушунмаса, — шунда нима қиласардинг, китобхон?

Серёжка Тюленин оиланинг энг кенжаси бўлиб, чўлдаги гиёҳ сингари ўсади. Таги-туги тўлалик бўлган отаси ёшлигида иш қидириб Донбассга келиб қолган ва қирқ йил конда ишлаб, ўз касбини севиб қолган эдик, бундайлар фақат денгизчи ва кўмир кончиларидағина учрар эди. Ҳаттоки бутунлай ишдан чиқиб қолган бўлсада Гаврила Петрович ўзини ҳамон оила бошлиғи деб ўйларди. У әрталаб туриб ҳаммани уйготарди, чунки ёски кончилар одатига кўра кун чиқмасдан турар, бир ўзи зерикиб кетарди. Зерикмаганда ҳам барибир уйготарди, чунки уни йўтал бўғарди. У, ўрнидан туриб, камида бир соатча йўталар, нафаси бўғилар, сафро ташлар, кўкрагида, худди бузук гармондай, алланималар хириллар, ҳуштак чалар эди.

Шундан кейин буқчайган, суяклари туртиб чиққан, ориқлаб кетган, бир вақтлар семиз ва муштдек, ҳозир суюги қолган бурунли бу чол ўзининг теридан тикилган ёстиғига суюниб кечгача қимиirlамай ўтиради; унинг юзлари чўкиб кетган, мошибиринч соқоли ўсиб, паҳмоқ бўлиб кетган, мўйлаблар шопдай, қалин қошлари ўртасидаги рангсиз кўзлари ўткир эди. Чол гоҳ ўз каравотида, гоҳ оstonада, гоҳ бостириладаги тўнкада ўтириб, ҳаммага иш буюар, дўқ уриб, ҳаммага ақл ўргатарди, йўталганида ҳам йўтали, хириллаш бутун Шанхайга эшитиларди.

Энди ўрта ёшга киргандага ишга ярим-ёрти қараб, кейин бутунлай ишдан чиқиб қолганида уч ўғил ва саккиз қизни ўстириб, тарбиялаб, одам қилиш осонми!

* Боши ўтган совларда.

Агарда Орлов деққонлари оиласидан чиққан забардаст хотини Александра Васильевна бўлмаганда эди, бу иш Гаврила Петровичнинг қўлидан келмас эди. Бундай хотинларни Русъда „зўравон аёл“, худди Марфа Посадницанинг ўзи дейдилар. Александра Васильевна ҳозир ҳам бақувват ва умрида ҳечқандай хасталикни билмаган эди. Тўғри, у саводсиз бўлсада, аммо керак бўлган чоқда ҳаммага гапини ўтказаоларди, айёр ҳам бўларди, камган ҳам бўларди, тили бийрон ҳам бўларди, жаҳли ҳам чиқарди, меҳрибон ҳам бўларди, хушомад ҳам қилаоларди, абжир ҳам бўлаоларди, агар бирон киши билмасдан у блан олишиб қолгудай бўлса сичқоннинг уйини минг тангага ижорага оларди.

Болаларининг ўнтаси одам бўлиб етишган эди, энг кичиги Серёжка эса гарчанд ўқучи бўлсада, чўлдаги гиёҳ сингари ўсарди: усти-боши эсига ҳам келмасди, чунки ака ва опаларининг кийимлари унга қайтадан тикиларди; у офтобда, шамолда, ёмғир ва қорларда тобланган, бадани қоп-қорайиб пишган эди, неча марта майиб бўлмасин, неча марта яраланмасин, худди эртакда айтилгандек, бир пасда битиб кетарди.

Ҳаммадан ҳам кўра Серёжкага кўпроқ бўкирадиган, хириллайдиган отаси ҳамма болаларидан ҳам уни яхши кўтарди.

— Жуда қайтмас болада, а? — дерди у, гердайиб ва даҳшатли мўйлабини силаб. — Сен нима дейсан, Шурка? — Шурка унинг олтмиш ёшар ҳамроҳи — ўртоғи, Александра Васильевна эди. — Бир қарагин! Ҳечнимадан тап тортмайдия! Ёшлигимда мен ҳам шунақа эдим! Уху, уху, уху... — уни яна йўтал бўғар эди.

Юрагинг шунқорнинг юрагидек мард, аммо ёшсан, усти-бoshing ёмон, оёқларинг кир. Шунда нима қиласардинг, китобхон? Албатта, даставвал мардлик кўрсатган бўлардинг! Аммо, ёшлигига мардликни орзу қилган ҳамма бола ҳам мардлик кўрсатишга муваффақ бўлавермайди-да!

Тўртингчи синфда ўқиган вақтингда ҳисоб дарсида партада тагидан чумчук учирив юборган бўлсанг, бу — қаҳрамонликка кирмайди. Мактаб директори онангни, я'ни олтмиш ёшар Шурка онангни чақиритиради. Бундан аввалари ҳам неча марта чақириргани эсингдами? Бобонг, я'ни дастлаб Александра Васильевна бобо деб ном қўйган Гаврила Петрович хириллаб, бўғилиб, қўли етса роса одобингни берарди, аммо қўли етмайди, фақат ҳассаси блан ерни уради; иложи бўлса ҳассасини сенга отарди-я, аммо ҳассасиз қолиб йиқилиб тушишдан кўрқади. Аммо Шурка — онанг мактабдан қайтиб, юзингга бир тарсаки туширадики, уч кунгача юзинг ва қулоғинг қизиб юради, — онангга йилдан-йил куч кириб боради.

Ўртоқларингчи? Ўртоқларингга нима қиласарди? Шон-шараф — тутун, пух дединг учди, кетди. Чумчук учирив кўрсатган мардлигинги эртага ҳаммаси эсдан чиқади кетади.

Эзда, бўш вақтларда ҳаммадан кўпроқ қорайишинг, ҳаммадан яхшироқ шўнғиб, ҳаммадан яхши сузишга ўрганишинг, сув остидаги дарахт илдизлари тагидаги балиқни ҳаммадан яхши ушлашни билишинг мумкин.

Дар'ё бўйида кетаётган бир гала қизларни кўриб қолиб, узоқдан сакраб келиб, ўзингни сувга ташлашинг, сув устидан худди қалдирғочдай учишинг, қизлар сени қачон сув бетига чиқаркин деб қараб тургандা, сув остида трусиғингни тушириб, тўсатдан сув бетига бирдан қалқиб чиқишинг, бутун баданингда қораймаган биргина жойинг — оппоқ киндингни осмонга қаратиб чиқишинг мумкин.

Шунда, бир нарсадан ҳуркандай, дар'ё бўйидан кўйлакларини ҳилпиллатиб, товонларини кўтариб қочган қизларни кўриб кўп завқланасан. Сен блан бирга қўмда ётиб офтобда қораючи тентқур болаларнинг мақтовини бепарво эшитиб ётасан. Кичкина болалар сени ҳурматлаб, сенга ҳаваслари келиб, орқангдан эргашиб юрадиган бўладилар, сенга ўхшамоқчи бўладилар, сенинг ҳарбир сўзингни бажо келтирадиган, нима дейишингни бармоғинг қимирлашидан биладиган бўладилар. Румо ҳезаръларининг замони аллақачон ўтиб кетган бўлсада, аммо болаларга сен худо бўлиб кўринасан.

Бу ҳам сенга камлик қилади, албатта. Кунлардан бир куни танаффус вақтида, ҳамма болалар мактаб ҳовлисида ўйнаб юрганда сен иккинчи қават деразадан сакрайсан. Сакраш вақтида, ерга учиб тушишдан, мана мен, кўринглар! деган ҳисдан ва биринчи синф қизларидан тортиб ўнинчи синф қизларининг чинқириб юборишидан бениҳоя лаззат оласан. Аммо бундан буёғи сенга фақат хафагарчилик ва қайғи келтиради.

Директорнинг гапи сенга жуда оғир туюлади. Сени мактабдан чиқариш масаласи туради. Гуноҳкор бўлганинг учун директор блан қўпол гапиришишга мажбур бўласан. Директор отоналаринг олдига, Шанхайдаги уйингга боради.

— Боланинг уй шароитларини билмоқчиман. Боланинг нечун бундай эканлигининг сабабларини билмоқчиман, — дейди директор худди ажнабий кишидай жиддий ва мулоим бўлиб. Унинг овози ота-оналардан койигандай туюларди.

— Ота-оналаринг, — юмшоқ қўлларини қаёққа қўйишини билмаган, чунки ҳозиргина ўчақдан қозон-товоқларни олатуриб қўллари қоракуяга бўялган, артай деса фартуги йўқ онанг блан ниҳоятда саросимага тушиб қолган, уялиб ўзини йўқотган ва директорни кўриши бланоқ ҳассасига таяниб ўрнидан туришга чиранган отанг директорга худди чинакам гуноҳкордай қарайдилар.

Директор чиқиб кетгач сени ҳечкимса койимайди, ҳамма сендан юзини ўгириандай кўринади. Бобонг сенга қарамасдан, онда-сонда уҳ тортади халос, унинг мўйлаблари ҳам илгаригидек шопдай эмас, балки турмушда кўп уринган одамнинг шалвираб қолган мўйлабига ўҳшайди. Онанг ҳамон рўзғор блан овора, оёғини судраб юраверади, уни унга, буни бунга уради; бирдан, рус печкасининг оғзига келиб, куя босган, ажойиб, кўпни кўрган кекса қўли блан кўз ёшини секин артганини кўриб қоласан. Отанг ва онанг гўё сенга: „Бизга бир қара, яхши-

лаб қара: биз киммиз, биз ким бўламиш!" дегандай қўринар эдилар.

Шу онда сен, ўзингнинг кекса ота ва онангнинг улуғ айём кунлар келганда киядиган тузукроқ кийимлари йўқлигини билсан. Умр бўйи улар дастирхонга келиб, ўз болалари блан қўшилишиб овқат ейишмайди, улар ўз болаларидан беркитиб овқат ейдилар, чунки болаларга бўлсин, болалар тўйсин, болаларимиз балоғатга етсин, сен, оиласнинг энг кичиги ўқимишли бўлсин, одам бўлсин деб, бир бурда қора нон блан картошка чайнаб кетаверадилар.

Онангнинг кўз ёши юрагингни эзиб юборади. Отангнинг чеҳраси ҳам сенга яқин ва ғамгин қўринади. Унинг хириллаши ва бўғилиши кулгили эмас, фожиалидир.

Пайпоқ тўқиб ўтирган опаларингнинг гоҳ униси, гоҳ буниси сенга кўз ташлаганида уларнинг боқишида ғазаб ва ўқиниш сезилади. Отанг, онанг, опаларинг блан қўпол, дағал муомала қиласан, кечаси эса сира ухлаётмайсан, аламинг ва қайғинг зўр, гуноҳингни биласан, кичкина юз ёноқларингга тушган кўз ёшларингни кир қўлларинг блан артиб ётасан.

Шу кечадан кейин қарайсанки, улғойиб қолибсан.

Ҳамма сендан юз ўгириб, сени менсимай юрган ғамгин кунларда сенинг тасаввурингда мислсиз, афсонавий қаҳрамонликлар дун'ёси гавдаланади.

Одамлар сув тагидан йигирма минг километр йўл босадилар, янги қит'алар очадилар; одам оғи босмаган оролларга бориб қоладилар, ўзларига керак бўлган барча нарсаларни ўз қўллари блан ясайдилар; улар дун'ёдаги энг баланд тоғ чўққиларига чиқадилар; улар ҳатто ойга учиб борадилар; улар океанларда даҳшатли штормалар блан курашадилар, морс ва салингларга тирмашиб, шамолдан чайқалиб турган мачталарга чиқадилар, одамлар ўз кемаларида сув тагидаги ороллар устидан бешикаст сузиб ўтадилар, ҳайқирган тўлқинларга бочка-бочка балиқ мойи тўқадилар; улар солга тушиб, ташниликдан қуриб қолган оғизларида қўрошин ўқни шимиб олгандагидай океанлардан сузиб ўтадилар; улар саҳроларда қум бўронларида қолиб кетадилар, илонлар, қоплонлар, тимсоҳлар, шерлар, филлар блан курашиб енгардилар. Одамлар бойимоқ ёки ўз турмушларини яхшиламоқ, ёки саргузашт кечирмоқ учун, ўртоқлик хиссиёти, садоқат учун, фалокатга учраган севимли қизни қутқориш учун, ё бўйласа инсоният паровонлиги, Ватан шон-шарафи учун, фан чироги ер юзини доим ёритиб турсин учун шундай қаҳрамонликларга борадилар, — Ливингстон, Амундсен, Седов, Невельскойлар шунақа одамлар эди.

Одамлар урушда қандай қаҳрамонлик кўрсатади! одамизод минг йиллаб уришиб келади, минг-минг одамларнинг номи урушда шон ва шараф қозонган. Толе'нинг йўқ экан: уруш йўқ даврда туғилдинг! Сен, сенинг баҳти-саодатинг учун жонини фидо қилган шаҳидларнинг ўртоқлар мозорини ўт босган, илгарилари ўтган лашкарбошиларнинг шуҳрати ҳали ҳамон сўн-

маган ерларда яшайсан. Ярим кечаларда уйқуни унугиб, уларнинг та'риф саҳифаларини варақлаб ўтирганингда қалбингда қаҳрамонлик ҳисси жавлон уради. Бу кишиларнинг сиймосини яхшилаб кўриб олиш учун сен қайта-қайта ўқийсан, варақлайсан уларнинг та'рифини, уларнинг расмларини чизасан, рости ойна қўйиб кўчириб оласан, кейин ўз билганингча қора қаламни тилинг блан ҳўллаб бўёқлайсан. Бу расмлар ҳали ҳам каравотинг тепасида осиғлиқ турипти.

Бу кишиларнинг меҳнати ва қаҳрамонлиги сенинг авлодингга умр бағишлиди, уларнинг номи инсоният эсида абадий қолади. Аслини суриштирсанг, бу одамлар ҳам сенга ўхшаган оддий одамлар — Михаил Фрунзе, Клим Ворошилов, Серго Орджоникидзе, Сергей Киров, Сергей Тюленин... Агар у ҳам ўзини кўрсатишга улгурган бўлса балки унинг номи ҳам улар қаторида ёзилган бўларди, ким билади... дарҳақиқат, бу одамларнинг ҳаётти нақадар ажойиб, ғайри оддий ўтган! Улар чор ҳукумати вақтида яшириниб юрганлар. Уларни та'қиб этардилар, турмага қамардилар, шимолга жўнатардилар, сибир қилардилар, аммо улар ҳар сафар қочар ва яна кураш бошлар эдилар. Серго Орджоникидзе сургундан қочган. Михаил Фрунзе икки марта сургундан қочган. Сталин олти марта сургундан қочган. Улар кетидан олдин якка-якка бўлиб, кейин юзлаб, кейин юзминглаб, кейин миллион-миллион одам эргашди.

Сергей Тюленин яширин ишлашга эҳтиёж қолмаган бир даврда туғилди. У њеч қаердан қочмаган, қочишининг ҳожати ҳам йўқ эди. У, мактаб биносининг иккинчи қават деразасидан сакраб тушди ҳалос, аммо бу тентаклик эканлиги аниқ. Унинг кетидан фақат Витъка Лукъянченкогина эргашиб юради.

Броқ, ноумид бўлиш ярамайди. Бепоён Шимолий муз океанини қоплаган музлар „Челюскин“ танасини сиқиб ёриб юборди. Тун қоронғисида кеманинг даҳшатли қисирлаши бутун мамлакатга эшитилди. Аммо одамлар ҳалок бўлмади, музга кўчиб тушишиди. Бутун олам ховатирда: уларни қутқазиб оларминалар? Улар қутқазилди. Дун'ёда шунқор юракли мард одамлар кўп. Булар — сенга ўхшаган оддий одамлар. Улар самолётларга тушиб, бўрон ва қаҳратон совуқларни кечиб, фалокатга учраганларни аэроплан қанотларига боғлаб олиб келдилар, — улар Совет Иттифоқининг биринчи қаҳрамонлари эди.

Чкалов! У ҳам сенга ўхшаган оддий одам, аммо унинг номи бутун оламга дозоруқ солади. Шимолий кутб устидан Америкага учеб ўтиш — бутун инсониятнинг орзуси әдику! Чкалов, Громов, бир парча музда юзиб юрган папанинчиларчи?

Ҳаёт, орзу-ҳаёллар ва кундалик меҳнат блан тўла ҳаёт шундай ўтиб боради.

Сенга ўхшаган оддий ва содда, аммо илгари китоблардагина ёзилган қаҳрамонлик кўрсатган, шон-шараф қозонган кишилар бутун совет ерида, ҳатто Краснодоннинг ўзида ҳам оз эмас. Никита Изотов, Стакановнинг номларини Донбассдагина эмас, балки ҳамма ерда ҳарким танийди. Паша Ангелина ким, Криво-

нис ким, тақар ~~тәзан~~ ким — ҳароир пионер айтиб бераолади. Бутун халқ уларни ҳурматтайди. Отаси ҳам газетдан эңг олдин шу одамлар ҳақида ёзилтан жойни ўқиттиради, әшитиб бүлгач негадир анчагача бўғилиб йўталади, қариганидан, вагон уриб юборганидан юраги ачиғани кўриниб туради. „Бобо“, — Гаврила Тюленин, — умрида кўп меҳнат қилиб, елкалари яғир бўлиб кетган, эндиликда унинг шу одамлар қаторида ишлай олмаганингидан аламга ботганини Серёжка билади, тушунади.

— Бу одамларнинг шуҳрати — ҳақиқий, чин шуҳрат. Броқ Се-рёжка ҳали ёш, ўқиши керак. Бу шуҳратларнинг бари ўз вақтида, катта бўлганида етиб келади. Аммо Чкалов ва Громовлар қилган қаҳрамонлик каби қаҳрамонликни кўрсатиш энди унинг қўлидан келади, буни ўзи ҳам билади. Аммо бутун гап шундаки, буни ўзидан бошқа ҳечким билмайди. Бу ҳиссиёти блан у, одамзод ўртасида танҳо ўзи қолган. Ба'зан у, бирон кимсанинг: „бу бало яна чўнтағимга қўл солмасмикин?“ деб унга қараб турганини кўриб қолади.

Шу кезларда уруш бошланиб қолди. Серёжка, албатта учучи бўлиш мақсадида махсус ҳарбий мактабга кириш учун бирнечабор уриниб кўради. Қабул қилмайдилар.

Ҳамма ўқучи болалар дала ишларига чиқиб кетганида, у, хўрлинка чидолмай, кўмир конига ишга кириб кетади. Икки ҳафта тадан кейин у забойга тушиб, катталар блан бир қаторда кўмир қазий бошлайди.

Одамлар назарида қанча ўсганлигини ўзи сезмас эди. Кондан чиққанда афти-башараси қоп-қора бўлиб чиқарди, фақат ўткир кўзлари ва оппоқ майда тишлари ялтираб турарди, катталарга ўхшаб, у ҳам салмоғланиб, оғир қадам ташлаб душга киради, чўмилгандা отасига ўхшаб йўталарди: уйига ялангоёқ бўлиб, шошилмай қайтарди, ботинкаси — ҳукуматники эди.

Уйга кеч, ҳамма кечки овқатни еб бўлгандан кейин қайтарди. У — улғайган, әркак, ишчи одам эди.

Александра Васильевна пеъчдан қозонни олиб, латта блан ушлаганича унинг косасига тўлдириб боршь қуйиб берарди. Қайноқ боршь буғланарди, уйда ёпилган буғдои нонсира ширин туюлмас эди. Отаси, қалин қошлари остидаги рангсиз кўзлари блан ўғлига узоқ тикилиб ўтиради, мўйлаби қимирлар эди. У ўйталмас ҳам эди, хирилламас ҳам эди, ўғли блан худди катта ишчи одамдек бафуржа гапиршиб ўтиради. Отасини ҳамма нарса: конда ишнинг бориши, кимнинг қанча кўмир қазигани,— ҳамма нарса қизиқтиради. Отаси ундан асбобни сўрарди, коржомасини сўрарди. У, кўмир қатламлари, штреклар, ловалар, забойлар, гезенкалар ҳақида ўз ҳовлисининг хоналари, ҳужралари, сомонхоналари ҳақида гапиргандай гапирар эди. Дарҳақиқат, чол шу атрофдаги конларнинг деярлик ҳаммасида ишлаган эди, ишдан чиқиб қолганидан кейин бор-йўқ гапларни оғайниларидан эшитиб биларди. Ер тагида кўмир қайси томондан ва қандоғ қазилаётганини билар эди, ҳарқанақа одамга ҳам ер тагида нималар бўлаёттир, кон қайси

томонга қазилаётir, бармоги блан ҳавода чизиб кўрсата билар эди.

Қиши кунлари Серёжа мактабдан чиқиб, ҳатто овқат ҳам емасдан тўғри артиллерист, ёки сапёр, минёр ёки учучи ўртоғининг олдига югуриб кетарди; кечаси соат ўн иккита мудраб дарс тайёрларди, эрталаб соат бешда яна машқ майдонига бориб, у ерда биронта сержант ўртоғи ўз жангчиларни блан бирга милтиқ отиш ёки граната ирғитишини ўргатарди. Ҳақиқатан, у, милтиқ, наган, маузер, „т—т“, Дегтяревнинг қўл пулемёти, „Максим“ пулемёти, ПГШ автомати отишда, граната ёки ёнилғи солинган шиша ирғитишида, жангчилардан қолишмас эди, у чуқур қазийоларди, мина ўқлашни, мина кўмиш, миналарни олиб ташлашни биларди, бутун дун'ёдаги давлатларнинг аэропланларини таниб оларди, авиа-бомбаларни бехатар қилаоларди; унинг блан бирга Витъка Лукьянченко ҳам бу ишларни қилиб юрарди; Серёжка ҳаммавақт Витъка Лукьянченкони ўзи блан олиб юрар эди, Серёжка Серго Орджоникидзе ёки Сергей Кировга қандай муносабатда бўлса, Витъка ҳам Серёжкага нисбатан шундай эди.

Шу йил кўкламда Серёжка ўсмирлар мактабида бўлмасада, учучи тайёрловчи катталар мактабига кириш учун яна бир марта уриниб кўрди. Аммо яна мағлубиятга учради. Ҳали ёшсан, келгуси йил кел, деб жавоб қилишди унга.

Учучилар мактаби ўрнига Ворошиловград ёнига бориб истеҳком қуриш — даҳшатли мағлубиятга учраш блан баравар эди. Шундан кейин у, уйга қайтмасликка қасам'ёд қилди.

Ҳарбий қисмга ёзилиш учун не-не айёрлик, не-не ҳийлакорлик қилмади у! Бошидан кечирган хўрлик ва аламларининг юздан бирини ҳам Надяга айтмади. Жангнинг нималигини, ўлим, кўрқув нималигини энди у яхши билиб олган эди.

Серёжка қотиб ухлаган экан, ҳатто отасининг эрталабки йўтала ҳам уйғотолмади. У, офтоб баланд кўтарилганда ўйғонди; уй дарчалари берк эди, аммо у, дарча тирқишидан тушган қуёш шу'ласидан вақтнинг қанчалигини аниқлар эди. Кўзини очиши бланоқ билдики, ҳали немислар келмаган.

Ювингани ҳовлига чиқди; эшик супачасида бобоси, бободан сал нарида Витъка Лукьянченко ўтирган эди. Онаси полизга чиқиб кетган, опалари ишга кетишган эди.

— Э-ҳа! Омонмисан, жангчи! Аника! Уху, уху, уху-уха... — деб бобо уни қарши олди. — Тирикмисан? Шу кунда энг муҳими шу бўлиб қолди. Ҳе-ҳе! Илдизинг тонг отардан бери қачон уйғонар экан деб кутиб ўтирипти, — деди чол ва ўзининг уйқудан энди турган, кичик юзли, серҳаракат ва эпчил ўртоғига тек туриб, бахмалдай қора кўзларини тикиб турган Витъка Лукьянченкони дўстона кўрсатди.—Илдизинг жойида,—деб давом этди бобо.—Ҳар куни эрта саҳарда келиб: „Серёжка келдими? Серёжка қайтдими?“ деб сўраб туради. Серёжка жонини... Уха-уха... жонини беради!— хурсанд бўлиб, деди чол.

Дўстлик садоқати бобонинг тили блан яна тасдиқланди.

Уларнинг иккovi ҳам Ворошиловград ёнида ер қазишда бирга бўлган әдилар, ўз дўстининг ихтиёрида бўлган Витъка ҳарбий

қисмга бирга кирмоқ ниятида у блан бирга қолмоқчи эди. Аммо Серёжка уни уйга қайтиб кетишга мажбур этди, бунинг сабаби Витъкани, унинг ота-оналарини аягани эмас эди; agar Витъка у блан бирга қолса икковининг ҳарбий қисмга олиниши маҳол, қолаверса — Серёжканинг ҳарбий қисмга киришига халақит берарди. Витъка ўзининг золим ўртоғидан ниҳоятда хафа бўлиб, уйга қайтишга мажбур бўлди, йўқ, қайтишгагина эмас, балки Серёжканинг режасини ўз ота-онасига, Серёжканинг ота-оналарига, умуман ҳеч кимсага айтиб бермасликка қасам'ёд қилишга мажбур бўлди, сабаби—агар Серёжканинг яна омади келмаса унинг ша'нига тап тегмаган бўлар эди.

Бобонинг гапларига қараганда, Витъка ўз ва'дасида турганлиги кўринарди.

Серёжка блан Витъка Лукъянченко уйнинг орқасида, ҳамма-ёнини қамиш босган кичкина сой бўйида томоки чекишиб, бир-бирларига янги хабарларни айтиб ўтиришарди. Сойнинг нариги ёги кенг ўтлоқ бўлиб, у ерда пода боқилар, майдоннинг орқасида эса кончилар учун қурилган, аммо ишга тушмаган ҳаммом бор эди.

Уларнинг мактабдош ўртоқларидан,—иккови Ворошилов номли мактабда ўқишарди,—шаҳарда Толя Орлов, Володя Осьмухин ва Любка Шевцовалар қолган эди; Витъканинг сўзига қараганда, Любка Шевцованинг хулқи ўзгариб кетган эди: у кўчага чиқмайдиган, нуқул уйда ўтирадиган бўлиб қолган эди. Любка Шевцова ҳам Ворошилов номли мактабда ўқир эди, броқ у урушгача етти синфи тамом қилиб, мактабдан кетиб қолган эди: у артистка бўлишни орэу қиласарди, театрларда, райондаги клубларда ўйинга тушарди, ашула айтарди. Любканинг шаҳарда қолгани Серёжкага жуда ёқиб тушди. чунки у ниҳоятда чаққон, эпчил қиз эди. Любка Шевцовани юбка кийган Сергей Тюленин деса бўларди.

Витъка яна Серёжкага малум бўлган янги хабарни, я'ни Игнат Фомина уйида номалум одам беркиниб ётгани, бутун Шанхай аҳолиси у одамнинг кимлигини билолмай юриши, ундан қўрққанини қулогига шивирлаб айтиб берди. Сеняки районида, ўқ-дори омборлари ёнидаги очиқ ертўлада ёнилғи солинган бирнеча ўн шиша бор, шошқолоқликда ташлаб кетишган бўлса керак, деди Витъка.

Витъка, ўша шишаларни олиб, яшириб қўйилса ёмон бўлмас эди деган эди, бирдан Серёжканинг эсига бир нарса тушди-да, жиддий тус олди ва икковимиз дарҳол госпитальга боришимиз керак, деди.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

Фронт Донбассга яқин келиб, Краснодонда ярадорлар пайдо бўлганда Надя Тюленина ўз истаги блан тиббий ҳамширалар курсига кирган ва курсни битириб, бир йилдан бери ҳарбий госпитальда ишлар эди. Госпиталь шаҳар касалхонасининг биринчи қаватида эди.

Ҳарбий госпиталь ходимларининг врачи Фёдор Фёдоровичдан бошқа ҳаммаси бирнече кун бурун кўчиб кетганлиги ва касалхонада тиббий ходимларнинг кўпчилиги старший врач бош бўлиб шарққа кўчиб кетганлигига қарамасдан, касалхона аввалгича ишлаб турар эди. Сирёжка блан Витъка қабулхонага киришлари бланоқ навбатчи доя уларни тўхтатиб, оёқларини ҳўл латтага артишга буюриб, госпитальда старший ҳамшира бўлиб ишловчи Надяни чақириб келгунимча шу ерда ўтиратуринглар дегандা, бу иккала бола бу муассасага ҳурмат блан қарайбошладилар.

Бироздан кейин уларнинг олдига доя блан бирга Надя чиқди; заммо бу Надя кечаси Серёжка блан каравотда суҳбатлашиб ўтирган Надя эмас эди энди: доянинг меҳрибон, ажин босган ва мулойим юзида кўринганидек, Надяниг ёноқлари чиқсан, ингичка қошлири бўялган, кичкина юзида ҳам жиддий, чуқур, ташвиш аломати кўринарди.

Бирдан опасининг олдидаги саловот босган Серёжка, қўлидаги шапкасини тижимлаб туриб:

— Надя, — деди. — Надя, йигитларни қутқариш керак ахир, узинг биласан-ку... Витъка иккимиз уйма-уй юриб чиқар эдик, Фёдор Фёдоровичга кириб айт.

Надя озгинагача индамай Серёжкага қараб қолди. Кейин оёғи тортмагандай бўлиб, бошини чайқади.

— Чақир, врачни чақир буёққа, ё бизни олдига олиб кир, — деди Серёжка, жаҳли чиқиб.

— Луша, буларга халат бер, — деди Надя.

Доя, оқ жовондан иккита халат олиб чиқиб, болаларга ўзи кийгизиб қўйди.

— Бу бола рост айтади, — деди бирдан Луша хола, юмшоқ кекса лабларини ковшаб, у, Надяга меҳрибон назар блан қарап эди. — Одамлар йўқ демай олишади. Мен ўзим бирорини оламан. Йигитларга кимнинг раҳми келмайди? Ўзим ёлғизман, ўғилларим бўлса фронтда, қизим блан мен ўзим. Виселкида турамиз. Немислар кирса — ўғлим дейсан. Ҳаммага айтиб қўйиш керак, — ўғлим, қариндошим десин.

— Сиз немисларнинг кимлигини билмайсиз, — деди Надя.

— Немисларни билмасам ҳам, ўзимизникларни биламан, — деб дарров жавоб қилди Луша хола. Мен сизларга Виселкадан яхши одамларни айтиб бераман.

Надя болаларни деразалари шаҳар кўчаларига қараган йўлакдан бошлаб борди. Ҳарбир очиқ әшикдан ўтган сари газак олиб кетган ва бойлаган яра ва ювилмаган кир кийимларнинг ҳиди уларнинг димоғига уради; бу ҳидларни ҳатто дориларнинг ҳиди ҳам босаолмасди. Касалхона деразаларидан офтоб нурлари блан кўмилган шаҳар нақадар ёруғ, тинч, ёқимли ва жонажон кўринарди.

Госпитальда қолган ярадорларнинг бариси юролмайдиган касаллар эди; ба'зিбирлари қўлтиқ таёқ блан йўлакда судралиб юради; уларнинг ёш ва каска, соқоли қирилган ва қирилмаган чеҳраларида Надя блан Луша холанини сингари, қандайдир жиддий ва чуқур бир нарса акс этарди.

Йўлакдан болаларнинг дукур-дукури эшитилиши блан, кагавотда ётган ярадорлар умидвор бўлиб бошларини кўтарар эдилар, қўлтиқ тайёқ блан юрганлар эса, — юзларига ҳам жон кириб, — халат кийган икки ўсмир бола блан уларни бошлаб кетаётган юзи жиддий ва ҳаммага таниш бўлган ҳамшира Надяни кузатиб қолардилар.

Надя блан ўсмир болалар коридор охирида берк турган бир эшик олдига бориб тўхтадилар; Надя эшикни тақиллатмасдан, кичкина қўли блан катта қилиб очиб юборди.

— Сизга, Фёдор Фёдорович, — деди у, болаларни олдинга ўтказиб.

Бироз салавот босган Серёжа блан Витъка кабинетга киришди. Уларнинг рўпарасидан бўйи баланд, елкалари кенг, қотма ва бақувват, соқол-мўйлаби теккис қирилган, соchlари оппоқ, ажин босган, ёноғи чиққан, қуш бурун, хуллас худди мисдан қўйилгандек бир чол ўринидан турди. У ўзи ўтирган столи ёнидан турди; кабинетда ёлғиз ўзи ўтирганидан, столда на китоб, на газет ва на дори-дармон йўқлигидан, кабинет бутунлай бўшлигидан, болалар билишдики, врач ҳеч иш қилас, фақат ёлғиз ўзи хаёл суриб ўтиради. Буни болалар яна врачнинг ҳарбий кийимда эмас, балки оддий кийимда эканлигидан ҳам сездилар: унинг эгнида кулранг костюм, (костюмнинг бир ёқаси халат устидан чиқиб турарди) кулранг шим, оёғида кирлаб кетган ботинка (бу ҳам ўзиники бўлмаса керак) бор эди.

Надя сингари, Луша ва палатадаги ярадорлар сингари у ҳам болаларга жиддий ва ажабланмай қаради.

— Фёдор Фёдорович, биз ярадорларни уй-уйларга жойлаштиришда сизга кўмаклашгани келдик, — деди Серёжка, бу чолга ортиқ бирнима деб ўтиришнинг ҳожати йўқлигини дарров пайқади.

— Олишармикин-а? — деб сўради у.

— Оладиган одамлар топилади, Фёдор Фёдорович, — деди Надя қўнғироқдай овози блан. — Касалхона дояси Луша бир ярадорни олмоқчи, яна оладиган одамларни кўрсатиб қўймоқчи; болалар ҳам суриштириб кўришади, мен ҳам топаман, краснодонлиларнинг кўпи йўқ демай олади. Биз тюленинлар ҳам оладику аммо уйимизда жой йўқ, — деди Надя ва юз-кўзларигача қизарип кетди. Гарчи Надя ростини айтган бўлсада, Серёжка ҳам қизарди.

— Наталья Алексеевнани чақиринг, — деди Фёдор Фёдорович.

Наталья Алексеевна касалхонанинг ёш врачларидан эди, шаҳардан ўн саккиз километр нарида, Краснодон кўумир кони посёлкасида турадиган ёлғиз бемор онаси туфайли у касалхона ходимлари блан бирга кўчиб кетмаган эди. Касалхонада касаллар, аш'ёлар, дори-дармон ва асбоблар қолганлиги учун, ҳечқаёққа кетмай немислар блан қоладиганидан ўз ҳамкасаваларидан уялган Наталья Алексеевна касалхонанинг бош врачи вазифасини ўз устига олган эди.

Надя чиқиб кетди.

Фёдор Фёдорович стол ёнидаги жойига ўтиреди, чақон ҳалати этагини кўтариб, пиджак чўнтағидан томокидон ҳамда букилган

ва гижимланган газет чиқарыб, бир бўлганини йиртди, қотма қўли ва лабларини ишга солиб, дарҳол карнай ясади, томокидондаги махоркадан карнайга тиқдида, чекабошлади.

— Бу ишларинг ма'кул,—деди Фёдор Фёдорович на диванда тек ўтирган болаларга жиддий қилиб қаради.

Олдин Серёжкага, кейин Витъкага қарайди, аммо каттаси Серёжка эканлигини сезгандай бўлиб, яна унга қарайди. Бу 'қарашнинг ма'носини Витъка тушунди, аммо сира хафа бўлмади, чунки Серёжканинг иш боши эканлигини ўзи ҳам биларди, унинг ишбоши бўлишини истарди, бунга фахрланарди ҳам.

Надя кабинетга йигирма саккиз ёшлар чамасидаги кичкина бир жувонни бошлаб кирди; чеҳрасида, оёқ ва қўлларида болаларга хос қандайдир гўдаклик, майнинлик ва дўндиқлик кўриниб турганидан уни кўрган одам ҳақиқатан ҳам ёш бола дерди. Отаси тиббий институтда ўқишини давом этдиришга қарши турганида Наталья Алексеевна шу оёқчалари блан Краснодондан Харьковга пиёда борган, ўқишини давом этдиримоқ учун шу қўлчалари блан тикучилик қилиб, бирорларнинг кирини ювиб, кун кечириган эди: отаси вафот этгандан кейин, саккиз жонли оиласи шу қўлчаларига олган, бу оила а'золарининг ба'зилари ҳозир урушда жанг қилмоқда, ба'зилари бошқа шаҳарларда ишламоқда, ба'зилари эса ўқимоқда эди; шу қўлчалари блан у, ўзидан катта ва тажрибали врачлар ботинолмаган операцияларни дадил қилар эди; унинг болаларга ўхшаган дўндиқ чеҳрасидаги кўзлари шу қадар тўғри, иродали, шафқатсиз ва меҳнат севар кўзлар эдикни, иттифоқ миқёсидаги бир муассаса ишлар мудирининг ҳавоси келмай қолмасди.

У кириши блан Фёдор Фёдорович ўрнидан турди.

— Бемалол ўтираверинг, менинг бу ишдан хабарим бор,—деди жувон дўндиқ қўлларини кўксига қўйиб, унинг бу ҳаракати ишсан, меҳнатсевар кўзларига, аниқ ва қуруқ сўзларига зид кўринарди. — Менинг бундан хабарим бор ва менимча, жуда ма'кул иш,—деди-да, шахсий муносабат блан эмас, балки улардан бирон фойдали иш чиқармикин дегандай қилиб, Серёжка блан Витъкага қаради. Кейин Фёдор Фёдоровичга қараб: — Сизчи?—деб сўради.

Фёдор Фёдорович унинг гапига дарҳол тушунди.

Мен сизнинг касалхонангизда қолганим яхшироқ, мен ўзим шу ерлиман. Шу ерда қолсам — ҳарқандай шароит бўлмасин, уларга ёрдамиш тегарди,—Унинг „улар“ деб ярадорларни айтганини ҳамма тушунди. — Иложи борми?

— Иложи бор,—деди Наталья Алексеевна.

— Касалхонангизда мени немисларга айтиб қўйишмайдими?

— Касалхонамиэда сизни немисларга билдиришмайди,—деди Наталья Алексеевна, дўндиқ қўлларини кўкрагига босиб.

— Раҳмат. Раҳмат сизларга,—деди Фёдор Фёдорович ва энг биринчи марта кўз қисиб жилмайиб, узун ва бақувват бармоқли қўлини олдин Серёжкага, сўнгра Витъка Лукъянченкога чўзди.

— Фёдор Фёдорович,—деди Серёжка, врачнинг юзига ўзининг чароқлаган кўзлари блан тикилиб; унинг бу қарashi; .Буни

Сиз ва бошқа одамлар нима деса деяверсин, аммо мен айтишим керак, чунки бу меним бурчим“ дегандай бўларди,—Фёдор Фёдорович, қачон керак бўлиб қолсак — мен блан Витъка Лукьянченко ҳамавақт тайёрмиз. Биз блан алоқани Надя орқали қилинса бўлади. Ўз номимдан ҳамда ўртоғим Витъка Лукьянченко номидан яна шуни айтишим керакки, сизнинг бу ишингизни, я'ни шундай оғир пайтда ярадорлар ёнида қолишингизни — биз ниҳоятда олижаноб бир иш деб ҳисоблаймиз, — деди пешанаси терлаб кетган Серёжка.

— Раҳмат, — деди Фёдор Фёдорович ниҳоятда жиддий тусда.—Сизлар шу гапни очибсизларми, мен ҳам икки оғиз гап айтай: қанақа касб эгаси бўлмасин ҳарқанақа одамнинг турмушида шундай аҳвол туғилиши мумкинки, у, ўзи бошлаб кетаётган ёки ўзига боғлиқ бўлган одамларни ташлаб кетиши мумкин ва керак, шундай аҳволда унинг ташлаб кетмоғи фойдалироқ бўлди. Шундай аҳвол бўлиб турди. Такрор айтаманки, бундай аҳвол ҳарқанақа касб эгаларида бўлади, ҳатто лашкарбоши ва сиёсий арбобларда ҳам бўлади, аммо бир касб эгаларида — врачларда, айниқса ҳарбий врачлардагина бўлмайди. Врач — ҳаммавақт ярадорнинг қошида бўлмоғи керак. Қандай шароит бўлмасин — ярадор ёнида бўлиши керак. Бу бурчдан ҳам юқорироқ турган зарурат йўқ дун'ёда. Шу зарурият туфайли ҳатто ҳарбий интизом бузилиши мумкин, буйруқ бажарилмаслиги ҳам мумкин. Агар фронт қўмондони менга ярадорларни ташлаб, ўзингиз кетинг, деганда ҳам мен унга бўйин сунмайман. Агар ўртоқ Сталин: „Мавжуд аҳволни назар-э'тиборга олиб, сиз кетсангиз бўлади“ деганда ҳам мен кетмас эдим. Аммо ўртоқ Сталин ҳечқачон бундай демас эди, чунки у буни ҳаммадан яхши тушунади. Ҳарқандай оғир шароитда ҳам ташлаб кетмайдиган ягона одам — Сталиндир: фақат у ва ҳарбий врач... Раҳмат, раҳмат сизларга, — деди Фёдор Фёдорович ва худди мисдан қўйилган, буғдой ранг юзли ва оппоқ бошини болаларга өгди.

Наталья Алексеевна индамай дўйдиқ қўлларини кўксига босди, унинг Фёдор Фёдоровичга тикилган кўзларида шодёна руҳ акс этарди.

Фақат Серёжка, Надя, Луша хола ва Витъка Лукьянченко қатнаган ва кейинги чорак асрда бўлиб ўтган кенгашлардан ҳам қисқа бўлган даҳлиздаги кенгашда иш режаси аниқлаб олинди. Бу кенгаш болалар устларидаги халатларини ечиб ташлагунча вақт кетди. Болалар ўзларини тутиб туролмай касалхонадан ўқдай учиб чиқдиларда, июль кунининг туш пайтидаги ёруғи кўзларини қамаштириб юборди. Уларнинг бутун вужудлари аллақандай шодлик, ўзларидан, одамзоддан фахрланиш, тоғни толқон қилгудек меҳнат иштиёқи блан тўлиб-тошган эди.

— Мана буни одам дейдилар! А? — деди Серёжка, ўртоғига ҳаяжон блан қараб.

— Рост, — деди Витя Лукьянченко ва кўзини пир-пир этиб учирди.

— Игнат Фоминнинг уйида ким яшириниб юрганини мен ҳо-

зир биламан,—деди Серёжка бирдан, ҳозир гапириб турган гапини унуги.

— Кандай қилиб биласан?

— Уйингга бир ярадорни оласанми деб кўраман.

— Хоинлик қиласди,—деди Витъка, ўзининг гапига қаттиқ ишониб.

— Мен ҳам сирни очиб айтиб анои бўлпамми! Уйига кириб олсан бўлганида,—деди Серёжка ва кўз ҳамда тишларини айёларча ярқиратиб, кулди. Бу фикр унинг миясида жуда мустаҳкам ўрнашиб олган эди, шунинг учун муқаррар бажаражагини аниқ билар эди.

У, Шанхайнинг бозордан анча четдаги, ғалвирдай катта кунгабоқарлар орасида турган Игнат Фомин уйининг эшиги олдида турар эди.

Эшик қоқилганда анчагача ҳечким овоз бермади, Серёжка уй ичида гилар уни деразадан кўриб олмоқчи эканликларини пайқаб. кўзга кўринмаслик учун, жўрттага эшик ёнига суқилиб турди, Ниҳоят, эшик очилди. Игнат Фомин, бир қўли блан эшик бандини ушлаб, яна бир қўли блан эшик рамига суялиб, бошини экганича,—у худди чуволчан сингари узун эди, ажин босиб кетган юзидағи нурсиз ва кичкина кўзлари блан Серёжкага тикилиб қараб тураг эди.

— Э раҳмат!—деди Серёжка ва эшикни „киринг!“ деб очиб тургандай, Игнат Фоминнинг қўли остидан лип этиб ўтдида, даҳлиэга кирди, ҳайрон бўлишга ҳам улгурмаган Игнат Фомин унинг кетидан қадам ташлаганда, Серёжка ички уй эшигини очган эди.

— Афв этасиз, гражданин,—деди Серёжка уй ичида кириб олган ва катак пиджак ва шим, мойланган хомтери этик кийган, кўкрагига занжир соат осган ва ниҳоят ҳайрон бўлган Игнат Фомин олдида бошини эгиб турди.

— Сенга нима керак?—деди Игнат Фомин, сийрак қошлини кўтариб; унинг юзидағи сонсиз-саноқсис ажинлар ҳаракатга келди ва бирнима қилмоқчидай бўлди.

— Гражданин!—деди Серёжка тантанали овоз блан; Франция инқилоби давридаги конвент а'зосининг қиёфасида туриб олгани Серёжканинг ўзи учун ҳам, Игнат Фомин учун ҳам кутилмаган эди.—Гражданин! Ярадор жангчини кутқоринг!

Игнат Фомин юзидағи ажинлар дарҳол ҳаракатдан тўхтадида, Серёжкага тикилган кўзлари худди қўғирчоқ кўзидаёт, қимир этмади.

Игнат Фоминни бундай ҳолга туширган нарсанинг сабабини сезган Серёжка:

— Ярадбр мен эмасман,—деди—чекиниб кетаётган жангчилар кўчага, худди бозор ёнига бир ярадорни ташлаб кетдилар. Биз болалар блан кўриб қолиб, тўғри сизникига қараб чопдик.

Игнат Фоминнинг чўзиқ юзида бирдан турли-туман хирслар аломати акс этди ва у бехосдан бошқа уй эшигига кўз ташлади.

— Нега энди тўппа-тўғри меникига келдиларинг?—деди ши-

вирлаб ва газаб блан Серёжкага тикилди; юзидаги ажинлар яна ҳаракатга келди.

— Сизникига келмасдан, ахир, кимникига борайлик, Игнат Семёнович? Сизнинг энг биринчи стахановчи әканлигингилини бутун шаҳар билади,—деди Серёжка ўзининг фоят соф кўзларини,—заҳарланган ўқёйни Игнат Фоминга шафқатсиз тикиб.

— Ўзинг кимсан? — деди Игнат Фомин: у борган сайн саросимага тушар ва ажабланар эди.

— Мен ўзингизга ма'лум бўлган стахановчи Прохор Любезновнинг ўғли бўламан, — деди Серёжка; ҳечқанақа Прохор Любезнов деган одамнинг йўқлигини нақадар билса, шунчалик кескин гапиради у.

— Прохор Любезновни танийман. — Энди ўзига келган Игнат Фомин бирдан узун ва бесўнақай қўлларини кўтарди. — Менга қара, ука, сенинг жангчиннга уйимда жой йўқ, хотиним ҳам касал, сен, ука, бошқа илож топ... — Унинг қўллари кўча эшикни ишора қиласарди.

— Жўда қизиқ одам экансиз, гражданин! Яна бир ўйингиз борлигини ҳамма биладику, — деди Серёжка чақноқ ва жасур кўзларини Фоминга тикиб.

Фомин қимирлаб ҳам, ҳатто овоз чиқариб ҳам улгурмаган эдик, Серёжка шошилмай бориб, иккинчи уйнинг эшигини очиб, ичкари кирди.

Дарчалари чала очиқ, у ер-бу ерга тувак гуллар қўйилган, мебель блан жиҳозланган озода уйда стол ёнида уста косиб кийими кийган, елкаси кенг, мошибиринч сочи олинган катта бошли, юзида қора седанали киши ўтиради. Киши, оҳиста бошини кўтариб, Серёжкага қаради.

Шу ондаёт Серёжка бу одам яхши, иродаси зўр ва осойишта бир одам эканлигини сезди. Сезиши бланоқ уни ниҳоят даражада қўрқув босди. Унинг ботир юрагида бир мисқол ҳам мардлик қолмади. У шу қадар қўрқиб кетган эдик, ҳатто тили гапга келмай, ўзи қимир этолмай қолди, шу онда эшикда Игнат Фоминнинг қўрқув аралаш ғазабланган юзи кўринди.

— Шошилма,—деди стол ёнида ўтирган нотаниш киши Серёжкага бостириб келаётган Игнат Фоминга қараб. — Нега ярадор жангчини ўз ўйингга олиб кетмадингиз, хўш? — дея Серёжкадан сўради.

Серёжка индамасди.

— Отанг шу ердами ё кўчиб кетдими?

Серёжка қип-қизарип:

— Кўчиб кетди,—деди.

— Онангчи?

— Онам уйда.

— Олдин нега онангга бориб айтмадинг?

Серёжка индамасди.

— Қанақа хотин экан у, ярадорни уйига киритмаса?

Серёжканинг юраги ачишиб, бошини силкитди. Ўйин тамом бўлиб, гап „ота“ ва „она“га келганда у кўз олдига ўз ота ва

онасини келтирди, аммо улар ҳақида нотүғри ва ёлғон гап түқиш унга уят әди.

Афтидан, стол ёнида ўтирган киши Серёжкага ишонар әди.

— Хүш,—деди у, Серёжкани күздан кечириб.—Игнат Семёнович ярадор жангчини киритолмайман деб түғри айтади, — деди хаёл ичида. — Аммо, уйига оладиган одам топилади. Бу ишининг ма'қул. Отангга раҳмаг. Қидирсанг топасан. Броқ бу ишни сир тут, ҳаркимнинг ҳам уйига кираверма. Бордию, ҳечким олмаса менинг олдимга кел. Олишса—келма; яхшиси менга адресингни бериб қўй, керак бўлганда ўзим қидириб толаман.

Қилган шўхлиги учун Серёжка жуда пушаймон әди. Рўпара-да ўтирган одамга ўзининг ҳақиқий адресини айтай деб турганда бошқа адрес тўқиб айтишга ва шу ёлғон гап блан бу одамдан бутунлай ажralиб кетишга мажбур бўлган әди.

Серёжка кўчага чиқди. У саросимага тушган ва жижолат әди. Игнат Фомин уйидаги одамнинг ҳақиқий, асл, катта одам эканлиги мутлоқ шубҳасиз әди, Игнат Фоминнинг bemаза одамлигига ҳам шубҳа йўқ әди. Аммо улар бир-бирлари блан боғлиқ әдилар. Буня фаҳмлаш қийин әди.

СОДИҚ ҚАЛАНДАР

БИЗ УРАЛДА *

Повесть

VIII

Умар кундан-кун тузалабошлади. Свердловскга келганининг тўртинчи ҳафтасида унинг бошидан боғланган дакаларини ҳам ечиб олдилар. Юзларининг шиши ҳам қайтди. Ўзини соғ ва анчагина тетик сезган Умар бир-икки марта район партия комитетига бориб, бирор ишда фойдаланишларини сўради. Аммо район партия комитетининг узун бўйли, қотма келган секретари Березин, Умарнинг юзларидан ва кўзининг оқларидан ҳали кўтарилимаган сариғлиқни кўриб, унга шундай деди:

— Майли, майли, Умаржон, яна уч-тўрт кун дам олинг. Тез кунда ўзимиз чақирамиз. Ўзбекистондан бизга бир эшелон меҳнат армияси келаяпти. Тушундингиизми, олдимиэда қандай ишлар турипти? Ана шунда бизга сизнинг катта ёрдамингиз тегади, деб ўйлайман.

Умар хусусий квартирда туар эди, квартир бўлганда ҳам, бир уйнинг катта рус печи ўрнатилган бир бурчаги. Бунда унинг бир-икки дона китоби ва бир пар ички кийими солиғлиқ тумбочкаси, ва каравоти туар эди. Бурчак, уйнинг бошқа қисмларидан катта гулдор чит чойшаб блан ажратилган бўлиб, кундузи ҳам қоронғи эди. Умар шундай иссиққина бурчакга кириб олганидан беҳад хурсанд эди, чунки 1941 йил декабрь ойларида Свердловскида ана шундай тор бурчакни топиш ҳам анча машаққат эди. Бу уйнинг эгаси кексароқ бир рус хотини эди. У, Умарнинг келишидан беш кун илгари эрини фронтга жўнатиб, ўн тўрт ва ўн олти ёшли иккита ўспирин ўғли блан қолган эди. У, Умарни иссиқ қарши олди, уч-тўрт кун ичидаёқ ўз ўглидай унга меҳрибонлик блан муомала қиласидиган бўлиб қолди.

— Вой, ўғлим, бу пальто блан қаерга борасиз?—деди ҳайрон бўлиб хотин: Умар бир кун кенг драп пальтосини кийиб бир-екка бормоқчи бўлганида, — кўча жуда совуқ-ку, қаранг. Ана

Боши ўтган сонларда.

ташқарид бўрон... Олинг, Андрей Ефимовичнинг калта пустинни кийиб олинг. Ундан кейин қаерга борсангиш бораберинг. Бу аҳволда мен сизни уйдан чиқармайман, болам. Ўйламанг.

Умар бу хотиндан яна шунинг учун ҳам миннатдор эди, у бошқа масалаларда ҳам ўзининг оналарча меҳрибонлигини кўрсатиб туар эди: ҳар әрта ундан бошининг зирқираши тўхтадими, яраларининг оғриги босилдими, пайноги йиртилган бўлса ямаб берсинми, ёғи совуқ емаяптими, уйидан хат келиб туриптими— ҳамма нарса ҳақида оқкўнгил блан қизиқиб сўрап эди, борган сари унга Умарнинг ҳурмати ортди.

— Ички кўйнак-иштонингизни ювиб қўйдим, — деди хотин бир кун Умар қаёқдандир келиб кириши блан,— ҳа демай қуриб қолади.

— Э, она, овора бўлиб нима қилар эдингиз. Ўз ишингиз ҳам етарли эди-ку—деди Умар ва юрагида бу яхшиликка нисбатан у ҳам бир яхшилик кўрсатишни ўйлаб қўйди. Кечалари узоқ ўтириб, болаларнинг дарс тайёрлассаларига ёрдам берди, бир-икки марта улар блан ўрмонга бориб ўтиш олиб келди. Йил оғир эди. Умар ба'зан пакетга солинган шакар, ба'зан қуриган ёғлиқ балиқ, ёки бирор кило гўшт кўтариб келар эди.

Қишиш шу йил жуда қаттиқ бўлди. Декабрънинг узоқ кечаларидан бирида жуда қалин қор ёғиб чиқди.

Умар эрталаб райкомга бормоқчи эди, шунинг учун вақтлироқ туриб кийиниб, тўғри эшикка борди, шунча зўр блан итарса ҳам эшик очилмади. Ташқаридан бутун зинапойчаларгача уйилиб кетган қор эшикнинг ярмини қоплаган эди. У нима қилишини билмади. Дераза ёнига келиб, кўчага қаради, яна эшик томонга борди, бор кучи блан елкасини тираб орқага қараб итарабошлиди. Эшик бир қўл сигарлик даражада базўр очилди. Умар, кутилмаган ва унга ажойиб бўлиб кўринган бу гов олдида, ўзини бир пас йўқотиб ҳам қўйди. Бундай катта қорни у ҳатто Ленинградда ҳам кўрмаган эди. Ўзбекистонда бундақа қор бўлмайди, унинг ҳамшаҳарлари—қўйконликлар тушларида ҳам бундай катта қорни кўрмаганлар. У, уй бекасига эшикни очолмаяпман деб уялмасдан айтиши мумкин эди, лекин унинг бундай дейишга тили бормади, уялди эшик олдида нима қилишини билмай, тураверди. Шу вақт унинг бошига бир фикр келди: деравани очиб сакраб кўчага тушиш. Броқ шу оннинг ўзидаёқ бу фикрдан қайтди.

Умар елкаси блан яна эшикни итарди, бу сафар ҳам эшик очилмади, лекин тошқаридан зина устида кимнингдир гапиргани эшитилди.

— Ҳа, сизга нима бўлди, — кулиб сўради эшик орқасидан бирор.

Умар ойнакдан қаради. Қозоқбой! Унинг эгнида янги шинель, белида энлик камар, бошида қўлоқчин бор эди. „Демак булар жўнайди, — ўйлади Умар;— кутган вақт соатлар бўлипти. У йигит ҳам... Оти нима эди? Ботир? Ҳа, Ботир, у ҳам, албатта, кетади... Нимагадир ўша бола менинг кўзимга ҳаммадан кўра иссиқ кўринди?“

— Ҳа, Қозоқбой, сизми? — деди сүради Умар, — нимага бунча эрта? Е хайр-хўшми? Жўнаяпсизларми?

— Жўнаяпмиз, жўнаяпмиз, Умаржон.

Қозоқбой ташқаридан туриб, эшнкни очди, эшик тавақаси блан итарилиб борган қор уйими баланд кўтарилид. У ичкарига кирди.

— Ана, қиши. Қандай яхши. Бизнинг Ўзбекистонда бунаقا қиши бўлмайди-а Умаржон? — у шошилиб гапирап эди.

— Қаёқда бўлсин. Хўш, нима гап, ҳақиқатан жўнаяпсизларми?

— Жўнаяпмиз, Умаржон. Фақат сиз блан хайрлашгани югуриб келдим. Қирқ минутдан кейин эшелон жўнайди. Менинг ротам вагонларда: жангчилар ҳам анча курсанд, вагонларда ашула айтишиб, ўйин қилишмоқда.

— Секинроқ!.. — деди паст овоз блан Умар, — секинроқ гапиришмасак, уйда кампир болалари блан ҳали ухлаб ётипти.

Булар ўз она тилларида гапиришмоқда әдилар. Аллақачонлари ўғонгани ва буларнинг овозини эшишиб турган уй бекаси ўй ёшигини сал очиб:

— Уйга киринглар, уйга, нима қилиб даҳлизда турасизлар? — деди.

— Раҳмат, она, мен кириб ўтириб қолман, — деди русчалаб Қозоқбой.

— Совуқда нима қиласизлар, уйга кириб гапиришсаларинг-чи, — деди қайта кампир эшикни каттароқ очиб.

— Кани, юринг бўлмаса, бир минут булса ҳам уйга кирайлик, — деди Қозоқбой. Улар уйга кириб, стол атрофидаги курсиларга ўтиришид. Қозоқбой, бошидан шапқасини ҳам олмай, ёнидан бир-икки банка гўшт консервасини чиқариб столга қўйида, консерва очадиган махсус пичоги блан банкаларни очди ва уй бекасига узур айтга:

— Она, мана шуларни товада пишириб берсангиз... — деди.

— Ярим соатдан кейин фронтга кетишади, хайрлашгани келипти, — деди Умар уй бекасига. Гўё бу сўзлар блан ундан, ортиқча ташвиш учун афв сўрагандай эди.

Беш минутдан кейин уй бекаси иситилган гўштни това блан стол устига келтириб қўйди. Қозоқбой ёнида осилиб турган фляганинг оғзини очиб, ҳаммага бир стакандан арақ қўйди.

— Азонлаб-а? — деди бека ва яна нимадан ўнгайсизлангандай, — хайр, фронтга кетаётган өкансиз, бундай вақтда илож йўқ, — деди ва стаканчани кўтариб, Қозоқбойнинг соғлигини ва омон-эсон уйига қайтиб боришини тилаб иди.

— Ҳалиги новча йигит..., Ботир Собиров... у ҳам кетаяптими? — сўради Умар.

— Ҳа, кетаяпти. Лекин бироз хафа.

— Нега?

— Уйидан ҳеч хат олмаяпти. У, сиздан илтимос қилди... Агар хат-пат келиб қолса, Умаржон, мана шу адресга юбориворинг, — Умарга бир кичкина қофозни берди Қозоқбой, — албатта, эсин-гиздан чиқмасин-а, Умаржон.

— Йўқ, йўқ, эсдан чиқмайди. келса, албатта, юбораман.

— Ўзи жуда яхши йигит. Бир севгани бор экан, шу хат ёзмай, хафа қиласыпти.

Қозоқбой, овқат еб турган вилкасини қўйди, шошилиб ўрнидан турди.

— Хайр, менга рухсат?

— Тўхтанг, бирга чиқармиз. Мен ҳам раёномга бораман.

Ўй бекасининг зўрлаши блан Умар калта оқ пўстинни кийиб, Қозоқбой блан бирга кўчага чиқди. Станцияга буриладиган муюлишга келганларида, бир-биридан ажралишни истамаган икки дўст қучоқлашиб, ўпишиб, ноилож хайрлашдилар: Умар катта, тош йўл блан раёномга, Қозоқбой темир йўл бўйлаб станцияга кетди.

* * *

Умар Район партия комитети секретарининг кабинетига кирганда, Березин ёлғиз ўтирас эди. У, Умарни кўриши блан ўрнидан турди ва стол орқасидан чиқиб бир-икки қадам олдинга юргач, кўришиш учун кўлини чўэди.

— Марҳамат, ўтиринг,—деди унга жой кўрсатиб.—Хўш, кейинги вақтларда аҳволингиз қандай? Уралнинг совуғи блан қалайси?

— Емон эмас, — деди кулиб Умар, — ўрганиб кетамиз, албатта. Унинг юзи совуқдан қип-қизил бўлиб кетган эди, — зўрга етиб келдим. Вой қорни-ей, бунақангги қор ҳам бўладими?

— Хўш, турган жойингиз қандай? Ҳали ҳам ўша ўйдамисиз, ўй бекаси чиқ — деб тиқилич қилмаяптими?

— Йўқ, ҳозирча тиқилич қилаётгани йўқ.

— Бизнинг Урал одамлари аҳл, меҳмондўст бўладилар.

Березин жойига ўтириди, стол устида турган папкадан қандайдир бир қофозни олиб ўқиди, яна қайтариб папканинг ичига қўйди-да, стол тортмасига тиқиб қулфлаб қўйди.

— Сизга бир илтимос бор. Эсингизда борми, мен бир вақтда сизга Ўзбекистондан бир эшелон меҳнат армияси келаётчи деған эдим.

— Эсимда бор.

— Ана ўша эшелон шу кечаси келди. Ҳудди мана шу совуқ, ўроннинг устидан чиқишди улар ҳам.

Березин Умарнинг кўзларига бироз жимгина тикилиб тургач, давом эди:

— Агар соғлиғингиз яхши бўлса, бизга ёрдам берсангиз, заводга ҳам район партия комитетига.

— Жоним блан ёрдам бераман. Мен соғайиб кетдим. Марҳамат, қанақа хизмат бор, буюринг.

— Масала шундай: бу эшелон блан келган ўртоқлар заводда, қурилишда ишлаш учун келганлар. Улар сизнинг Ўзбекистондан, ураллик қардошларига ва фронтга ёрдам бериш учун келишган. Уларнинг ичидаги руслар ҳам бор. Аммо кўпчилиги ўзбеклар, рус тилига яхши тушунмасалар керак. Шунинг учун сиз ҳаммавақт шуларнинг ичидаги бўлишингиз лозим. Уларга ҳартарафлама ёрдам бериш керак, ёрдам. Тушундингизми? Бу ернинг шароити та-

моман бошқача, иқлими ҳам Ўзбекистонникига ўхшамайди, қаттиқ совуқ... Шу сабабдан хартомондан уларга ёрдам бермоқ зарур... Бу ерда жуда катта сиёсий ишлар олиб бориш керак бўлади.

Березин столни мушти блан енгилгина бир урди-да, иргиб ўрнидан турди.

— Ҳозир иккимиз бирга эшелон турган жойга борамиз. Одамлар блан танишамиз, сухбатлашамиз, ундан кейин нима ишлар қилиш кераклигини белгилаймиз.

— Хўп, борайлик, — деди ўрнидан туриб Умар пальто ҳам телпагини кеяётган Березинга қараб.

* * *

Станция. Қорлари тозаланган темир изларда бир-бирига тиркалган қатор вагонлар кўринади. Мана бунда, боши бек темир йўлда меҳнат армияси тушган эшелон турипти. Эшелон охирида иккита-учта пассажир вагонлари ҳам бор эди. Булар, әҳтимол, йўлда яқиндаги станцияларнинг биридан тиркаб юборилган бўлса керак. Вагонларнинг тахта ва фанер қоқилган ойнакларидан чиқазилиб қўйилган узун трубадаридан бурқираб тутун чиқар эди.

Умар, Березин, заводнинг кадрлар бўлими бошлиғи ва завком вакили тўрт киши бўлиб эшелон атрофида нималар тўғрисида-дир маслаҳат қилишиб аёлланиб юришар эди.

Вагонлардан бирининг ёнида уч-тўртта шаҳарли хотинлар, эшелонда келган кексароқ бир киши блан тотулашиб гаплашмоқда эдилар. Умар тўхтаб буларнинг гапига қулоқ солди. Березин Умарга савол назари блан қаради. Умар эса, индамай, гапга қулоқ солиб турар эди.

— Буларнинг қўллари совуқ епти, иссиқ қўлқопларни узум, ёнгоққа алмаштираямиз, — деди бир хотин Березинга. Березин буларга бирор сўз демади, унинг шериклари ҳам индамай олдинга томон юрдилар.

Бошқа бир вагоннинг эшиги олдида паҳталик шим, фуфайка ва унинг устидан калта пўстин кийиб олган бир ўзбек хотини, пўстинининг тугмалари ешиқ, вагон эшигига тўпланиб туришган одамлар блан қаттиқ-қаттиқ гапиришмоқда эди.

— Сизлар энди келибсизлар, мен эса уч ойдан берли шу ердаман, — жуда дадил-дадил гапирап эди хотин, — мен бу ернинг обҳавосига ўрганиб қолдим. Совуқ дейишади, тўғри, аммо ўрганиб кетасизлар. Мен бу ерда ўзимизнинг кишиши майизларни соғиндим, хуллас. Бу ерда бундақа нарсалар бўлмас ёкан. Бўлса майизларнинг бирорталаринг бирозроқ сотинглар, — деди хотин ва фуфайкасининг чўнтағидан янги ўн сўмлик чиқарди.

— Кани, опа, идишингизни ушланг, манг!

Вагон эшигидан бирин-кетин қўллар чўзилди, бир пасда хотиннинг рўмоли майиз блан тўлди.

— Раҳмат, — деди хотин, кулиб, — бас, етади. Мана пулини олинглар.

— Йўқ, йўқ! Бу нимаси? Керак эмас! — деган овозлар эшилди вагондан.

— Раҳмат сизларга. Менинг ишга борадиган вақтим ҳам бўлиб қолди, хайр, — деди хотин ва чопиб кетди. Бу манзарани кузатиб турган Березин ва унинг шериклари бир-бирларига қараб кулиб қўйишиди. Шу вақтда буларнинг ёнига эшелон бошлиғи етиб келди ва қўл бериб кўришиди.

— Қани, мана шу вагонга бир чиқайлик, — деди Березин, — одамлар блан танишайлик, сухбатлашайлик.

Вагондаги одамлардан бири вагоннинг кенг қизил эшигини ғижирлатиб, бир одам сигарлик очди ва ичкаридан бир-бирига ёпишишиб михланган тахтани пастга узатди. Березин шериклари блан вагонга чиқди. Эшик яна тезгина ёпилди.

— Салом, қимматли дўстлар, — деди Березин кенг нарлар устида ўтирган ва ётган одамларга қараб.

— Саломалайкүм!

— Салом!

— Келинглар, келинглар, — деган овозлар вагоннинг ҳар томонидан кўтарилиди. Буларнинг ичидаги русча саломлашган овозлар ҳам эшитилди.

Вагон эшиги зич ёпилмаганлиги учун, ёриқдан шамол кириб туришига қарамасдан вагон ичи иссиқ әди. Пастки нардан икки қадамча нарида юмалоқ катта чўян печка ёнар әди. Ҳар икки томондаги пастки нарларда чордана қуриб ўн-ўн икки киши тизилиб ўтиришар әди. Булардан ба'зиларининг қўлларида пиёла; чой ичишмоқда, печка устида катта кўк чойнак турипти. Печка ёнидаги бир скамейкада бир-икки киши оёқларини иситмоқда, юқориги ва пастки нарларнинг тўрларида ҳам одамлар кўринади. Булардан бирхиллари йўл-йўл беқасам чопон кийган, булар худди Қўқон, Фарғонадагидай қилиб ёнбошлаб ётишилти.

Березин, Умар ва бошқа келучилар вагонга киришлари блан, одамлар ўринларидан туришиди ва ўтириш учун буларга жой кўрсатишиди.

— Қани, марҳамат.

— Ўтиинглар.

Меҳмонлар печкадан узоқроқда ўтиришиди. Березин ўтириши блан нар устида оқ кигиз тўшалганини, вагон тахталарининг ёриқларига тиқилган пахталарни кўрди.

Меҳмонлар олдига дастирхон ёзилиб, ҳарқим борини тўқди, бирор нон, бирор майиз, бирор ўрик, бирор ёнфоқ. Пиёлаларни яrim-яrim қилиб чой узатишиди.

— Хўш, йўлда келгунча қийналмадиларингми? — сўради кулиб, бир қўлида пиёла тутган Березин. У кўрдики, унинг тилига кўпчилик тушунмайди, дарров Умарга мурожаат қилиб, таржима қилишни сўради.

— Жуда яхши келдик, — деган русча овоз эшитилди орқадан. Березин қайрилиб қаради, орқасида ўтирган икки одамни кўрди. Буларнинг иккаласи ҳам рус әди. Булардан бири ҳозиргина Березиннинг саволига жавоб берган эллик ёшлардаги мўйлови мошгурунч бўлган бир киши әди. Иккинчиси эса соқол-мўйлови қирилган ўрта ёшлардаги бир йигит әди.

— Йўлда унча·мунча жойда тўхтаганимиз ҳам йўқ. Паровознинг сув олиш учун бир-икки катта станцияда тўхтаганини ҳисобламасак, худди учиб келдик. Ҳатто ба'зи вақтда қайноқ сув олишга ҳам улгириб бўлмади.

— Нега энди қайноқ сув деб пастга тушиб юрибсизлар? Печкаларинг ёниб турилти; чойнакка сув тўлдириб қўйсаларинг бўлмайдими?

— Печканни биз яқинда ёқдик. Олмаотадан ўтганимизча ҳавс унча совуқ эмас эди. Ундан кейин бир совуқ бошланди, манз. борган сари қаттиқ бўлиб борајапти.

— Сизники асли қаердан?

— Биз, асли, мана бу киши блан Фарғонадан.

— У ерда нима иш қиласар эдингиз?

— Бизлар дуралгорлик қиласар эдик.

— Жуда яхши, жуда яхши. Бизга ҳам худди мана шунаقا одамлар керак...

— Бизлар фақат дурадгорликкина эмас, ойнак қўйиш, оқлашни ҳам биламиш, — деди кулиб ҳалиги ўрта ёшлардаги рус йигити.

— Булар жуда яхши одамлар экан. Келгунча қизиқчилик қилиб, кулишиб келдик, — деди йўл-йўл чопон ва тус дўппи кийган бир ёш йигит.

Березин бу йигитнинг нима гапираётганига тушунмаган бўлсан ҳам үнга деди:

— Сиз нима учун бундай юпқа кийиниб олибсиз? Уралга кетишингизни у ерда билмаган эдингизми? Кўраяпсиз-ку, бу ер қандай совуқ. Қирқ градусдан ҳам ошади. Очиқ кўкрак блан бу ерда юриб бўладими? Дарров шамоллаб қоласиз. Кўпчиликларинг шундай юпқа кийингансизлар, — дея қўшиб қўйди ҳаммани бир-бир кўздан кечиргач. Аммо бунинг сўзларини кўпчилик яхши тушунмади, буни пайқаган Умар дарҳол таржима қилди.

— Ким билити дейсиз, — деди ҳалиги ёш йигит. Ўзбекистонда қиш совуғида нима кийсак, шуни олганмиз. Лекин Уралга борасизлар. У ерда қаттиқ совуқ бўлади, деб ҳечким бизга айтгани йўқ. Урсатьевск станциясига етганимизда, поездга яна бирқанча вагонлар тиркашди, шунда билдикки, Уралга кетаётган эканмиз.

— Вой, вой қорни-ей, — деди бошини чайқаб иккинчи бир киши, — яна шундай бир ёғса, уйларни бутунлай кўмиб юборадику. Мен қирқ икки ёшга кириб бунақангги қорни кўрган эмасман.

— Эртагаёк ҳаммаларинг иссиқ кийим оласизлар. Баракларга жойлашасизлар, унда печка ёқилади, — деди Березин.

— Шундай бўлсин-э. Бу ер жуда совуқ экан.

Иккинчи вагонда Березин одамлардан, йўлда қандай қилиб овқат қилдирганликларини, нон-лон керак эмасми, касал бўлиб қолган одамлар йўқми — ҳаммасини қизиқиб сўради.

— Жуда яхши — деди бир киши қўлинин кўтариб, вагоннинг алланасини кўрсатди, — бизга совуқ унча та'сир қилаётгани йўқ. Ҳамма бирдан вагон ичини кўздан кечирди. Ҳақиқатан ҳам бу вагоннинг нарлари устигагина эмас, деворларигача кигиз қоқилган эди.

Березин шу тахлитда бирнеча вагонларни кўриб чиққач:

— Одамларни тезроқ қалин кийинтириш керак, булар гайратли одамлар кўринади, буларнинг қўлида меҳнат қайнаб кетади,— деди секин ўйланиб ўзича ва бирдан ўгрилиб эшелон бошлигига жиддий тусда деди:

— Ўртоқ эшелон бошлиғи, нима учун одамларни ўша жойнинг ўзида кийинтириб олиб чиқмадингиз? Бундай каттиқ соvuқни булар кўрмаган, яна бунинг устига кўпининг эгни юпқа, ноҳотки, шундай бепарво қарасангиз. Сиз, ахир, одамлар учун жавобгарсиз!

— Тўғри, аммо мен эшелонни Урсатьевск станциясида қабул қилиб олдим. Одамлар Андижондан, Фарғонадан, Кўқондан келишди, буларни қалин кийиниб келинглар деб қайтариб юборамми? Шунинг учун мен яхши тайёрланиб туринглар деб заводга телеграмма берган эдим.

— Биз сизнинг телеграммангизни олган эдик, — деди завод вакилларидан паст бўйлик қора пустин кийган бир киши, аммо Березин бўларнинг сабаб ва сўзларини эшитишни истамади, олдинга томон юрди.

У, қатордаги вагонлардан бирига чиқар экан, ҳайрон бўлиб эшикда бир пас туриб қолди: вагоннинг ичидагилар фақат қизлар эди. Булардан бир тўпи пастки нарда бир-бирларига елкама-елка сиқилишиб, фақат қизларга хос ўтириш блан китоб ўқимоқда эдилар. Березин ва унинг ёнидаги одамлар вагонга кирганда, қизлар жим бўлиб, киручиларга ҳайрон бўлиб қараб қолишиди. Қизлар пахталик шим ва фуфайка кийиб олишган. Ба'зиларининг бошларида телпаклари бўлиб, ба'зилари яланг боп, узун қора соchlари кўкракларидан осилиб тиззаларигача тушар эди.

Березин блан Умар қизлар блан сўрашгач, нарга ўтиришди. Умар ўзбекчалаб алланарса сўради. Буларнинг ичидаги оппоққина бир қиз Умарга қараб кулиб жавоб қилгач, ўзининг кўкрагига осилиб тушган бир ўрим сочини орқасига олиб ташлади. Березин алланарса ҳақида гапириб, Умардан таржима қилиб, уларга тушунтиришни сўраган эди, қизлардан бири:

— Биз ҳаммамиз ҳам русча гапиришни биламиз, — деди фахрланиб ва Березиннинг саволларига таржимонсиз жавоб берабоплади.

— Русчани қаерда ўргангансизлар? — сўради Березин.

— Биз ҳаммамиз Фарғонада бир ҳунар мактабида ўқир эдик.

— Жуда соз, жуда соз, — деди бирдан хурсанд бўлиб Березин, — демак ҳаммангиз ҳам ишлабчиқаришда бир ҳунарга эга-сизлар?

— Албатта, албатта, — деди бошидаги қулоқчинини тўғрилаб пакана бир қиз, — фақат биттамиз... — дея бирдан лабини тишлаб гапини кесиб қўйдӣ ва ўртоқларига савол назари блан аланглади.

— Биз блан бирга келган бир ўзбек қизи бор, — деди оқ бамази кўйнак кийган сарикқина бир рус қизи, — у ҳам заводга кириб ишлайман — деди.

— Нима, у сизлар блан бирга ўқиган эмасми? — сўради Березин ва у қизнинг қайси бири эканини билмай, бир-бир қараб чиқди.

— Йўқ, у колхозчи қиз. Энг яхши теримчи қизлардан. Унинг тўғрисида газеталарда ҳам ёзилган. У ўз ихтиёри блан келган.

— Ўз ихтиёри блан? Уралга? — Ҳайрон бўлиб кулиб сўради Березин. — Тўхтанглар, қани ўзи?

— Биз ҳаммамиз ҳам ўз ихтиёrimiz блан Уралга қелишга рози бўлганимиз, — деди сариққина рус қизи Березинга қараб.

— Жуда яхши. Сизларнинг келганларинг бизни ниҳоят хурсанд қилди. Бизда, ҳаммамида ҳам битта мақсад бор, у ҳам бўлса — Ватани мудофаа қилиш!

— Ҳалиги айтган қизларинг қани, қайсибири, фамилияси ким? — сўради Умар дам у қизга дам бу қизга қараб.

— Тўфахон Нурматова. Ҳозир бу ерда ўзи йўқ. У станцияга кетди. Фронтга эшелон жўнаётган эмиш. Акам учраб қолмасмик ин деб ўша томонга кетди. Акаси шу ерда Қизил Армия сафиди хизмат қиласа экан.

— Тўфахон Нурматова? — таажжубланиб сўради Умар, ва ичida ўзича ўйлади, — демак ўзи буёққа келипти? Мана бу жуда қизик ҳодиса... У... унинг акаси?. Унинг ҳам фамилияси Нурматовими迪?

— Ҳа, акаси шу ерда бўлса, тўғри, бугун фронтга кетишади, — деди астагина Умар.

— Ана шунинг учун югуриб кетган экан-да. Юраги сезипти, деди қизлардан бири.

— Ҳўб, шу ерда бўлса, уни ҳам кўрамиз, — деди ўрнидан туриб Березин, — қани, Умаржон, кетайлик. Сизга қараб турсам, бу ердан ҳеч чиқадиганга ўхшамайсиз, — у қизлар блан хайрлашибошлиди, — қизлар совуқдан эҳтиёт бўлинглар, ҳали бу ернинг ҳавосига ўргангандаринг йўқ, ташқарига юпқа кийиниб чиқманглар, дарров касал бўлиб қоласизлар, — деди.

— Хотиржам бўлинг, ўрганиб кетамиз, — қизларнинг бирнече овози кўтарилди бирдан.

* * *

Бир соатдан кейин Березин кабинетида, бугун тунда Ўзбекистондан меҳнат армиясини ортиб келган эшелонни қабул қилиб олишга иштирок қилучи завод хизматчилари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари кенгаш қилдилар. Бу ерда ўзининг чарм муқовалик блокнотига нималарнидир ёзиб ўтирган заводнинг кадрлар бўлими бошлиғи, завод директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари ва унинг блан бирга диванда ўтирган икки врач бор эди.

Район партия комитетининг секретари қўлидаги кичкина сатига бир қаради-да, сўнгра ўтирганларни ҳам бир кўздан кечириб сўради:

— Ҳамма йигилдими?

— Йигилди.

— Ундаи бўлса, иш юзасидан гапни бошлай берайик. Бундан бир соат илгари...

Березин, ўтирган одамларга бир бошдан гапириб берди. Эшелонда келган кишиларнинг ҳозирги аҳволи, кийими ва уларнинг меҳмондўстлиги, ҳатто, улар блан дўстона дастурхонда ўтиришиб чой ичишганларигача самимий равишда айтиб чиқиб, шароит яхшиланса, бу одамлар блан ҳарқандай ишви ҳам бемалол бажариш мумкин эканини ишонч блан гапирди.

— Мана, бир вагонда менга нима тақдим қилдилар, — деди Березин хурсанд бўлиб ва пальтосининг чўнтағидан катта бир анорни олиб, ҳамманинг кўзига кўринадиган жойга қўйиб қўйди.— Шу бугун, — сўзида давом этди у, — ҳамма нарсадан олдин кишиларни медкомиссиядан ва санобработкадан ўтказиш керак. Яроқли деб топилган одамларни ювнитириб, кийнтириб эртадан қолдирмасдан ҳаммасини иссиқ жойга жойлашириш лозим. Етоқхоналар яхшилаб жиҳозлансин. Одеял ва тўшаклар блан етарли та'минлансан. Вагонда касаллар ҳам бор. Уларни тезлик блан госпитальга жойлаширилсан. Медкомиссияда бизнинг шароитда ишлаш учун яроқсиз деб топилганларни ҳам, барбири кийнтирилсан, озиқ-овқат блан та'минлаб қайтариб Ўзбекистонга жўнатилсан.

— Буларни озиқ-овқат блан-ку та'минлаймиз, лекин кийнтириш қийин, — деди завод директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари, — негаки, бизда бундай эҳтиёт фонди йўқ. Яхши, бизда қоладиганларни қандай бўлмасин кийнтирамиз. Буларнинг узи ҳам бир батальондан кўп.

— Бу тўғрида ҳеч сўз бўлиши мумкин эмас, юртларига қайтариб юбориладиганларни албатта кийнтириш шарт, чунки улар йўл юрадилар. Бундайлар шубҳасиз кўп бўлмайди. Аммо ўзимизда қолиб ишлайдиганлар тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин? Буларни кийнтириш ва керак нарсалар блан та'минлаш — у сиз ва бизнинг вазифамиз. — Березин столдан бир қути папирос чиқариб, столнинг чеккасига қўйди, қани, чекучилар бўлса, марҳамат, — у, папиросини чекиб давом этди, — сиз шуни яхши тушунингки, бизнинг бу ерлик эски ишчиларимизнинг хусусий ўйларига, кўпми-оэми озиқ-овқатлари, ўтин-чўп ва иссиқ кийим-кечаклари бор. Энг муҳими шундаки, бу ердаги ишчилар ўн беш йилдан бери туриб. Уралнинг совуғига ўрганиб қолишган, бу қиши уларнинг соғлигига зарар эмас, фойда келтиради, лекин бу келган ўртоқлар иссиқ жойнинг одамлари. Яна қайтариб айтаман, буларни тезлик блан кийнтириш керак. Эрта-инчиноқ, буларни цехларга бўлиш ва бириткириш лозим. Бу борадаги ба'зи ишларга Умаржон ёрдам беради.—Березин стол яқинида ўтирган Умарнинг елкасига қўлини қўйди.

— Нима, бу келган одамларниң кўпчилиги рус тилини билмайдими? — сўради санчасть начальниги, — унда биз ҳам таржимонсиз иш қилаолмаймиз-ку?

— Ўртоқ Умар одамлар ичидан сизга таржимон топиб беради. Бошқа саволлар йўқми?— деди кескин равиша Березин.

Ҳамма жим эди. Кўринишда гўё ҳамма нарса равшан, факат иш бошлашгина қолган эди.

— Демак, бошқа саволлар йўқ, — тақрор сўради райком секре-
тари, — ундан бўлса, шунинг блан мажлис ёпиқ.

У, вешалка ёнига борди ва ундан телпагини олиб кийди.

Сиз, Умаржон, — деди Березин эшикдан чиқиб бораётган Умарни тўхтатиб ва тирсагининг юқорисидан ушлаб ташқарига чиқди. — Истаган вақтингизда менинг олдимга келинг, тузукми, ёки дарров телефон қилинг.

Уйда ўтириб ҳаммаларинг совуқ-совуқ дедиларинг, мана энди иссиқда терлаб кетасизлар,— деди ташқарига чиққан ҳазил қилиб санчасть начальниги.

Ҳамма бирдан кулиб юборди.

* * *

IX

Умар кечқурун уйга келганда, бека унинг қўлига бир хат тут-
қизиб деди:

— Бир ҳарбий киши бериб кетди ва „Бу хат сизларга эмас,
аммо Умаржон кимга юбориши ўзи билади. Бу хатни қанчадан
буён бир йигит куттар эди, лекин бугун ўзи фронтга жўнаб кет-
ди. Бечора хат келмаганидан жуда хафа эди“ — деди. Хат олиб
келган йигитнинг ўзи ҳам бу хатни олиб станцияга югуриб бор-
ган эмиш, аммо поезд кетиб қолипти, тополмапти, — дея қўшиб
қўйди бека.

Умар хатни олди-да, ҳайрон бўлиб устидаги адресини ўқиї-
бошлиди: „г. Свердловск, Полевая почта 10212 Батирави Саби-
ровга“. Пастида, чизиқнинг тагидаги хат юборилган адресда:
„Тўфахон Нурматова“ деб ёзилган эди.

— „Ана уни қаранг,— ўз-ўзига деди Умар,— ҳақиқатан ҳам бу
хатни қандай бетоқат бўлиб кутган эди. Энди мана, ҳам хати
келіпти ҳам ўзи... Эҳтимол, қиз ҳам уни станцияда кўролмай
қолгандир. Кеча келганда ҳам эди, э, аттанг...“

Умар аввал бу муваффақиятсизликни кўриб юрагидан ачинди,
раҳми келди, кейин эса, эҳтимол Тўфахон эрталаб уни станция-
да кўргандир, бу жудолик олдида бирор минут бўлса ҳам учра-
шув бўлгандир, деган ишонч блан ўзига таскин берди.

— Эртаси ҳам, худди атайлабдан бўлаётгандай, Умар Тўфа-
хонни излаган ерларининг бирортасидан тополмади. Унга бир
ерда, у қизлар блан ҳаммомга кетди, десалар, иккинчи бир ерда
меджомиссияга кетди дейишиди. Ба’зилар унинг рўйхатда бўл-
маса-да, шу эшелонда келган одамлар қаторида заводга ишга
олишларини сўраб юрганини айтдилар. Умар хатни пиджагининг
ички чўнтағига яшириб қўйди-да, бу қизни шу ерда бўлса, ал-
батта учратишига ишониб, хотиржам ўз ишига машғул бўлди.
Меҳнат армиясида келган одамлар баракларга жойлаштирилди,
цеҳларга бўлинди, бир туркими бошқа курилишга жўнатилиди.

хуллас, бу ташкилии ишларда Умарнинг иши бошидан ошиб кетди.

Учинчи кун у овқатдан кейин, одамларнинг ёнг сўнгги группаси жойлаштирилган бир баракка кирди. Ҳамма деярлик ишда эди. Фақат уч-тўрт кишигини узун нар устида чой ичишмоқда эди.

Умар кириши блан ҳалиги одамлар саломлашиб, сўрашиб, уни чойга таклиф қилдилар. Совуққа қулоги бироз шишган бир йигит чемоданини очиб бир-икки ҳовуч ўрик-майиздан ўртага ташлади ва бир-иккита қотган кулчани синдириб қўйди.

— Энди айбга буюрмайсиз, мулла ака, нонимиз сал қотипти. Тинчлик вақтда эшигимиздан бирор кириб келса, қўй ҳам сўйини ҳечнарса эмас эди. Энди борига бозор, нима бўлса қаноат қилалимида, қани марҳамат.

— Э, бирорад, бори-да,—деди кексароқ бир киши,—бу киши айб қиласиди, ўзлари ҳам сиз-биздан яхши тушунади.

— Раҳмат, раҳмат, ҳечнарсанинг ҳожати йўқ,—деди Умар ва чордона қуриб жойлашиб ўтириди.—Хўш, энди аҳволлар қандай? Жойлашиб, тинчларингни олдинларми?

— Жуда яхши, жуда яхши, тинчиб олдик. Шунчалик-да, бирорадар,—деди, ҳалиги кексароқ киши.—Ҳаммаси бизнинг аҳволимизни суринтиради, албаттта яхши, мана жойлашиб олдик. Яна нима керак? Тўғри, келган кунларимиз бироз қийналдик, хусусан вагонда. Мана энди жуда кўнгилдагидай. Барагимизда кечаю-кундуз ўт ёқилиб турипти, иссик кийимларни бўлса, мана, кийиб олдик. Тегимизда тўшак йўқ эди, буни ҳам қаердандир топиб беришид. Худди ўз уйимиздай турибмиз.

— Ҳамма кийим-бош олдими?—Фуфайка ва паҳталик шимларига қараб сўради Умар.

— Ҳамма олди.

— Кийим-бош ҳам олишди, ишга ҳам чиқишиди.

— Сизларники қаердан?—сўради Умар қўлидаги чойни ҳўплаб

— Биз Вадилдан. Шодмон полвон деб эшигантанмисиз?—деди гавдалил киши.

— Ха, ҳа эшигантанман.

— Ўша мен бўламан.

— Э, Шодмон ака э, жуда соз, жуда соз,—деди полвоннинг гавдасига қараб Умар.

— Бизларни доктор ишга чиқазмади,—деди Шодмон полвон ва қўлларини Умарга чузиб кўрсатди,—қўлни совуққа урдирибман.

— Э, ёмон бўлипти-ю,—деди бирдан Умар Шодмон полвоннинг шишган қўлини ушлаб, докторга кўрсатиб дори қўйдириш керак.

— Бизлар ишлаб ургантанмиз, мана жуда зерикуб қолдик. Эртага нима бўлса ҳам ишга чиқсанмикан деб тўрибман.

Умар булар блан яна беш-үн минут гаплашиб ўтиргач, иккичи баракни ҳам кўриш кераклиги эсига тушиб, ўрнидан турмоқчи бўлгандаги, қўлларини енгининг ичига тиқиб ўтирган Шодмон полвон уни тўхтатди:

— Умаржон, мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Бизлар

блан бирга Ўзбекистондан ФЗУ мактабини битирган ёшлар ҳам келди. Буни ўзингиз ҳам биласиз? Буларнинг кўпчилиги қизлар; рус, ўзбек. Булар, албатта томошага келган эмас. Ҳарбирининг қўлида ҳунари бор. Ўша мактабида ўқитишган. Лекин буларнинг ичида, бизнинг районимиздан чиққан машҳур пахтакор Нурмат ота деганинг қизи ҳам бор, бу фақат тушунмовчилик орқасида келиб қолганга ўхшайди. Ота-онаси ҳам бунинг буёққа қелганлигидан хабарсиз бўлса керак. Яна қўлида бирор ҳунари ҳам йўқ, Мана қизлар ҳунарлари бор учун ҳаммаси ишга тайинланди. Аммо бу қизни, менинг фаҳмимча нима қилишини билишмай турганга ўхшайди. Ана уни очиқ далада иморат қилаётган усталарга цемент олиббериб туришга тайинлаган эканлар, яна тўхтатиб қўйишипти. Бу ернинг совуғи ниҳоят қаттиқ бўлар экан. Аммо у нима иш бўлса ҳам қилса-ю, лекин уйига қайтиб кетмаса. Ҳеч қайтиб кетгиси келмайди. Ўзи ажойиб қиз. Жуда чаққон. Сиз шу блан гаплашсангиз, насиҳат қилсангиз—уйига қайтиб кетақолсин...

Умар, Шодмон полвоннинг гапларига диққат блан қулоқ солиб турди. Гапини тамом қилиши блан билмаган киши бўлиб, ундан сўради:

— Оти нима?

— Тўфахон Нурматова. Бизнинг районлик машҳур пахтакор Нурмат ота деганинг қизи.

— Бу тўғрида мен ҳам эшитдим. Лекин у қизнинг ўзини ҳеч-қаердан тополмаяпман. Бир гаплашиш керак эди.

— Эрталаб қизлар блан бирга бизнинг баракка кириб ўтиб кетишиди. Улар ҳам мана шу яқин ўртада туришади, шекилли? Сиз бир пас ўтиратуринг, мен ютуриб бориб келай, бўлса, ола-келаман.

Умар кулди. У, полвоннинг бу улкан гавдасини лорсиллатиб „ютуриб боришини“ кўз олдига келтирган эди.

— Майли, майли, ўтириб тураман, — деди Умар.

Шодмон полвон ўзининг йирик гавдасини кўтариб ўрнидан турди. Катта пўстинини, телпагини ва қўлқопини кийиб, худди ёш боладай шошилганича баракдан чиқиб кетди.

* * *

Бундаги тўрт киши ҳам аллақачон ўз ишларига киришиб кетган эдилар: ҳалиги қулоғини совуқ урган, шўхгина йигит Халил Расулов баракнинг ёғоч деворига ҳарбий плакатлар қоқмоқда. У, плакатларнинг орқасига елим суркаб, ёпишириётгандা, Шодмон полвонни чақириб, ундан расмларнинг тўғрими, ё эгрими эканини сўрар эди. Шодмон полвон эса телпагини сал кўтариб, беш-олти қадам ўзини орқага олгач, катта калласини бир ёққа қийшайтириб, бир пас жим туар әди-да, „тўғри“ дер эди. Паст бўйлик, кексароқ келган учинчи киши деразада ўтириб, хат ёзмоқда, буларнинг тўртингчи шериги баракнинг нариги тўрида ўтириб, чемоданидан алланарса излар әди. Булар ўз ишлари блан шунчалик машғул эдиларки, скамейкада ҳалиги Шодмон полвон чақириб келган қиз блан Умарнинг ўтирганини ҳам бутунлай унутган эдилар.

Умар блан Тұфахон олдидаги қарағай таҳтадан қилингандык стол устида иккі пиёла чой қачондан бери совубётар әди. Тұфахон жим, хаәл сурит үтирипти. Унинг совуқдан қизарып кетген иккі юзи ялтираб күренинб туарарди. У, бўлис үтган воқиани бошдан-охиригача айтиб тамом қилган, энди гапиришиш учун бошқа сўз қолмагандай жим, ма'юс ҳолда үтирап әди.

Нима қилиш керак? Үзининг айтишига қараганда, у бу ерга ишламоқ учун қелган, қайтиб кетмайди. У бу тўғрида жуда ҳам аниқ қилиб: „Йўқ. Кетмайман“ деди-ку.

Бу аҳволни тасаввур қилиш қийин: у ўша куни станцияга югуриб борганды, Ботирни фронтга олиб кетген поезд эндигина жилган экан. Фақат ўн секунд кечиқкан. Ўн секунд-а. Үзининг айтишига кўра, у поезднинг орқасидан қувиб етиши ҳам мумкин экан. У, аввал, қувиб етиб олиш мумкин деган ўйда, станциядаги одамларни итариб, энг сўнгги вагони станциядан чиқиб бораётган поезднинг орқасидан югурабошлаган, кейин ўйласа бу ҳеч мумкин эмас, икки темир йўлнинг ўртасида қотганича, қўлларни осилтириб, совуқ ва шамол тўла—узоқ ҳавога қараб турган эмиш. Совуқда юзларига кўз ёшлари оқиб йиглаб турганда, бирор нақ қулоғининг тегига келиб: қоч йўлдан — орқангдан паровоз келаяпти, — дегандагина ўзига қелган эмиш.

Мана энди шунча азоб-уқубат блан келса-ю, Ботирни кўролмаса, яна бунинг устига, унинг шу ерда қолиб ишлаш истагига қарамасдан, қайтиб кетасан, десалар, бу, албатта, жуда оғир эмиш. Энди бу ердан кетмасликка қарор берипти. Ботир кетди, у ҳозир бу ерда йўқ, шундай бўлса ҳам қолмоқчи. Шу ерда ишламоқчи. „Ватан учун, ғалаба учун сидқидил блан ишлайди, буни Ботир эшитганда ҳам хурсанд бўлади. Юрагидаги Уралда қолиб ишлаш истагининг Ботирни кўриш истагидай кучли әканини айтди.

— Демак сиз, Тұфахон, шу ерда қолиб ишлашга қарор қилингиз?

— Ҳа, шундай. — Бошини кўтариб жиддий қиёфада Умарга тикилди.

Тұфахоннинг назарида Умарнинг чехраси очилгандай кўринди. У секингина қаршисида турган туника чойнакдан пиёлаларга чой қуйиб Умарга узатди. Шодмон полвон келиб печкага ўтин солди ва Холидга қараб қичқирди:

— Йўқ, йўқ, тўхта, қийшиқ ёпиширияпсан.

Полвон ўрнидан туриб, Холиднинг ёнига кетди.

— Хўб, майли, жуда яхши, — деди Умар, — ундан бўлса, эртага эрталаб соат тўққизда заводнинг эшигига келиб туринг, мен ҳеч бўлмаса сизни токарьликка шогирд қилиб қабул қилишлари учун гапиришаман. Нима дейсиз, металл токари бўлишни хоҳлайсизми?

— Умаржон ака, энди ихтиёр сизда, бўлсам бўлабераман, — деди юмшоқ овоз блан Тұфахон. Унинг овози жуда бошқача тус олган әди. Сўнгги сўзлари ҳам зўргагина эшитилди. Бундан бошқа ҳечнарса деяолмас әди. Умарга қараганда унинг кўзлари жиққа ёшга тўлган әди.

— Қандай яхши бұлар әди... — деди Тұфахон, — сизнинг буғамхұрлигингизни фронтта — Ботиракамга ёзар әдим, — деди болаларча қувониб, унинг юзларига қон югарди.

Умаржон Тұфахоннинг қувонганини күриб, бир пас үзини йүкөтди. Үнғайсизланди, бу содда, оқкүнгил қызга раҳми келиб кетди.

— Албатта, түгрилаймиз, — деди ишонч блан Умар, — Тұфахон үзини анча енгил ҳис әтди.

Улар бирга баракдан чиқиши да дүстона құл сиқишиб хайрлашдылар.

* * *

X

Умар Тұфахон блан цех начальникнің кабинетіга кирган лариды, начальник үрнідан туриб, буларни қарши олды ва күришгач, қора чарм қолланған диванни күрсатиб.

— Қани, марҳамат, ўтириңглар, — деди.

— Сергей Степанович, — деди цех начальники блан күришиб Умар, — мана бу киши блан танишынг. Бу киши Тұфахон Нурматова, бизнинг Ўзбекистондаги машхұр пактакорлардан биттаси-ининг қизи на стаханович теримчи қызларимиздан.

— Ҳа, ҳа, кечаги айтганингизми? Жуда соз, жуда соз, — деди құвноқ чеңра блан начальник Тұфахонга қараб.

Тұфахон тортынчоқлик қилиб, ҳали ҳам тикка турар әди. У дам начальникнинг содда, очиқ юзига, дам деворларда осиғлиқ плакатлар, карталар, скемалар ва ҳархил асбоб-ускуналарнинг намуналарига қараб қолған әди.

— Келинг, ўтириңг, ўртоқ Нурматова, — деди яна цех начальники Сергей Степанович.

Тұфахон ўтирди.

— Сиз, ҳатто ишга лойиқ кийимни ҳам кийиб олибсиз, — деди кулиб Сергей Степанович, — ҳозир түғри станка ёнига бора берсангиз ҳам бўлади. Русча гапиришни яхши биласизми?

— Унча яхши эмас, ҳар ҳолда биламан, — деди секин Тұфахон.

— Гузик, тузик, бу жуда яхши. Бизга шунинг ўзи етади. Аммо, қизим, жуда уятчан күринасиз. Үялиш керак эмас. Ишлай берсангиз, турмушнинг ўзи сизни камолатта еткизәди. Ҳунарлик, ажойиб бир ишчи бўлиб етишганингизни ўзингиз ҳам билмай қоласиз.

Цех начальниги телефон турған кичкина столга ўрнатылған кнопкани босди. Шу ондаёқ әшик очилиб, кексароқ бир аёл кириб келди.

— Варвара Андреевна, — деди начальник унга, — цехга кириб, учинчи участканинг бош мастерини менга чақириб берсангиз?

— Николай Петровичими?

— Ҳа, Николай Петровиччи.

Хотин чиқиб, әшикни зич қилиб бекитди.

— Ҳозир анча-мунча қийинчиликни бошимиздан кечириб турғанымиз ńўқ, — деди бирдан Сергей Степанович ҳам Умарга, ҳам Тұфахонга қараб. — Майли, ҳечнарса әмас. Күчириб келтирилган заводларнинг асбоб-ускуналари блан станкаларнинг ишлабчиқариш имкониятini баланд күтарамиз, ишлабчиқариш шохобчаларини кенгайтирамиз, шу блан ҳарбий изга ҳам тушиб оламиз. Уруш анча тажрибали, мутаҳассис ишчиларимизни армия сафига бориштарини талаб қылди. Бизга янги келучиларни үқитишиға, үргатишиға тұғри келаялты. Яна, шулар блан ишлабчиқариш программасини тұлдирнишиғина әмас, ошириб бажариш ҳам керак. — Ү қалам блан столга қаттықроқ қилиб бир уриб қўйди, у шу блан гапининг охирги сўзига жуда аҳамият берганини билдиримоқчи эди. Биз буни бажарамиз, ошириб бажарамиз. Совет кишиларининг қанчалик қобил эканини кўрсатишиға тиришамиз. Буни, ўзингиз тушунасиз, Ватан талаб қилаётir, Ватан, — яна қаламини столга бир уриб қўйди. Мана, шунинг учун қизим, Нурматова, — бирдан Тұфахонга „сен“ деб мурожаат қылди, — сен тортиноғлик қилиб ўтирма. Менда янги ишчилардан битта сен әмас, янги келғанлардан менинг цехимга ўттиз киши бердилар. Эшитдингми? Ўттиз киши. Булардан тұрттаси сенга ўхшаган ўзбек қизлари. Аммо улар токарълик ҳунарини оз-моз билишади, Ўзбекистонда ФЗУ мактабини битиришган.

— Танийман уларни, — деди ўзини дадил кўрсатиб Тұфахон.

— Танийсанми? Мана, жуда яхши. Бирга ишлайсан, зериkmайсан. Броқ улар бошқа бўлимда, бошқа участкада. Сен бўласанг, менга таржимон бўласан. Келган ўртоқлар ичидага русчага тушумайдиганлар кўп экан. Тушундингми? Яхшики, — деди кулиб, Умарга, — бу қизни менинг цехимга олиб келибсиз.

Тұфахон, содда, очиқ юзлик бу кишига жур'ат блан тикилди, у, юрагидан чиқариб, бир нарса демоқчи эди, бирдан эшик очи-либ, кўк комбинизон кийган, кенг яғринли бир ёш йигит кириб келди.

— Мени сиз чақирдингизми, Сергей Степанович? — деди йигит хамма блан қўл олишиб кўришгач.

— Ха, мен чақирдим, Коля стулни ол, ўтири.

Ёш йигит ўтирди ва аввал Тұфахонга, кейин Умарга қаради. Бу қараши блан, ҳозирги иш мана шулар туғрисида бўлса керак, деган эҳтимолни кўнглидан кечирди.

— Буларни танийсанми? — деди Сергей Степанович.

— Мана, бу кишини танийман, кўрганман, — деди йигит Умарни кўрсатиб, — аммо бу оламларни танимайман, кўрган бўлмасам керак.

— Ҳуб, майли, танишасизлар. Менга қара, янги ишчилар блан қалаисан?

— Жуда соз, иш блан уларнинг ўзи қизиқишиб қолди.

— Шундайми, яхши, яхши. Үнда иш чиқади. Энди, сен, мана бу қизни ҳам ўз участканға олиб бор. Бу русчани жуда яхши билади. Бошқаларни тезроқ үргатищ учун сенга ёрдам беради. Тушундингми?

— Тушундим, Сергей Степанович,—бу жуда яхши бўлар эди,—
деди хурсанд бўлиб йигит ва Тўфаҳонга аввалгисидан бошқача-
роқ қилиб қараб қўйди.

— Аммо шуни айтиб қўяйки, буни станокдан ҳам кўп узоқ-
лаштирма, қўй, ўзи ҳам ўргансин. Ма'қулми?

— Ма'қул, Сергей Степанович. Кетсак рўҳсатми?

— Рухсат.

Мастер эшиккача борган эди цех начальниги уни чақирди.

— Николай Петрович.

— Лаббай?

— Нега ўзинг кетаяпсан? Бу қизни ҳам ўзинг блан олиб бор.
Ишлабчиқариш блан таништири. Шу бугуноқ бир бригадага бир-
китиб қўй.

— Ундаи бўлса яна яхши бўлар эди, Сергей Степанович,—
деди ва Тўфаҳонга „юринг“ дегандай қилиб қаради.

Тўфаҳон цех начальниги блан хайрлашар экан, ўзининг хур-
сандлигини, миннатдорлигини билдириш учун унинг қўлини
маҳкам сиқиб хўшлашди.

Умар ҳам булар блан бирга эшикка чиқди.

* * *

Улар заводнинг ичкарисига кириб борар эдилар. Тўфаҳон та-
моман бошқча бир оламга кириб қолгандай бўлди. Заводнинг
кatta иморатлари, моторларнинг гувиллаши, кесилаётган темир-
ларнинг тўхтовсиз гулдираши, девор орқасидан ўтаётган кичкина вагонча-
ларнинг тўхтовсиз гулдираши, ўён-буёндан ялт-ялт этиб чиқсан
оловлар; очиқ турган эшикларнинг ичкарисидан одамнинг бутун
гавдасига урилган иссиқ ҳарорат; айланадан юзлаб қайишлар-
нинг шақирлашидан қулоги битиб, ҳанг-манг бўлиб борар эди.
Охири булар тор бир йўлакдан ўтиб тўрт қатор станоклар те-
рилган кенг, ёруғ бир уйга киришди. Бундаги бор нарса унинг
диққатини тортиди: ўзининг шипи баланд ва шишага ўхшар эди.
Станок олдида ишлайдан одамларга кўзи тушди. Ҳар станокда
иккитадан одам ишламоқда, буларнинг биринчиси мастер, иккин-
чиси, ҳалиги цех начальниги айтган шогирдлардан бўлса керак.
Тўфаҳон, бу кўз олдидаги нарсалар қаршисида ҳайрон бўлиб,
бош мастернинг чақирганини эшитмалти, у яқинига келиб қўли
блан ишора қилгандагина, ўзига келди ва хижолат бўлиб, унинг
орқасидан тезгина юриб кетди.

Улар икки томондаги қатор кетган станоклар ва версткалар
ўрталигидаги йўлдан юриб, цехнинг нариги бошига етгач, ста-
нокларади бирининг олдига келиб тўхташди. Бунда олтмиш ёшли-
лар чамасидаги соч, соқоллари оқариб кетган кекса бир киши
ишламоқда эди. У нозик бир буюм ишлайдан бўлса керак, ста-
нок устига сал энгашиб, туника кўзойнагини бурнининг учига
туширгани ҳолда, тирноққа ўхшаган бир нимани жуда эҳтиёт-
лаб йўнмоқда эди. Николай Петрович токарьнинг диққатини буз-
маслик учун бир пас индамай, жим турди.

— Мана, Иван Павлович, — деди чол гавдасини күтартганда Тұфахонни күрсатиб. Сизга янги шогирд келтирдим.

Иван Павлович күзойнагини бир құли блан пешанасига күтариб Тұфахонга бир қаради ва яна индамай ўз ишига машғул бўлди.

— Сиз, агар бу киши бирор нарса деб қолса, яна күнглингизга олиб ўтириманг, — деди бош мастер Тұфахонга, — бу киши сал жаҳли тезроқ одам. Ҳар ҳолда ўрганиб кетасиз. Лекин Иван Павлович ўзи жуда ажойиб мастер. Пенсияга чиқиб кетган эди. Уруш бошланиши блан яна ўзи заводга келиб иш талаб қилди.

Бош мастер, Иван Павлович тұғрисида Тұфахонга яна бир нарса демоқчи эди, шу вақтда уни қаёққадир чақириши. Тұфахон кекса мастер ёнида ёлғиэ қолди. Тикка турған Тұфахон мастернинг қилаётган ишига жуда қизиқиб қолған бўлса-да, лекин станокка яқинроқ боришга ботинаолмас эди. Кекса мастер Тұфахоннинг борлигини ҳам унугандай, орқасига қайрилиб ҳам қарамас эди. У, дам күзойнагини пешанасига күтариб қўйиб, кафтини шовуллаб тушаётган темир қириндисининг тегига тутиб турар, қиринди жуда иссиқ бўлса керак, Иван Павлович уни дарров ерга ташлар, — Тұфахон фаҳмладики, мастер шундай қилиб бироз дам олар экан, — у яна ойнагини кўзига тұғрилаб. ясаётган буюмига узоқ тикилиб қолар эди.

Кекса мастер ўз яқинидаги тұрт станокнинг ёнига бориб, унда ишлаётган ёш ишчиларга алланарсаларни уқдирди. Тұфахон узоқ туриб қолди. Фидирак аравада станоклар тагида уйилиб қолған темир-қириндиларини ташиб ташқарига тұқиб келаётган кўк халатлик хотин унинг олдидан икки марта ўтиб кетди. Ундан кейин чұткасига ҳўл қоп ўраб олган пол ювучи хотин цехнинг шу бошидан бошлаб полни енгилгина суртабошлади. Тұфахон жуда ўнғайсизланди. Юзига бирдан қон югуриб кетди. У, кекса мастерни энди ўзи гапга солмоқчи бўлди. Лекин бунга ҳеч ботинаолмас эди. У яна цех деворига осиғлик „Ишлабчиқариш планининг бажарилиши“ деган ром ичидағи катта ёзууга ва унинг ёнидаги — завод дарвозасидан olandин-кетин чиқиб бораётган, танкларнинг сурати чизилган янги плакат тегидаги „Ҳамма нарса фронт учун, душман устидан ғалаба қилиш учун!“ деб ёзиб қўйилган шиорга тикилиб қолди.

Охири кекса ишчи Тұфахон ёнига келди ва күзойнагини пешанасига күтариб оталарча меҳрибонлик блан унга деди:

— Хўш, қизим, нега бунча тортиниб турибсан? Еки менинг тұғримда Николай Петрович бирор нарса дедими-а?..

— Йўқ. Ҳечнарса деганлари йўқ, — деди аниқ килиб Тұфахон.

— Бўлмаса, нега мендан қўрқиб турибсан? Майли, бундай бўлиш ҳам бир томондан ёмон эмас, чунки ҳунарни тезроқ ўрганасан, мастер бўласан. Мастер бўлишни хоҳлайсанми?

— Хоҳлайман.

— Ростингни айт.

— Ростим.

Тұфахон унга қараб күлди. У бу кишининг чарчаган юзлари-да сержахллик аломатларини күрмади.

— Үндай бұлса, жуда яхши, — деди кекса ишчи, — яқынроқ кел, мана буни күр-чи. Бу исказа деб аталади. Ясалаётган ҳарқандай буюмни бу блан йүнадилар. Күрдингми? Бу, уқувлик құл бұлса, ҳарқандай буюмни ҳам боллаб йүниб ташлайди. Мана, темирни қандай қиради. Күрдингми? Мана бунга исказа деб айтилади.

У бирдан иккинчи станокка томон юриб кетди. Тұфахон күриб турдики, үндаги ёш токарь станогини тұхтатди, Иван Павлович блан тайёр бұлған бир буюмни күтариб верстак устига қўйишиди. Тұфахон бу буюмнинг танкнинг бир бўлаги эканинн дарров пайқади.

Кекса ишчи яна ўзиминг станоги ёнига қайтиб келди ва Тұфахонга станокни қандай қилиб юргизиш ва қандай қилиб тұхтатиш кераклигини ўргатди. Станок юриб кетди. Чол шошилиб алланарсан излайбошлади ва Тұфахонга жаҳл блан қичқирди:

— Нега қараб турибсан? Кран-циркульни бер.

Тұфахон шошиб қолди: бу ёттан асбобларнинг қайсибири кран-циркуль эканини унугиб қўйган эди. Чол охири станокни тұхтатди ва ўзи келиб олди. Тұфахон кўрса кран-циркуль дегани оддий чизэгичга ўшаган, аммо бирнечә әгри оёқлари бор — бир асбоб экан. Иван Павлович унинг блан буюмнинг, қалинлигини ўлчаб кўрди.

У, станогини тұхтатиб, Тұфахонга кран-циркульни ва унинг нимага ишлатилишини яна бир марта тушунтириб бўлганидан кейин, үндан қаерда туғилгани ва пахта қандай экилиши, ва қандай унишини ҳам бир-бир сўради.

* * *

Учинчи кун Тұфахон ғилдирак аравада темир қириндиларини ташқарига ташиб тұқиб келучи күк халатлик хотин блан танишиб олди ва ўша куннинг эртасиәқ, шу хотиннинг уйига кўчиб ҳам борди. Серафима Ильинична деган бу хотин урушдан олдин ҳечқаерда ишламас экан, эри фронтта кетиши блан у ҳам заводга ишга кирипти. Тұфахон бу хотинни худди ўзининг онасидай сезди, айниқса, кўчиб келған куни кечқурун стол устига қўйган самовардан чой ичишиб анча гапиришиб ўтиришди. У ўзининг эри тұғрисида ва бўйига етиб қолган қизининг Москвада Мединститутни битиргани ва ҳозир фронтда экани тұғрисида бир-бир гапириб берди.

Бир кичкина уйчада ўзи қолиб, ёлғизлик сезгач Серафима Ильинична Тұфахоннинг кўчиб келганига жуда хурсанд бўлди.

Орадан ўн кунлар чамаси ўтгач, бир кун Тұфахон, уни ишдан қайтганда уйигача узатиб, беш-ўн минут гапиришиб кетуучи Умардан уйнинг зинасига чиқаётганларида сўради:

— Умаржон ака, сизда конверт топиладими? Энди фронтта бир хат ёзишим керак... уйга ҳам.

— Ҳа, энди хат ёзишингиз мумкин. Мендан Ботиралига салом айтинг. Унинг блан танишганимиз эсимда. Юлдузи иссиқ ингит экан. Куз. Емгир... Ленинграддан ярадор бўлиб келганман. Ўша вақтда танишганимиз...

Умар сумкасини очди, ундан бир пачка конверт чиқариб Тўфаҳонга узатди.

— Мендан, албатта, салом айтинг, — Умар қўл сиқишиб хайрлашди.

Тўфаҳон уйга кирди ва индамай, хаёл суриб печка яқинида узоқ ўтирди. Серафима Ильинична сув иситди ва Тўфаҳонга бош ювишни маслаҳат берди. Тўфаҳон нимагадир бир пас қаршилик қилиб турса-да, кейин кўнди.

— Сочинг қандай узун-а? Буни тез-тез ювиб, тараб тарбиялашинг керак экан.

Кейин улар кечқи овқат қилиш учун столга ўтирдилар. Тўфаҳон бир тарелка гўштлик шўрва ичди ва Серафима Ильинична ўртага келтириб қўйган қовурилган картошкадан озроқ еди. Серафима Ильинична қизнинг ихтиёrsиз ўйлаб кетишидан, унинг бошида яна бошқа қандайдир хаёллар борлигини сезди, уни ортиқча гапга тутиб ўтирмасдан, бориб жойига ётди. У бир-икки марта уйғонди, қараса, Тўфаҳон ҳануз столда ўтириб хат ёзар эди. Унинг узун қора соchlари аллақачон қуриган ва ўрилган; орқасида чиройлик бўлиб осилиб ётар эди.

Тоңг оқариши блан Серафима Ильинична турди, Тўфаҳоннинг столда билагига бошини қўйиб ухлаб ётганини кўрди. Олдиди адреслари ёзилган иккита қалин-қалин конвертлар ётар эди. Серафима Ильинична стол устларини секингина йиғиштириди, аммо Тўфаҳонни уйғотишга кўнгли бўлмади.

— Майли, нонуштагача ухласин,— деди у, ўз-ўзига ва оёқ учи блан юриб бориб печка ёқди.

(Биринчи бўлим тамом)

Социалистик меҳнат қаҳрамонлари

МАЖИД УСМОН

ДОСТОНБОП

Очерк

Тошкент областидаги Янгийўл районининг төп-төкис дала-лари, бориб-бориб, худди мангу қотиб қолган денгиз тўлқинларидаи, паст-баландлашиб, Жанубий қозоғистон қирларига туашади.

Паркент районидаги Заркент, Суқоқ тоғларининг этакларида ҳам ана шундай паст-баланд жойлар, тепаликга чиқиб тамоша қилганингизда, шу топда ҳам гўё тебраниб-тўлқинланиб ётгандай кўринадиган бутун-бутун ер майдонлари учрайди.

Паркент районининг колхозлари бундай ерларга ғалла-буғдой, арпа, тариқ ёки қуноқ әгадилар. Бир вақт шудгор қилиниб, сараланган ва дориланган уруғ сеялка ёки қўл блан сепилса, кетидан яхшилаб бир мола бостирилса ва апрельнинг ўн беш-йигирмаларида ўтоқ қилинса бас. Баҳор пайтлари тоғларда тез-тез ёққон ва ҳарбир томчи „об раҳмат“ деб атаса арзийдиган баракали ёмғир ва унинг кетидан жилмайиб чиқсан қуёш ўзининг олижаноб вазифасини ўтайберади: мўл ҳосил та'мин, денг.

Лекин Янгийўл райони, Калинин қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхозининг а'зоси Тилла Тўронов ва унинг звеносидаги одамлар ўз звеноларига биркитиб берилган ана шундай паст-баланд ерларда тариқ ёки қуноқ әмас, балки ўсимликлар орасида энг нозиги ва инжиғи саналган пахта етиширадилар.

Тилла Тўронов звеносининг дала шийпони жойлашган тепаликдан туриб, пастга — саккиз гектар ерии ишғол қилган ғўзаларга бир кўз ташласангиз ҳайрон қоласиз. Шахматчасига мураттаб-хандасий шаклда саф тортган қимматбаҳо ўсимлик қийғос гуллаб ётибди. Ҳечбир ерда ғўзанинг ола-була қолган ёки „яマルған“ жойи йўқ. Ҳолбуки, звенодаги одамларнинг айтишига қараганда, дам жилмайиб, дам қошларини чимирадиган әрка кенжা қиздай, бу йил кўкламдаги об-ҳаво шароитининг инжиқланиши натижасида, шу саккиз гектар пахта майдонининг ба'зи жойларини, чигит әкиш вақтида, бир-иккигина әмас, ҳатто уч-тўрт марта „ямашга“, я'ни қайтадан әкишга тўғри келган.

Хўш, бу ҳам майли, одамзод табиат кучига ўзи эмас, балки уни ўзига бўйсундириш учун бир бугунгина курашаётгани йўқ. Кўкламда ерни „ямашга“ тўғри келган экан, демак звенога қарашли одамлар ўша „ямалган“ жойларни ҳам, чигитни бекамкўс ўз вақтида униб чиқсан жойлар ҳолига келтириш учун енг шимариб, терлаб-пишиб меҳнат қилганлар. Кетмон чопганлар, чагана қилганлар, Оразиев культиваторини ишга солганлар, арава-ара ва гўнг, минераль ўғитлар солганлар, яна чопганлар яна культивация қилганлар.

Лекин, бу ерларга сув чиқаришнинг мушкуллигини айтинг. Сув деганинг, физика қонунига бўйсуниб, юқоридан пастга қараб оқаверади. Демак, сув гўзанинг юқори қаторларида кўп ҳам тўхтаб турмай, тупроққа сингмай, пастки қаторларини лавадек босиб кетиши турган гап. Лекин бунга йўл қўйиш қат’ян мумкин эмас.

Мана бунда, халқимиизнинг ота-бобалардан қолган бой мероси—худди деворга терилган ғиштлардек, асрлар бўйи эш ёнига қўш бўлиб тўпланган, ҳамиша тараққий қилган деҳқончилик маданияти, сугориш техникаси звено бошлиғи ўртоқ Тилла Тўроновга ёрдам қўлини чўзган.

Масалага юзакироқ қарайдиган ба’зи кишилар: колхоз бригадасида ёки звеносида сувчи бўлиш — оддий гап ҳар қалай қўлингдаги кетманинг блан сув бошига бориб, ариқ қулоғини очсанг кифоя; сув ўзи эгат бўйлаб оқаберади, деган мулоҳазада бўлишлари мумкин. Бундай фикр тубдан нотўғри.

Ишнинг кўзини биладиган сувчи, даст аввал, сапёр, ўз соҳасида инженер-ирригатор демакдир. У, ер қазиш техникасини, сув йўлини қаердан очиш ва қаердан тўсиш қоидаларини, сув оқиши кучини, тегишли жойларида тўсиб турадиган тупроқнинг ана шу оқиши зарбига бардом бериш қобилиятини билиши шарт. Яхши сувчи, малум даражада агроном ва истасангиз, ботаник ҳам демакдир. У, ўсимликнинг ҳаётини, унинг талаб ва эҳтиёжларини, ердан униб чиқиш, қулоқ чикариш, шоналаш, гуллаш пайтларида қандай озуқалар ва қанча сув талаб қилинганини билмоғи керак.

Ўртоқ Тилла Тўронов кўп йиллардан буён ўзининг ҳалол меҳнати блан, шу меҳнатнинг гўзал самаралари блан, мазкур хислатларга эга эканлигини, донгдор пахта устаси, эпчил ташкилотчи, Сталини даврининг муносаб кишиси бўлиб этишганлигини амалда кўрсатиб келмоқда. Звеносидаги одамларга умуман раҳбарлик қилиш, „уни қиласан“, „буни бажарасан“ дея оғзаки топшириқ берибгина қўяқолиш унинг табиатига бус-бутун зид нарса. У, бирон ишни бажариш ҳақида звенодаги одамларга топшириқ бераркан, аввало бу ишни қандай қилиб эплаш зарурлигини ўзи кўрсатиб беради. Қачон, қанча ва қандай сугориш, кетман чопиш, яганалаш, ўғитлаш, чеканка қилиш усулларини ўргатади. „Бирор ҳам онасининг қорнидан пешқадам бўлиб туғилмайди“— дейди у.

Тилла Тўронов звеносига қарашли паст-баланд ерлардан табиат томонидан гўё тариқ ёки қўноқ экиш учун атайин ажратиб қўйилганидай жойдан борган сари, йилдан-йил кўп пахта ҳосили олинишнинг туб сабаби, тепаликдаги гўза қаторларининг саратонда сувсизликдан қақраб-қовжираб қолмай, пастки қаторларини сув босмай, бир текисда ўсишнинг, ола-қула жойлар йўклигининг „сири“ шу.

Янгийўл районидаги Конғир қишлоғида 1929 — йил кузида колхоз тўзилиши блан, шу қишлоқ фуқаросидан камбафал деҳқон Тилла Тўронов бир бош ғунажинини етаклаб колхоз правления-сига келгач а'зо қилиб қабул этилишини сўраб ёзган аризасини раисга берганида, ҳовлидаги қозиқقا бойлаган ғунажинини кўрсатиб.

— Бор бойлигим ана шу, — деди.

Раис, а'золик масаласини расмийлаштиргандан кейин, бунга жавобан, ярим ҳазил, ярим э'тироф юсунида:

— Тилла полвон, бойлигинг битта ғунажининг ўзигина эмас, — деб қўйди.

— Ҳовлимдан отамдан колган битта эски эгар блан ғилдираги синган арава ҳам ётипди-ю, билмадим, ундан бирон манфаат чиқармекин?

— Гап эски эгар ёки ғилдираги синган аравада ҳам эмас, яна бойлигинг бор.

— Яна бир пудча маккам...

— Йўғе, — деди раис жилмайиб, — билмас экансан. Бойлигинг — икки қўлингдаги кучингда, оғайни, тушундингми? — — деди панжасини кўкрагига босиб, — бойлигинг мана бу ерда. Сен блан мен, колхозга а'зо бўлиб кирган батрак, камбафал ва ўрта ҳоллар, баримиз чин кўнгилдан, кучни аямай меҳнат қиласак, ўзимиз ҳам, бутун юртимиз, мамлакатимиз ҳам бой — давлатманд бўлади.

Тилла Тўронов ана шу кундан э'тиборан Ворошилов номли колхозда ўзи учун, юрти, давлати учун, ҳақиқатан ҳам кучини аямай, жон-дили блан меҳнат қиласабади. Унинг шу салкам йигирма йил мобайнинда кетмани блан колхоз даласида чопган тупроғини бир жойга уйганда — қандай баланд тепалик, ёки ғўзларни суғорган сувини бир ерга тўплаганида — нақадар катта кўл ҳосил бўларди... Лекин, колхоз бухгалтериясида топография ва геологияга оид бундай малумотлар тузилмаган. Бухгалтерия рақамлари фақат шуни кўрсатадики, Тилла Тўронов 1935 йилгача колхозда аввал оддий кетманчи, сўнгра сувчи бўлиб ишлаб келган. Колхоз правленияси 1935 йилнинг кўкламида уни зевно бошлиғи қилиб кўтарган.

Ўртоқ Тўронов бу ҳақда қисқагина шундай ҳикоя қилиб бериади: „Бир куни раис чақириб олди-да, Тилла полвон, сизни звено қилиб қўймоқчимиз, бригадирингиз блан келишдик. Зевонгиизда ишлайдиган одамларни ажратиб берадиган бўлди. Қачонгача, буқчайган чоллардек ёувчи бўлиб юрасиз энди! Бир

боплаб мәҳнат қилиб, күнгилдагидек ҳосил беринг, тузукми? — деди.

Ерчи? — дедим, ерни қатдан берадиган бўлдилиаринг? Раис, ўйлаб ҳам турмай, Назириали ота звеносига қарашиб ерларнинг кун ботиш томонида, анави бўш ётган участка бору, шу жойга бир йил чигит эқмоқчимиз — деди. Бошда, раис ҳазил қилаяпти, деб ўйладим. Паҳта тугул, ошқовоқ ҳам ўсмайдиган бу ерлар, бир умр сув курган эмас. Қарасам, ҳазили-пазили йўқ, росакам гапираяпти. сувни қатдан чиқарамиз деб, энди оғзиимни очиб гапирай деб дим, раис урушиб берди. Мунақа гапларингизни қўйинг, полвон, яхши эмас, — деди хўмрайиб, — ҳамма сизни Бойбува миробдан ҳам ўтказиб юборадиган сувчи, деса бу ҳақда деворий газетага ҳам ёзиб чиқса-ю, сиз бўлсангиз: сувни қатдан чиқорамиз? — деб турсангиз... Раис шундай гапиргандан кейин, нима ҳам дердинг. Звенони тузиб, ер очишга, сув чиқаришга, борингки, тер тўкиб ишлашга тўғри келди-да. Шу йили гектарига 18 центнердан ошириб паҳта ҳосили олдик.

Колхоз бухгалтериясидаги малумотлар яна, Тилла Тўронов звеносида паҳта ҳосили йилдан-йил субут блан ҳамиша ўсиб боргани, ҳатто уруш ўйларида ҳам бу ўсиш тўхтамаганини 1945 йилда. гектарига 32, 1946 йилда эса — 98,15 центнер ҳосил олинганини кўрсатади. Рақамлар, яна, 1929 йил кузида колхозга кирганида, бирдан-бир ғунажинини олиб келиб ўртага қўйган, кулбасидаги ҳалтачасида бир пудчагина макка жўхориси бўлган камбагал Тилла Тўроновнинг 1946 йилда ишлаган мәҳнат кунлари учун даромад тақсимлаш вақтида 180 пуд буғдой, 3 минг сўм пул, 475 метр газлама, 20 кило чой, 26 кило шакар, 25 кило совун, 74 литр мой, ботмон-ботмон қуруқ мева олганидан дарак беради.

Колхоз бухгалтериясидаги ҳужжатлар ҳозирча шу блан туғайди.

Энди яна бир ҳужжат бор. Буюк Совет Иттифоқининг тарих саҳифасига олтин ҳарфлар блан ёзилажак бу ҳужжат соғф дил ҳалқнинг иродасини, Тилла Тўроновга поїга ва сайилларда курашиб голиб чиққани учун эмас, балки социалистик Ватан йўлида фидокорона мәҳнат қилгани, пешона терини тўkkани учун ўша ҳалқ томонидан полвон деб берилган номини қонунлаштиручи Фармондир: СССР Олий Совети Президиумининг 1947 йил, февральда чиқарган фармони блан ўртоқ Тилла Тўроновга Социалистик Мәҳнат Қаҳрамони деган юқори унвон берилди.

Бу фармонда, бепоён Совет Иттифоқидаги илгорларнинг илғори саналган энг ҳурматли кишилар орасида Совет Иттифоқининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистонинг ҳам еттита азамати ўзларига муносиб фахрий ўринний олган.

Етти қаҳрамон!

Республикамизнинг нуфусига нисбатан, деярлик ҳар миллион кишига битта Социалистик мәҳнат қаҳрамони!

Бугун шундай. Эртагачи?

Баҳорда серҳосил ерга эқилган бир дона уруғ кузда ўзидан ўн — йигирма ҳисса ошириб, ҳосил берганидай, Тилла Тўронов,

Замира Муталова, Мұхаммаджон Умаров ва бошқа ўртоқларнинг юқори унумли меҳнатдан, иш тажрибаларидан намуна олиб, колхоз далаларида жонбозлик қилаётган юзларча азаматларимизнинг яқин келажакда Социалистик Меҳнат Каҳрамонлари сафини яна тұлғатишилари табиий.

2

Хархил наряд, справка ва алоқа қоғозларига құл қүйиб, турли юмуш ва илтимос блан келгандык масалаларини бир әқли қилиб, шу күянинг эрталабки „маҳкама ишлари“ни тугаттанидан кейин, Ворошилов иомли колхознинг раиси кекса большевик Ўнгфорбай Хұжаберганов мийиғида қулиб:

— Буларга ҳайронман, — деди койигансумон, — сирайм қаноат қилишмайди... Фосфор ҳам оз, силитра ҳам оз, ҳатто саратон қуёшининг жазирама иссиғи ҳам етгулик әмасмиш... Кошки мен Чирчиқ үгіт заводининг директори бўлсан, ёки масалан, қуёш нурларини тақсимлаш менга қарашли бўлса!

Ўнгфорбай аканинг, „булар“ деб койигандай кўринса ҳам, аслда зўр талаблари учун мақтаётган кишилари — юз центнерчи звено бошлиқлари эди.

— Колхозингизда юз центнерчилар кўпми?

— Кўп әмас, — деди Ўнгфорбай ака, деворда осиғлиқ бригада ва звеноларнинг беш кунлик иш жадвалларига бирпас тикилиб, — ўтган йиллари, Эшмат тўқсон центнердан бераман деса, Тошмат: мен юз ўнтадан бераман дер, биз ҳам чапаклар қалиб, уларнинг бу ва'дасини қарорга ёзиб қўярдик. Гапнинг очиги, ва'да кўпинча қоғозда қолиб кетар, амалда эса, Эшмат әллик-әллик беш центнердан ҳосил олса, бир юз ўнта ва'да қилган Тошмат ба'зан қирқ-кирқ бешдан оширалмасди.

— Қирқ-кирқ беш центнер ҳам ҳазилакам гап әмас.

Ўнгфорбай ака бизнинг бу мулоҳазамизни ма'қуллагандай жилмайиб:

— Баракалла — деди, — ҳазилакам гап әмас, албатта яхши ҳосил. Кошки колхозимизда барча звенолар ҳам қирқ беш әллик центнердан ҳосил олса... Лекин бу ерда гап нимада? Гап — ва'дада. Ва'да бердингми — устидан чиқ. Шунинг учун, бу йил биз масалани қаттиқ қўйдик: аввало одамларнинг блан маслаҳатлашиб, имкониятингга қарагин, ер шароитини, ўғитлаш, сугориш томонларини ҳисобга ол, одамларнинг иттифоқми, аҳиллик блан ишлайдими, бир кўзи колхозда-ю, яна бир кўзи ва икки қулоги томорқада әмасми? мана шуларнинг барини з'тиборга олиб, сўғин ва'да бер, кўрпангга қараб аёғингни узат — дедик, бригада ва звено бошлиқларига. Бу йил юз центнерчилар кўп әмас дейишимнинг ма'носи шу. Каҳрамонимиз Гилла полвондан ташқари, яна тўртта азаматимиз юздадан беришга бел боғлаган.

Шу чоғ эшикдан бирор кириб келди. Бошига намат телпак, устига әқаси очиқ гимнастёрка кийган, қоқчароқ, буғдој ранг

юзли, ўрта ёшлардаги бу киши салом берди-да, раис олдида ўтирган бегона киши ҳузырида гап бошлашга ботинмагансумон, бирпас дам раисига, дам стол устидаги сиёхдонга қараб турди, сұнгра тұмтоққина:

— Опкесиз деб эшиздим, — деди.

Кечаси Тошкентдан ва район марказидан қайтиб келган Үнгфорбай ака гап нимадалигини дархол пайқаб олган бўлса ҳам, столда ётган аллақандай бир қоғозни зўр э'тибор блан ўқиётган қиёфада кўзини кўтармай:

— Ҳа, — деди.

— Бизга ҳам оз-моз берсангиз.

— Бугун бригадаларга тақсимлаймиз. Ўз улушингизни бригадангиздан оласиз, тузукми?

— Уни ўзим ҳам биламанку-я, звеномга атаб яна андакки на берсангиз дувдим.

Үнгфорбай ака, ниҳоят, бояги қоғоздан кўзини олиб, на мат телпакли, қоқчадан келган кишига тикилиб қаради-да:

— Қанча? — деди.

— Икки тонна.

— Нима, нима? Қанча дедингиз?

— Икки тонна. Бир ярим тонна фосфор ва ярим тонна селитра.

Үнгфорбай ака кўзларини катта очиб, қўллари блан алла нималар имо-ишора қилиб:

— Икки тонна? — деди ниҳоят даражада таажжубланганини билдириб, — Абдуллажон, эс-ҳушиңгиз жойидами ўзи? „Оз-мозгина“ эмиш... Икки тонна деди-я... Ўзи, жам'и бўлиб, бутун колхозга қанча тонна олиб келганидан хабарингиз борми? Ўттизтага ҳам етмайди. Буни мен якка ўзим тақсимлаётганим йўқ. Партия ташкилотчиси, ҳосилот, агроном, бригадирлар, ҳаммамиз йигилишиб, ҳарқайси бригаданинг ўғитга қанчалик өҳтиёжи борлигини текшириб, сұнгра тақсимлаймиз.

Раиснинг бу изоҳи Абдуллажонни унчалик қондирмади шекилли, Лабаларини қисганича, кўзларини чимириб, сал жим турганидан кейин:

— Мен бунинг ҳаммасини тушунаяпман, — деди у, — лекин айни шу тобда ўғит бериш пайти келди-да, кейин, мана ол, десангиз ҳам кераги йўқ. Ўзингизга малум ярмини тўртинчи марта чуқур чопиқдан чиқардим. Сувга өҳтиёжим йўқ. Одамларимни ўзингиз яхши танийсиз. Емон ишлаётган эмаслар. Хар куни камида икки нормадан бажариш, улар учун расм бўлиб қолган. Шундай қилиб...

Раиснинг шахти пасайди.

— Шундай қилиб, икки тонна берасан демоқчисиз-да, — деди у мулойим жилмайиб, — хўп, Абдуллажон, бўлмаса, гап бундай: сизга икки кун муҳлат: ўзангизнинг талаб қилинган жойларига шарват берасиз. Қатдан топаман дейсизми? Ҳаракат қилсангиз топасиз-да. Топшириқни қандай бажарганингизни икки кундан кейин ўзим бориб текшираман.

— Кейин-чи?

— Кейин кўрамиз. Бордию, ерингизнинг ма’даний ўғитга жуда-
ям ташналиги малум бўлса, бригададаги нормангиздан ошириб-
роқ берамиз. Лекин, ҳархолда икки тонна эмас.

— Тилла акам блан ҳам маслаҳатлашдим. Еримни келиб кўр-
дилар. Биргалашиб ҳисоблаб кўрдик: икки тоннадан кам бўлга-
нида, маррага етиш қийин бўлади.

Абдуллажон чиқиб кетганидан кейин, Ўнгфорбой ака дафтар-
часини гимнастёркасининг кисасига солатуриб:

— Юз центнердан ҳосил олишга бел боғлаган азаматлари-
миздан биттаси — Абдулла Норқулов деганимиз шу киши бўла-
ди, — деди-да кулимсираб сўзида давом этди, — сиздан инсоф
қилиб бўлса керак, бу гал жуда мулоим гаплашди. Йўқса, иш
устида талашиб қолса, ўзини ҳақли топдими — унинг олдида бри-
гадир ҳам, ҳосилот ҳам, ҳатто раис ҳам — бир пул. Лекин пахта-
сига қойилман. Тилла полвонникидан қолишмайди деса бўлади.

— Демак, мамлакатимизга яна битта қаҳрамон тайёрлаяпмиз
денг?

— Иш қилиб, муродимиизга етайлик, эл-юрт олдида, қадрдан
доҳиймиз ўртоқ Сталин олдида юзимиз шувит бўлмасин, — деди
кеекса коммунист Ўнгфорбой ака.

3

Социалистик Меҳнат Каҳрамони ўртоқ Тилла Тўронов номига
СССРнинг турли томонларидан: илмий-текшириш жам’иятлари,
газета ва журнал редакциялари, қишлоқ хўжалик мутахассисла-
ри, тажрибакор колхозчилар, агитаторлар ва ҳатто пионер вожа-
тийларидан тез-тез хатлар келиб туради. Бу хатларнинг асосий
мазмуни — донгдор пахтакорни улуғ унвон олиш шарафига эри-
шуви блан чин кўнгилдан табриклаш, 1946 йилда қўлланган
тажрибалари ҳамда бу йил пахтадан яна кўп ҳосил олиш учун
қандай курашаётганлиги ҳақида батафсил ёзишни илтимос қилиш-
дан иборат.

Бу хатларга жавоб қайтариш, я’ни Янгийўл райони Ворошилов
номли колхознинг бир звеносига қарашли саккиз гектар паст-
баланд ернинг ҳар гектаридан юз центнерга етказиб пахта ҳосили
олиш тажрибаларини Озарбайжон ССРдаги Корягин районининг
пахтакорлари, Украина ССРнинг Полтава, Чернигов областълари-
даги лавлагикорлари, Олтой ўлкасининг ғаллакорлари блан
ўртоқлашиш керак.

Тилла ака хатларга жавоб қайтарганида, стандарт (бир қолибга
солинган) шаклни қўлланмай, балки олинган хатнинг мавзу’ига,
хат эгасининг қандай масалалар блан мароқланганига қараб, ма-
салан, Озарбайжон пахтакорларига — бу йил кўкламдаги ноқу-
лай об-ҳаво шароитида қотқолоққа қарши қандай кураш олиб
борганилиги, гўзага шира тушиб қолганида, уни қандай қилиб
йўқотиш усувлари, гўзани қирқма шахмат усулида парвариш
қилишининг фазилатлари ҳақида; Олтой ўлкасининг ғаллакорлари-

га — ўз звеноисида меҳнатни қандай ташкил этгани, звено хўжалигида ғасизликни йўқотиш, ҳаркимнинг қобилиятига қараб вазифа топшириш, берилган топшириқнинг бажарилишини мунтазам текшириб борини тўғрисида ёзди.

Ҳарбир ижодкор совет кишисиdek, Тилла ака ҳам, бунгача эришилган ютуқлар блангина қаноатланиб қолмай, яна кўпроқ билиш, ўрганиш, ўз соҳасида яна тараққий топиш, бугун кечагидан, эртасига эса бугунгидан ҳам яхшироқ ишлашга интилади. Бу — унинг туб хислатларидан бири. Яна бир хислати — ҳарбир чинакам ҳалқ фарзандига, совет кишисига асосий ҳусн бўлиб тушган камтарликдир. Кўкраги Ленин ордени ва Олтин Юлдуз медали блан безатилган, мажлислар ўтказилганида тўрда, энг ҳурматли кишилар орасидан жой олган, бутун Ватан, партия ва ҳукумат томонидан меҳнати юқори тақдирланган Тилла аканинг табиатига тамомила зид бўлган бир нарса бўлса, у ҳам — манманликдир

У бундан кўп йиллар илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам Ворошилов номли колхоз а'золари учун шу бояги Тилла полвон бўлиб қолди. Унинг тенг-қурлари ҳозир ҳам у блан сансираб гаплашадилар, ҳазиллашадилар, кам-кўстларини танқид қиласадилар, аҳён-аҳёнда, Тилла аканинг янги, тунука томли уйида ёнбошлишиб, ундан-бўндан гаплашиб ўтирадилар.

Колхознинг энг муҳтарам қарияларидан саналган Назарали ота бир куни, шундай ҳангамалашиб ўтирганда, пишган арпа мошонинг қилчиғидай тирпайиб ўсган оппоқ қош туклари тагидан санчиб қарайдиган кўзлари блан Тилла акага тикилиб:

Полвон, қўллингда истаган бир жойга Москвагами, Крим, Кавказгами хоҳласанг поездда, хоҳласанг аэропланда бориб келиш учун қофозинг бор деб эшиздим. Пахтанг бу йил ҳам ёмон эмас. Баҳорги ёғингарчиликдан ғўзангни эплаб, эсон-омон олиб чиқдинг. Буёғи энди қийин эмас. Турли жойларни тамоша қилиб, бир ўйнаб келмайинми, ахир? — деган эди.

— Тоға, улфатчиликнинг ҳам, тамошанинг ҳам ўз пайти борлигини мендан кўра, ўзингиз яхши биласизку, — деди Тилла ака.

Дарҳақиқат, олда ҳали ишлар тоғдек уйилиб ётибди. Айни бир ўсимликнинг барглари, юзаки караганда бир-бирларига жуда ўхшагандай кўринса-да, ҳужайраларининг катта-кичиклиги ва тузилиши жиҳатидан батамом фарқ қиласидек, йиллар ҳам бирбирига сра ўхшамайди. Ўтган йил тарихда абадий из қолдирган гўзал самаралар блан тугаган экан — жуда соз. Лекин совет кишисининг қонига сингган бир ҳусусияти шундан иборатки, у, ўтгандаги яхши ишлардан, тарихдан ибрат олиш блан бирга, орқага эмас. балки олдинга қарайди, бугун нима иш қилишини, эртага қандай ишлаш кераклигини ўйлади.

Бу йил эса Тилла Тўронов ва унинг звеноисидаги одамлар олдида бус-бутун бошқа, янги вазифалар турипти. Бу йил ба'зи жойларда ғўзани уч-тўрт марта қайталаб экишга тўғри келди. Шунга қарамай, агротехника қондаси талаб қиласидай, ҳарбир гектар ерда, 65 — 70 минг туб ғўза бир текис гуллаб ўтирипти.

Звенонинг ҳарбир одамга аниқ миқдорда ғўза қаторлари алоҳида ажратиб берилган. Бу қаторларнинг тақдири, парвариш қилиниши, мўл ҳосил бериши учун шахсий жавобгарлик ўша одамнинг гарданига юкланган. Звенода планга мувоғиқ, то ҳосилни йигиттериб давлатга топшириш давригача 2368 (я'ни ҳарбир гектар учун 296), теримгача эса 1328 меҳнат куни сарф қилиниши керак. Лекин бу йил 1-инчи июньгачаёқ салкам бир минг меҳнат куни сарф қилишга тўғри келган.

— Бу йил, айниқса май ойида об-ҳавонинг ноқулай келиши, — деди Тилла ака, — яна зўр бериброқ ишлашга, демак меҳнат кунларини сарфлашда план доирасидан сал ташқарига чиқишга мажбур этди. Лекин энди қийинчиликдан чиқиб олдик деса бўлади. Ғўзаларимиз маҳкам оёқ босиб, қаддини ростлаб олди. Бултур ҳарбир гектарга 377 меҳнат куни сарфлаб, 99,15 центнердан ҳосил берган эдик. Бу йил эса бултургидан ошириб ҳосил олиш учун ҳар гектарга 296 меҳнат куни сарфлашимиз керак. Демак, ҳозир бутун гап — меҳнат кунларини мумкин қадар тежаб, меҳнат унумини яна оширишда қолди. Партия ва ҳукуматимизнинг Ўзбекистон колхозларида пахта ҳосилини оширганлик учун колхозчиларни рағбатлантириш тартибини ўзгартиш тўғрисидаги сўнгги қарори бизга кенг имкониятлар очиб беради. Звенодаги одамларим яхши ишлаган сари — ҳосил ошганини, ҳосил мўл бўлган сари — унинг усти бутун, қорни тўқ, кўнгли чоғ бўлганини, партия ва ҳукуматимиздан оғарин эшитишини обдан тушуниб олди.

Тилла ака бу йил ғўзанинг дастлабки ўсиш даврида дуч кelingan алоҳида қийинчиликларга қарши қандай кураш олиб борганилиги масаласига тўхталиб, бундай деди:

— Бевақт ёғингарчилик анча белга тепди. Еримизнинг пастки қисмини сел босиб кетган маҳаллар ҳам бўлди... Бундай жойларни қайтадан экиб, энди аҳволни бирмунча тузатдик дегуни мизча, бир пастда осмонни қора булат қоплаш олади-да, яна чеълакдан қўйгандай ёға бошлайди. Звенодаги йигит ва қизларимга қойилман: кундузи — кечаси далада ҳафталашиб қолиб кетишиди. Қотқолоқ деганимиз — ёмон бўлади. Худди қоронфи кечаси йўлда дуч келган қароқчилик, ғўзанинг бўғозини сиқиб ўлдириб қўяди. Ана энди шу пайт кетманни ҳам, культиваторни ҳам, тирма-мөлани ҳам, ўрнига қараб, ишга сола билиш керак. Шундай қилинмаса, танаси қотқолоқда сиқилиши натижасида эндигина ердан кўтарилиб чиқаётган ғўза ердан ва ҳаводан ўзига керак озуқни ололмай, қуруб қолиши, турли касалларга мубтало бўлиши турган гап. Шундай бўлса ҳам, бир-икки жойга шира тушай деб қолган эди, агроном блан маслаҳатлашиб, дарров анабазин деган дори сепиб йўқотдик.



Денгиздаги кема капитани узоқ сафарда эканида, сув тагидаги харсанг тошларга дуч келмай, ўз кемасини эсон-омон соҳилга етказиб олишда қанча ҳуш'ёрлик кўрсатганидай, мўл ҳосил

ижодчиси Тилла Тўронов ҳам маррага етиб олиш, я'ни бу йил бултургидан ошириб мамлакатга пахта бериш учун, ба'зан ҳатто тунлари ухламай, гўза қатор ораларида юриб чиқади: бир ерини чопади, иккинчи бир жойини текислайди, яна бир ерига қанча қўшимча озиқ бериш—минерал ўғит солиш зарурлигини аниқлайди, ўсимлик ҳаётидаги, кўзга кўринмагани ҳолда, ҳар соат ва минутда юз бераётган ўзгаришларни ўрганади, оз меҳнатдан кўп самара олиш йўлларини қидиради.

Тилла аканинг яна бир гўзал хусусияти шуки, у ана шундай қидиришлар, ўсимликнинг бунгача малум бўлмаган сирларини билиб олиш йўлидаги иавашлар натижасида бирон аниқ хулосага келиб қолса, буни дарҳол звенодаги ўртоқларнинг муҳокамасига қўяди, бу ҳақда агроном, ҳосилот кенгашининг раиси, колхознинг илфор бригада ва звено бошлиқлари блан маслаҳатлашади. шу блан, кечалари ухламай вужудга келтирилган ижодий фикрнинг, гўзал ташаббуснинг оммага ёйилишига сабабчи бўлади.

Ўз колхозидаги катта-кичик ҳамма томонидан ҳалол меҳнати учун бурундан полвон деб танилган, улуғ Ватанимиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини берган Тилла Тўроновнинг Ватан олдидаги, совет ҳалқининг дохиси улуғ Сталин олдидаги ўз бурчини бажо келтириш учун олиб бораётган кундалик ишлари ана шундай.

Қишлоқ хўжалик мутахассислари томонидан илмий асарлар, шоирлар томонидан достонлар ёзилишга сазовор бўлган унинг бу ишлари, социализм биносига қўйилган пойdevордай маҳкам ва солмоқлидир.

Июль, 1947 йил.

МИХАИЛ БИКАДОРОВ

ШАМОЛЛАР ВОДИСИ

Майды шағалларни этиги блан ғижирлатиб босиб келаётган, юзлари қуёшда қызарған киши тупроқ-түғоннинг теппасига илдам чиқиб келди-да ўнг қирғоққа, аллақандай ташвишли назар ташлади. Сўнгра қуёшда ўнгиган мўйлабидан чангларни артди. Тирсагига қадар шимарилган енглари ичидан иргайдек пишиқ қўлини пешанасига қўйди ва оёқ учига кўтарилиб:

— Ҳой... тошдан кетиринг, тошдан... — деди.

— Хўб бўлади... — ўнг қирғоқдан акс-садо эшитилди.

Бир дақиқадан сўнг, түғонда қурилган, янги темир йўл изларида тошлар ортилган вагонлар қатнайбошлади.

Ҳалиги одам қўли блан кимгадир ишора қилди.

— Шу ерга тушираберинг, ҳа, яна олиб келинг.

Машинист ҳайрон бўлди:

— Сизга етиб бўлмайди шекилли, Ҳофиз! — у чўнтағидан гуллик, катта дастрўмлчасини чиқариб юзидағи терларини артди.

Ҳофиз Ваҳобов бошлиқ бетончилар бригадаси Сирдар'ёнинг эски изи ўрнида қурулган тупроқ-түғоннинг бош томонига, сув ювиб кетмаслиги учун, тош тераётир. Яқин кунларда Сирдар'ёнинг янги изи ўрнида қурилган шаршаранинг темир дарвозалари беркитилиши керак. Яқин кунларда деривация канали ва гидроэлектростанция биноси қурилиб бўлгач, Фарҳод ГЭСнинг нурлари порлаши керак. Шунинг учун Ҳофиз Ваҳобов ўртоқларидан кейинда қолишни ўзига эп билмайди. Унга ҳар доим ва ҳамма ерда илфор бўлиб ишлаш одат бўлиб қолган.

Правда номли колхоз паҳтакорларининг умумий мажлисида мамлакатимиз қудратини оширишда ва халқимиз ҳаётининг бундан ҳам фаровон бўлишида Фарҳод гидроэлектростанциясининг аҳамияти ва истиқболини раис айтиб бераркан, коммунист Ҳофиз Ваҳобов колхоз раисидан ўзини қурилишга биринчилар қаторида юборилишини сўради.

Ҳофизнинг хотини эрининг бу қарорига қарши эди.

— Ахир, сиз, ўша худонинг чўли-биёбонида нима ҳам қилиб

бераолар эдингиз. Ота-боболарингиз бундай ишни қилиб кўрмаган бўлса, умрингизда кўрмаган ерларга бориб электр станция қуришни сизга ким қўйибди.

— Ўзинг пахтасини ҳузур қилиб териб юрган шу жойлар ҳам бир вақтлар чўли-биёбон эди, хотин. Ахир, эски замонда Сурхондар'ё ҳозиргида оботмиди? Ота-боболаримиз даврида экин ерлардан шундақа ҳосил олармидилар? — деб сўради Ҳофиз хотинидан.—Ўзинг кўриб турибсан-ку ҳаммасини, колхозимиз бу йилги пахта блан буғдоини қаёққа сиғдиришига ақлим етмай турипти. Бунинг устига меваларни қарамайсанми. Бай, бай, бай, шоҳлари ер ўлиб ётипти-я, жоноворларинг. Сув мўл бўлди, сув. Канал қурилди, хотин канал. Ўша канални ҳам бошқа район ва областларнинг колхозчилари келиб қуришдилар. Бечора агрономларни айтмайсанми, кечакуандуз тинишмади. Энди хотин, мен санга айтсам, саники, маники деган гап йўқ бўляпти. Ер, сув, мол, галла — ҳаммаси ўзимизники. Ҳалику Мирзачўл экан, агар бирнечча кун поездда юриб, Мақкопка бориб қолсанг, у ернинг ҳамлари бу ернинг одамларининг бошига кўтарар экан.

Хотин илжайди.

— Қайдам, сиз пахтанику яхши биласиз-а, электр станция қуришингизга сра қўнглим ишонмайди.

Хотиннинг бу сўзига жавоб учун Ҳофиз ўйлаб ўтиради:

— Ахир, ким онасининг қорнидан пахта экишини ўрганиб тушити. Бу ҳам шундай гап да. Тан-жон саломат бўлса ўёғи бўлаверади.

Сирдар'ё қирғогига Ўзбекистоннинг ҳамма томонидан одамлар қелабошлади. Хильково станциясидан, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Бухоро ва бошқа областъларнинг колхозчилари елкаларига кетман, бел-курак кўтаргандарича саф тортиб қутиш майдонларига қараб кетабошладилар.

1943 йилнинг февраль ойида Сурхандар'ёли Ҳофиз Ваҳобов Сирдар'ёнинг тошқин сувларини ва ёзи жазирада майсалари қовжираб кетган „шамоллар водиси“ни кўрди.

.. Бу ерда иш жуда кўп ва оғир — деган гапни эшитди Ҳофиз. Гидроэлектростанцияни қуриш учун минглаб кубометр ер қазиб, унинг тупроғини чиқариб ташлаш керак. Ишловчилар унча ҳам кўп эмас. Ўзларингизга ма'lумки, кўп ўртоқларимиз жанг майдонида Ватанин озод қилиш учун кураштаирлар.

Ҳофиз оғир ва солмоқли кетманни кўтариб, бор куввати блан заранг ерга урди. Тошдек қотиб ётган ер кетман юзини қайтариб юборди. Ҳофизнинг иргайдек қўллари маҳкам ушлаган кетиан дастасидан зангилаған овоз эшитилди.

Аммо, одамлар секин-аста, матонат блан, борган сари деревация каналини чуқур қилиб қазийбошладилар.

Оз ўтмай ишнинг биринчи кунларидағи қуручилар ғовури меҳнат қаҳрамонлигига айланаб кетди. Колхозчилар ташаббуси блан қурилишда ер қазучи полвонлар бригадалари тузилди. Ҳофиз полвонлар бригадасига ёзилган бўлмаса ҳам, броқ, илғор ер қазучилардан сра қолишмас эди. Улар кунлик ер қазиш нормаларини тўрт ва беш баробар ошириб бажарап өдилар.

Ишдан сўнг, кечқурун, бироз дам олгандан кейин, Ҳофиз Ваҳобов агитпункт томонга қараб йўл олди. Уердан шу кунги газеталарни олиб, қуручилар турадиган ертўлаларга бордӣ. Улар Улуғ Ватан урушининг жанг майдонларида Қизил Армиямизнинг душман устидан қозонаётган ғалабалари ва юқори ҳосил учун қурашаётган колхозчиларнинг муваффақиятлари ҳақида сухбатлар ўтказди.

Ҳофиз кичкина стол устида лишиллаб, хира ёниб турган пилтачироққа яқинроқ бориб, УзК(б)П Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Усмон Юсуповнинг Фарҳод ГЭС қуручиларига ёзган хатини ўқиди: „Фарҳод ва Ширин“ ҳақидаги афсона 500 йилдан бери ҳалқ ўртасида яшаб келган бўлса, сиз томонингиздан шу кунларда, айниқса Улуғ Ватан уруши кунларида қилинаётган иш абадий яшайди. Бу иш ҳалқлар тилида асрлар бўйи севимли қўшиқ бўлиб куйланажак”.

— Ҳофиз ака, Фарҳод ГЭСни қуриб бўлсан, ҳам сувга, ҳам электр нурига ялчиб қолар эканмиз-да... Тирикчилик бундан ҳам яхшиланиб кетар экан-да?

— Шундай — деди ҳаёл суреб Ҳофиз Ваҳобов, — ҳа демай қилаётган ишимизнинг натижасини ўзларингиз кўриб қоласизлар.

Фарҳод ГЭС биноси қурилаётган ерда ва деривация каналига сувни тақсимлаб юборучи регуляторда бетон қўйиш ишлари қизиб кетди. Ихтисосли бетонқуючилар деярлик йўқ эди. Колхозчилар орасидан бетончилар тайёрлай бошладилар. Ваҳобов инженер Гардиевнинг олдига борди:

— Ўртоқ инженер, менга бетон қўйишни ўргатинг. Мен шу вақтгача ер қазиб келдим, энди бетон қўйиш ҳунарини ўрганмоқчиман, — деди.

— Бетон қўйиш ҳунари енгил ҳунарлардан эмаску?

— Ҳунарнинг енгили бўлар эканми? Енгилига ўзимнинг ҳам тоқатим йўқ, — жавоб берди Ҳофиз.

У бетонни қориб, қуябошлади.

Тўғон шаршарасининг бетон устунлари борган сари баланд қўтарила бошладилар. Колхозчилар бу бетонлар орасида Ҳофиз Ваҳобовнинг тинмай ишлаб юрганини ҳаркун кўрар эдилар. Туй-қусдан тупроқларни кўкка қўтариб учган шамол Ҳофиз ишларига ҳалал берган вақтлари жуда кўп бўлган. Шамол шундай тез учадики, унинг жинни тезлиги бир дақиқада 25 дан тортиб 30 метрга етади. Беговот шамоли ёш теракларнинг шохларини ер бағирлатар ва қариларини эса чўрт синдириб юборар эди. Ҳофиз бир қўли блан бетон тўлдирилган бадияларни, иккинчи қўли блан эса шаршаранинг бетондан қилинган устунларининг тахталарини ушлаб:

— Барibir бизга ҳалал бермайсан, биз сандан кучлироқмиз! — дер эди.

Ҳофиз Ваҳобов ўзининг фронтдаги катта акаси Сафардан тез-тез хат олиб турар эди. Акаси Ўзбекистонда фойдаланилмай ётган ерлар ҳақида ёзар, уларни пахтазорга айландиришни ўйлар эди. У хат орқали Ўзбекистонда шундай бир катта қурилиш бўлишини умид қилганлиги ҳақида аллақачонлар Ҳофизга ўз фик-

рини айтган эди. Сафар жуда күп нарсаларни ҳаёл қилар эди. Броқ, бир куни Ҳофизга акаси Сафар „Ватан учун қаҳрамонларча қурбон бўлганини“ айтдилар...

Бетончилар бригадаси ва'данинг устидан чиқиш учун зўр бериб ишладилар. Ҳофиз соҳилдаги харсангнинг устида бу қайғили хабар ёзилган кичкина қофозни ушлаган ҳолда узоқ ўтириб қолди. сўнгра қоматини кўтариб, иккинчи сменада ишлаш учун кетган ўртоқларига ёрдам беришга кетди.

Ҳофиз Ваҳобов бригадаси деривация каналига сув тақсимловчи регуляторнинг бетондан ишланган устунларини унинг тепасида қурилаётган кўпруклар блан қўшаф, Фарҳод гидроэлектростанция қурилишининг бош тўғони ва бошқа обьектларига электр қуввати бериш нияти блан тупроқ тўғон ёнида қурилган кичик ГЭС қурилишида ишлади. У қаерда ишламасин, доим ҳамма ерда унинг илфорлиги ҳақида гап бўларди.

Ба'зи колхозчилар уйларига бирнечча бор бориб келган бўлсалар, Ҳофиз Ваҳобов қурилишини ташлаб кетишга вақт тополмади, тўғрисини айтганда, ишни ташлаб кетишга кўзи қиймади.

— Ҳофиз ака, ўз колхозингизни унитиб юбордингиз шекилли,— деб ҳазиллашар эдилар колхозчилар,— ахир у ерда рўзгорингиз ва бола-чақангиз борку?

— Колхозимни унитиб юборганим йўқ, у ерда нима бўлаётганлигини раисимиздай айтиб бераоламан, мана бу хатларни кўринг. Хотин, бола-чақаларим бўлса мансизам жуда яхши тириклик қиласетирлар. Қурилишни тамом қилгандан сўнг учрашувилиз яна қуюқроқ ва жойида бўлади.

Ана энди у, мустаҳкам қилиб шиббаланган тупроқ тўғоннинг тепасида туради. Бу жойдан илгари Сирдар'ё оқар эди. 1943 йилнинг ноябрь ойида ўзбек ҳалқи ана шуердан Сирдар'ёни гиппа бўғиб, уни эски изидан оғдариб юборди. Шундан бери Ҳофизнинг ўртоқлари бу ерда жуда кўп ишлар қилдилар. Фақат деривация каналига сув тақсимловчи регуляторнинг пойдеворигагина минглаб кубометр бетон ётқизилди. Тупроқ тўғон ва бетон тўғонга ёса қанча минглаб тупроқлар ағдарилиди ва бетонлар ётқизилди, қанча минглаб Фарҳод тоғидан кесилган тошлар ўрнатилди.

Ҳофиз тупроқ тўғоннинг чўққисида туаркан, унинг ўнг томонидан бетон тўғон шаршараси ва чап томонида регулятор қоматини кўкка кўтариб туради. Куручилар бу тўғонларнинг темир ва бетондан ясалган дарбозаларини 12 метрлаб баланд кўтариб ишлаб қўйганлар. Бетон тўғон шаршараларининг устунлари лойиҳадаги юқориликка кўтарилигандан сўнг, унинг орасидаги темур дарвозалар пастга туширилиб, Сирдар'ёнинг суви гиппа бўғилар экан, сув икки баробар, я'ни 27 метр баландликка кўтарилиди.

Тупроқ тўғонга тупроқ тўкиш ва шиббалаш ишларининг шу кунлар қизгин пайтидир. Тупроқ тўғоннинг бош қисмига тошлар терилиб, мустаҳкамланаётir. Бу ишга Ҳофиз Ваҳобов раҳбарлик қиласиди. Тупроқ тўғоннинг пасида, одамлар бўйсундирилган Сирдар'ё эски изининг қўйи томонини мустаҳкамламоқдалар.

Улар тупроқ түғоннинг тепасига қараб шиббалаб чиқмоқдалар. Бу ишларни диққат блан кузатиб турган тажрибали қуручи:

— Яхшироқ шиббаланглар, бетонни яхшилаб ётқизинглар — дейди. Фарҳод тоғидан кесиб олинган қизғич харсангларни бирма-бир түғон қирғоғига ётқизилмоқда. Биринчи қатор тошни териб бўлгандан сўнг, иккинчиси ва учинчиси бошланиб кетади.

— Шундай, шундай, пухтароқ теринг, бир кунлик эмас, ишимиз умрбод бўлсин.

„Бу ерда катта бир денгиз пайдо бўлади, — деди Ваҳобов, — Тожикистоннинг анаву қишлоқлари ҳам сув остида қолиб кетади, ҳатто сув Фарҳод горига қадар кўтарилади“. У, 1943 йили қурилишига биринчى келган кунларида бу ерларни одам оёғи босмаганилиги ва фақат қирғоқларда қамишлар ўрмони ва тустовуқ, қўёнлар базм қуриб ётганларини эсга олди. Шу кунлари тураржой бўлмаганлигидан Фарҳод горига кириб яшаганликларини хотирлади. Сўнгра одамлар Фарҳод тоғини кесиб, аввал Даъверзин каналини бошқа изга ва сўнгра Сирдар'ёни ўзлари хоҳлаган ўйлга оғдариб юборганликлари эсига тушди.

Қурилишга келган колхозчилар катта матонат блан ишга киришиб, ҳунар эгаси ёлғанликларини ўзлари ҳам сезмай қоллар әдилар. Ҳофиз Ваҳобов ўзининг ҳамқишлоқлари Хол'ёр Турсынов, Фозил Боқиев, Шарофат Назарова, Зубайда Жўраеваларга яқиндагина бетонни қандай қилиб қўйиш кераклигини ўргатар әди. Энди эса улар ихтиносли бетончи бўлиб ўз ҳунарларини бошқаларга ўргатмоқдалар.

Сирдар'ё соҳилларини таниб бўлмайди. Дар'ё қирғоқларида қатор-қатор оппоқ уйлар қурилган. Улар тепасида қирмизи байроқлар ҳилпиллаб туради. Бепоён чўллар бағрида тош ва темир ўйлар қурилган.

Андижон обlastининг азamat колхозчилари бино қилган Фарҳод тоғи тагидаги шаҳардан туриб Сирдар'ёning чап қирғоғига қарасангиз, Сурхондар'ё область колхозчилари ва Ўзбекистоннинг узоқ пучмоқларидан келган комсомол ва ёшлар бригадалари томонидан бино қилинган шаҳарчани кўрасиз. Пастда эса, уруш даврининг барча машаққатларига бардош бериб, Сирдар'ёни янги изга ағдарган колхозчилар қўли блан қурилган буюк платина шаршарасидан дар'ё сувлари кўпукланиб, тошиб, бўкириб оқиб ётганлигини кўрасиз.

Ўнг қирғоқдаги шаҳардан туриб, ўнг томонга қарасангиз: ўзбек халкининг фахри бўлган тўнғич металлургия заводининг трубаларидан кўмк-ук тутунлар кўкка кўтарилиб туради. У ерда ўзбек пахтакорларининг фарзандлари пўлат қўймоқдалар. Чўлларда паровоз ва автомобилълар қатнаб турмоқда. Яқиндагина тикланган электр ёғочларида электр монтёрлар колхозчиларга қараб нур йўли қурмоқдалар.

Яқиндагина ёнтоқзор бўлган саҳроларда одам бўйи бўлиб олтин буғдойлар қомат кўтарган. Уларнинг кетида ғузаларнинг яшил чаманлари кўринади. 77 ёшар колхозчи Тожибой Сўяровнинг

үйи ёнида ўрукзорлар бор. Янги ўтқазилган токларкинг новдаларидағи узум бошлари бол йигаётір.

Экскаватор худоси

Чүлдагы сүқмоқ йўлдан — икки уруш қатнашчиси — граждан уруши блан Ўлуг Ватан уруши иштирокчиси — ўрта бўйли, бир киши шошилиб кетар эди. Кечаги солдат, бугун экскаваторлар механизги Трифон Ефимович Сопроненко деривация каналида ишлаш учун бормоқда.

...Трифон Ефимовичнинг хотини эридан уч-тўрт кун уйда дам олишини сўради. „Сенсиз ҳам бўловерар ўша иш“ — деди. Аммо хотиннинг раўйига Сопроненко кўнмади:

— Ҳозир қўл қовуштириб ўлтирадигай вақт әмас. Бу тўрт девор орасида дам оласану, аммо хаёлинг бошқа нарсада булади. Энаси, ҳужжатларимни толиб бер. Курулиш бошқармасига бораман...

Деривация каналининг трассасида темир хартумларини баланд кўтариб, ковровең номли иккита ҳайбатли экскаватор туарар эди. „Наҳотки ўшанинг ўзи бўлса, тавба, худди ўзи“ — дея ўз-ўзидан сўраркан экскаваторларга қараб тез юриб кетди. Экскаваторнинг биттасида 49, иккячисида 147 рақамларни кўрди. Трифон Ефимович ҳурмат блан бошидан пилоткасини олиб, у темир гигантларга салом берди:

— Салом „кеексалар“. Мана, яна учрашдик.

Бу „кеексалар“ Сопроненконинг қадрдон танишлари эди. Бу машиналар блан у жуда катта меҳнат йўлларини босиб ўтган. Трифон Ефимович ковровең экскаваторини дастлаб 1933 йилда кўрди ва шу йилдан бошлаб уларни ишлата бошлади. У вақтлар Сопроненко Москва — Волга каналини қуртан эди. Сўнгра, Сопроненко ўзининг 49 ва 147 рақамли экскаваторлари блан янги канал қазиш учун Чирчиқ қурилишига келди. У, 1937 йилда Черенхов кўмир ҳавзасига ишга кетаркан бу машиналарни ортиқ учратадолмасам керак, деб ўйлаган эди. Мана энди механикни тақдир яна темир дўстлари блан учратди. Аммо, ковровеңлар хила уринган, ўзгарган, кўпгина қисмлари янгиланган эди. Минг мартаба ремонт қилинса ҳам жаҳонгашта денгизчига ўзининг кўҳна кемаси қадрдон ва кўзига иссиқ кўринганидек, механик Сопроненкога ҳам бу содиқ машиналар шундай қадрдон ва иссиқ кўринди. У, машиналарнинг ўёқ-буёгини айланиб кўриб, ишга соларкан, деди:

— Ишни бошлаб юбораверса бўлади. Ҳаммаси жойида.

Кочегар ва машинистлар тўпланишди. Моторлар гулдираб кетди. Экскаваторларнинг пўлат хартумлари пастга туширилди. Заранг ерлар бағрига уларнинг улкан тишлари ботаркан моторлар гулдираб, шагиллаб, машиналарнинг дев ҳовучидаги тонналаб тупроқни канал қирғоғига кўтариб ташлар эдилар.

Энди Трифон Ефимович пилоткасиз, шинельсиз, экскаваторлар кетидан қичқирап эди:

— Чуқурроқ ол, чуқурроқ. Тишларини бор бўйича ботиравер. Курилишга яна янги эксковаторлар келтирилди. Уларни бошикариш учун одам йўқ. Курилишнинг ўзида эксковаторчилар тайёрлаш курси очишига қарор қилинди. Сопроненконинг олдига Зоминли ёш колхозчи Анербой Абдухолиқов келди:

— Ўртоқ механик, мен кетмен ва бел блан ҳар куни икки нормадан ер қазидим, лекин қилган ишимга унча кўнглим тўлмаётир. Машинангизнинг кўп тупроқ отганини кўриб, мен ҳам машинист бўлгум келиб кетди, — деди иштиёқ блан Анербой.

Аста-секин қурилишнинг бошқа участкаларидан ҳам колхозчилар келиб, шу хилда ра'й билдирилар.

Ба'зи одамлар „Сопроненко шунча ишни бир ўзи қандай қилиб уddaлаётган экан?“ деб ҳайратландилар. У, механизаторлар тайёрлаётир, эксковаторларни ремонт қилаётир, механизмлар учун етишмаган қисмларни ўзи ясаётир, яна бунинг устига ихтиро' ва ихчамлаштириш ишлари учун ҳам фурсат топади.

Трифон Ефимовичнинг фикрига кўра ясалганига хила вақт ўтган машиналар ҳозир эскирган ҳисобланади. Шунинг учун у, эксковаторларнинг бугчиларадиган қозонларини мукаммаллаштириш, айланма камерлар ишини яхшилаш учун бош қотирмоқда. Буг блан ҳаракат қиладиган машина қозонларини ҳэтиёт қилиш учун ма'lум бир нарса блан ўраш таклифи киргизди. Сопроненконинг ҳар бир таклифи механизмларнинг иш унумини кўпайтириш, кочегар ва машинистлар меҳнатини осонлаштиришга қаратилган.

Ковровец машинаси жуда мураккаб ва инжиқ машина. У „кесалар“дан доим хабардор бўлиб туриш керак бўлади. Шунинг учун Сопроненко деривация каналига яқин ерга кўчиб борди. Бу ерда кеча-кундуз барча ишлардан хабардор бўлиб туролади.

Бирвақт тунда нафаси ичигатиқилиб, кочегар юрганича унинг уйига келди:

— Трифон Ефимович, эксковаторлар тўхтаб қолди, нима қиласмиш? План барбод бўлади...

— План барбод бўлади? — унинг сўзини кесди механик. — Бўлмаган гап.

У тезлик блан кийимларини кийиб, эксковаторлар олдига борди, машинистлар мотор атрофига уймалашиб уни текширап ғидилар.

— Нима гап, — деди Сопроненко ва шу ондаёқ енгларини шимариб ишга тушиб кетди. Оз ўтмай эксковаторлар яна вағиллаб юриб кетдилар.

— Ёшлик-да... — деди дўстона механик. — Ҳали буларнинг тажрибаси оз. Бу кетман эмас... Тўғрисини айтсан, мен сизлардек чоғимда, ҳозир сизлар билганларингизга ақлим етмас эди. У вақтлар колбаса дўконида ишлар эдим. Сизлар вса шу ёшларингизданоқ эксковатор худоси бўлиб олдиларинг.

У, эксковатор тепасига чаққонлик блан чиқиб, унинг ролини ушлади. — Ҳали ҳам баракалла шу ёшларга, — деб ўйлади Трифон Ефимович, — агар бошқа бир одамнинг машинаси шундай

тұхтаб қолғанда, тузатилишини кутиб ўлтираберар әди. Бу ёшлар бўлса, дарҳол ишқални мотордан излай бошлаганлар. Булар кишига панд бермайди. Бу йигитлар блан ишласанг ҳузур қиласан киши.

Эксковаторларнинг темир тишлари деривация каналининг бағрига боргансари чуқурроқ ботади. Тўзонлар пројектор нурида жимирлади, думпкарлар тупроқларни икки томонга ағдармоқдалар. Канал энини борган сари кенгайтириб, қирғоқларни текис қирқиб тушиб, эксковаторлар ҳамон илгари силжиб кетмоқдалар. Сопроненко тун оғиб қолганлигини, уйига бориб бироз ухлаши кераклигини ҳам унитиб қўйди. У бошқа нарса тўғрисида ўйлади:

— Фронтда жант қилганларим, қон тўкканларим бекор кетмади. Мана шу қувноқ ва шарафли меҳнатни душмандан сақлаб қолиш учун курашкан әдим. Мана энди яна унга эришдим.

У Октябрь Социалистик Революциясидан кейин бироннинг колбаса дўконида ишлашни ташлаб, умрбод қуручи бўлиш учун, машинист ва кочегарлик мактабига ўқишига борганилигини ёслади. Кондапож қофоз комбинатида, Северстройда, Луги дар'ёсининг юқорисида торф ишлагани, Москва — Волга каналида, Челябинский яқинидаги кўмир қазишида ва Чирчиқ гидростанция каскаларида ишлаганлари учун хотиридан бирма-бир ўтди... Яқин кунларда бу янги каналнинг ҳам сўнгги кубометр тупроғи қазилиб бўлади. Шунда механик яна битта қурилишни — Ўзбекистоннинг электр гигантини кўради.

— Трифон Ефимович ўёқдан-буёққа кўчиб юриш жонингизга тегмадими, — деб сўрайди ба'зи ўртоқлар.

— Йўқ — деб жавоб беради Сопроненко, — мен совет тупроғини батамом кезиб чиқдим. Мендан фарзандларнинг қаерларда туғилди деб сўрасангиз, мен шундай жавоб бераман: — Учтаси Карелияда, бир қизим Чирчиқда, энг сўнгги қизим Люба эса Фарҳод қурилишида туғилди. Мен қаерда ишласам ва яшасам ўша ер менинг ватаним, уйим, рўзгорим ва дўстларимдир.

Фарҳод қурилишида Трифон Ефимович Сопроненкони эксковатор худоси деб атайдилар. Дўстлар блан бўлган сұхбатда, мажлисларда ва қурилиш газетасининг саҳифаларида уни шундай деб та'рифлайдилар ва мақтайдилар. Чиндан ҳам у билмаган эксковатор йўқ ва қўлидан келмайдиган оғир ремонт ҳам йўқ. Ҳаммасига моҳир.

Беговотга келганга қадар Сопроненко турли қурилишларда 300 га яқин кочегар, машинист ёрдамчиси ва эксковатор машинистлари тайёрлади. Унинг рус, украинли шогирдлари Сибирида, Уралда, Кавказда ва Узоқ Шарқда ишлаётирлар. Уларнинг ба'зи бирлари блан Ватан Уруши фронтларида дуч келиб қолда.

— Бир вақт, бир жангчи мени тўхтатиб, — хотиrlайди Сопроненко, — деди: — Трифон Ефимович, мени танияпсизми? Мен Семён Серебряковман! Мени сиз ўқитган әдингиз. „Иккинчи мартаба душманга ҳужум қилиб бўлганимиздан кейин бир оғи-

цер менинг олдимга келиб: „Мен лейтенант Пустовой бўламан. Павел Пустовой, эсингиздами?“ — деди. Мен унга, бўлмасамчи, эсимда... Чирчиқ қурилишида бирга ишлаган әдик-ку, ахир, — дедим.

Сопроненко Беговотда олтмишдан кўпроқ ихтисосли ишчи кадрлар етиштирди. Қурилишнинг қайси бир участкасига борманг, у ерда Трифон Ефимовичнинг шогирдларини албатта учратасиз.

Деривация каналидан беш миллион кубометр тупроқ қазилиб чиқариб ташланган. Бу иш ҳажмининг кўпгина қисми машиналар блан бажарилди. Биринчи ўзбек өксковаторчиси Аюробой Абдухолиқовнинг бир ўзиёқ иккюз минг кубометр тупроқни қазиб, чиқариб ташлади. Сопроненконинг шогирдлари Салим А'замов, Шариф Баҳодиров, Марди Шомуротов ва бошқа эксковаторчилар жуда кўп тупроқни машиналар блан қирғоқча чиқариб ташладилар. Улар яқингина кетман ва бел блан ер қазиб юрган әдилар.

Улар республикада энг катта каналлардан бирини қураёттирлар. Бу канал „бетон дар'ё“ деб аталучи Чирчиқ гидростанцияларидағи каналлардан каттароқ бўлади. Фарҳод гидро электростанция бош тўғонининг темир дарвозалари бекитилиб, Сирдар'ёнинг қудратли оқуни регулятор деб оталучи сув тақсимлайдиган тўғонга бурилиб юборилганда, деривация каналидан бир кечакундузда 47 миллион 520 минг кубометр сув гидростанция биносига қараб оқиб туради. Куз ва қиши фаслларида деривация каналига Сирдар'ёнинг ҳамма суви бўйлади.

Деривация каналининг охирида, ГЭС биносининг сув ҳавзаси ёнида, яна бир катта иншоот қурилаёттир. Бундан Мирзачўл бўйлаб то Жиззах ва ундан наридаги районларга қараб канал қазиб у жойлар сув блан сероб қилинади. Бу канал жуда кўп ерларни суғаради.

Шу кунлари Фарҳод ГЭСни қураётган азаматлар бу гигантнинг нурларини кўриш блан бирга, унинг каналлари саҳроларда пайдо қиласидиган янги пахтазорлар, буғдойзорлар, боғлар, узумзорлар, шаҳар ва қишлоқларни ҳам кўрадилар.

Қуручилар оиласи

Бўлажак Мирзачўл каналининг бош тўғон иншооти қаршисида сув ҳавзасининг кенг қирғоқлари қомат кўтариб турадилар. Бу қирғоқларнинг тўзонлари кўкка кўтарилади. Сув ҳавзасининг қирғоқларига тупроқ ортилган юк машиналари тинмай ўтиб турадилар. Юк машиналари ҳавза қирғоқларига тупроқларини тўкаркан, уни тракторлар ва шиббаловчи машиналар ўзларининг темир дазмоллари ва фиддираклари остига оладилар. Тракторчи Борот Маҳмудов ерни шундай тез шиббалайдики, ҳатто юк машиналари унга тупроқ етказиб беролмайдилар.

— Шиббалашни қойил қилаяпти-ку! — дейди шоферлар. — У гвардиячасига ишлаёттир. Ўзи ҳам жангчи экан-да.

Сув ҳавзасининг темир бетон кал'аси орқасида — гидростан-

циянинг баланд биноси ёнида Боротнинг кичкина укаси — колхозчилар полвон деб аточи Дерик кранининг сигналисти Тожи Маҳмудов туради. У икки оёғини кенг ёйиб ва қаттиқ бўронга бардош бериб, машинистларга қўллари блан имо қиласди. У дерик краннинг думкарларига қараб, чап қўлини ёзиб, ўнг қўли блан уларни қаёққа буриш кераклигини ва бетонларни қаерга тўкиш кераклигини кўрсатиб туради. Унинг кўрсатмасига қараб, бирнече киши бадиялардаги бетонларни тезлик блан оғдаради. Шундан сўнг Тожининг қўллари кўрсатган томонга қараб котловандан бадиялар вагонларга қараб юборилади. У ерда яна бетонлар тўлдирилган бадиялар тиркалиб котлованга туширилади.

Дерик кранни машинистининг буткасидаги электр қуввати берадиган машиналар олдида Наманганди колхозчи Ҳидоят Жўрабоевнинг учинчи ўғли туради. У уйда туриб бадиялар қаёққа кўтарилаётганлиги ва қаерга тўкилаётганлигини кўрмайди. Уйдаги кичкина деразадан фақат сигналичининг қўлини кўради халос. У акасининг қўл ҳаракатини кўриб, бадия кўтарган дерик краннинг бошини қаёққа буришни англайди, халос. Агар у кўрмай қолса, ё бўлмаса, акаси нотўғри сигнал берса, ҳалокат юз бериши турган гап. Аммо Ортиқ саккиз ёки ўн икки соатлаб ишлаган чоқларида ҳам бетон ҳатосиз ўз ерига олиб бориб тўкилади. Бу қаҳрамонларнинг қўллари жуда оз вақт ичида беш ва ўн минглаб килограмм бетон ортилган дерик машинасининг рулини идора қиласди.

1943 йилнинг баҳор ойларида ФЗО мактабининг ўн олти ёшар ўқучиси Ортиқ Маҳмудов темир эритиш ва ундан нималар ясаш мумкин эканлигини биларди. У Тошкентдан Намангандаги жўнаб кетди. „Қизил давлат“ колхози унинг туғилган ери эди. Ортиқ акаси блан шу ерда яшар эди.

Поезд Хильково станциясида келганда у Фарҳод гидроэлектростанцияси тўғрисида ғовур-ғувур гапларни әшиитди. Баланд бўйли, кенг елкали, яшил гимнастёрка кийган киши қўлига жустрофия ҳаритасини ушлаб, одамларга ҳикоя қилиб берар эди.

— Мана шу Мирзачўлнинг чекасида совет ҳукуматининг энг катта гидростанцияларидан бири бўлган қурилишни бино қилишимиз керак. Бунинг учун мана бу ердан канал қозишимиз керак. Сирдар'ёнинг соҳилларига қишлоқ ва шаҳарлардан ўзбек халқининг энг яхши фарзандлари тўпландилар. Эшиласизми ерлар ларзага келаётir. Чунки, қаҳрамонлар Сирдар'ёни бўғиш учун Мирзачўлга чиқиб келмоқдалар...

Халқ қурилиши Ортиқ учун ҳам орзу бўлиб қолди. Бир неча кундан кейин у онаси ва акаси блан Беговот шаҳрига етиб келди. Ҳидоят Жўрабоевнинг оиласи кічкина бир землянкага жойлашдилар. Улар Қашқа-Дар'ё ва Намангандаги областъларининг колхозчилари блан бирга гидростанция биноси учун ер қазишга киришдилар. Иш шубҳасиз жуда оғир эди. Аммо, ҳечким шикоят қилмас эди.

Кўп ўтмасдан Борот фронтга кетди. У шинель кийишдан

олдин шундай қасам'ёд қилди: — душмэнни тамом янчиб ташла-
масдан онам ва акаларимни күриш учун қайтиб келмайман.

Унга Ортиқ шундай жавоб берди:

— Бизлар бу ерда қурилиш тамом бўлгунча ишлаймиз. Сен
ҳам шу ерга қайтиб кел. Сенинг уйинг шу ер бўлажак.

Кунлар ўтиб боради. Бир иш битиб, иккинчисига навбат ке-
лади. Ортиқ арматуршчик бўлиб, электр куввати блан темирлар-
ни бир-бирига пайвандловчи бўлиб ва дурадгор бўлиб ишлади.

ГЭС биносининг котловани қазилиб тамом бўлгандан кейин
у ерга биринчи дерик кранини олиб келиб қурдилар.

Ортиқ баланд тепа бўйига чиқиб, бу машинага ҳайратланиб
қарайди.

— Бу жуда ҳайбатли нарса экан... Шу машинани ўрганса
киши...

— Ҳарқандай ҳунарни ўрганиш одамнинг қўлидан келади.
Айниқса, ёшларнинг қўлидан, — деган гапни эшитди Ортиқ.
Унинг ёнида кран машинисти Жижин турар эди. — Ука агар ўр-
ганинг келса, мен ёрдам бераман.

Икки ҳафтадан кейин Ортиқ „Темир полвонни“ идора қи-
лишни ўрганиб олди.

Машинистларга сигнал берадиган участкада унинг укаси То-
жи турар эди. У ҳали қўллари блан имо қиларкан, ўз ишига
унча ишонмас, „Майна“... (пастка) „Вира“ (юқорига) деган гап-
ларни қат'ий айттолмас эди.

Уруш тамом бўлди, умум халқ шодиёнасидан сўнг Ҳидоят
Жўрабоевга хурсандлик хабари етказилди, — унинг ўғли Борот
Германиядан қайтиб келди.

Жангчи укаларидан орқада қолишни истамади. У дарҳол трак-
торни ўрганди ва деривация каналида ишлайбошлади.

Ўтган йилнинг кузида Ҳидоятнинг уйига оғайнилари йигилиб
келишди. Шу куни Ортиқ уйланди. Тўйдан кейин уларга янги
уй солиб бердилар. Бу шамоллар водисидаги янги уйга кўчиш
маросими ҳам ўтказилди.

Ортиқнинг хотини Жамила дарҳол ишга чиқиш тўғрисида сўз
бошлагани эрига ёқиб тушди.

— Насос станциясида одамлар етишмайди деб эшитдим. Шу-
нинг учун ман ўша ерга бориб ишлайман.

— Биласанми у ерга қандай одамлар керак. У ерга моторист-
лар керак. Хотинларга бу иш оғирлиқ қилса керак.

Жамила бу ишни кўз олдига келтиролмас өди. Аммо ишонч
блан эрига жавоб берди:

— Унча қўрқинчлиги йўқ. Хотинлар бетон ётқизаётирлар-ку.
Ишнинг оғиридан бири шу бўлса, уни ҳам бажараётирлар. Сиз-
нинг кранингизда ишлаш хотинларнинг қўлидан келмайдими?

Жамила моторист бўлди.

Ортиқнинг олдига ўртоқлари тез-тез келиб турадилар. Улар
қурилишни тамом қилгандан кейин қиладирган ишлари ҳақида
узоқ сўзлашадилар.

Фарҳод гидроэлектростанциясида янги оиласалар пайдо бўлди

на улар меҳнатда чипиқди. Ўзбек деҳқонларининг фарзандлари, кечаги колхозчилар — энди ҳунар әгалари бўлдилар. Мастер Ҳайдулла Жўраев, Ўринбой Тўхтабоев, электросваршчик Мамадамин Абдуманнопов, ер ўлчовчи Анорбой Исонбоев, бурильшчик Парфи Назарсв ва кўпгина бошқалар энг буюк гидростанциялардан бирини бино қилаётирлар.

Ўнлаб колхозчилар бетон қўйиш, тош териш, машина ҳайдаш, мантаж қилиш ҳунарини әгалладилар. Улар инженер-техник ходимлар блан бирга Беговот — Тошкент электр йўлини қураётирлар. Оғзи олтиярим метр бўлган буюк қувурларни ўрнататиётирлар ва монтаж қилаётирлар. Бундай қувурлар на Америка ва на Англияда бор. Ҳатто Италиядаги машҳур Тэрне — Галето электростанциясида ҳам ва Францияда ҳам бундай қувурлар йўқ.

Яқин кунларда бу қувурлардан колхозчилар қўли блан жиловланган Сирдар'ёнинг сувлари ўта бошлаб, улардан минглаб чақиримга чўзилган электр симларига ток югуради. Бу симларнинг бирёғи Ленинобод, Чирчиқ ва Тошкентга етади. Юзлаб чақирим ерлар Фарҳод гидроэлектростанциясининг нурлари остида равшан бўлади.

Бахтлар водиси

„Қизил шахматчи“ колхозида пахталар етилаётир. Бу колхознинг атрофлари ўтган баҳорларда сувга жуда танқис бўлиб, чўл томондан ҳархил хашаротлар босиб келар ва уларга қарши колхозчи Тожибой Сўяров қаттиқ кураш олиб борар эди. Тожибой Сўяров анча кексайиб қолишига қарамай, ўғлининг пахтасига ёрдам берар эди.

Киров каналининг нариги соҳилига ҳам электр симлари келиб етди. Бу симлар фарҳодчилар томонидан тупроқтӯғон ёнида қурилган уч минг киловатт қувватга эга бўлган кичик гидроэлектростанциянинг симлари эди. Бу станцияда икки насос колхозчиларга сув беради. Колхоз тегирмонлари электр қуввати блан юрабошлади.

Сўяров оддий керосин чироини қандай ёқишини ҳам билмас эди. Энди эса, унинг уйида Ильич чироғлари порлайди. Шунингдек колхозчилардан Отабек Войбетов, Ҳамроқул Устамуродов, Абдишукур Бердиева ва Аллаёр Холматовларнинг ҳам уйларида электр чироғлари ёнади. Фақат буларнинггина уйида эмас, ўша қишлоқ батамом электрлаштиргандир.

Тожибой Сўяров Беговотни таниёлмайди. Энди Беговот қишлоқ раёнини эмас. Энди у саноат шаҳарларидан биридир. Беговотда гўзал, янги бинолар қурилган, мактаблар бино қилинган, ҳунар артельлари, промкомбинат, телефон станцияси, радиоузел бор. Ўзбек, рус тилларида газеталар нашр қилинади.

Шаҳарнинг кенг ва покиза кўчаларида биринчи марта кумуш тераклар ёпроқ ёздилар, садалар соя солдилар, ёнғоқлар шига ҳосил қилдилар ва бодом дараҳтлари жушбўй ҳидларини ҳар томон ёйдилар.

Беговотда шу йилнинг баҳоридаёқ 75 минг ёш дарахт ўтқазилди.

Цемент заводининг ёнида катта азбестдан ишланадиган қувур заводи бино қилинди. Яқин кунларда нон заводининг пойдеворлари қурилади. Шаҳар партия комитетида Сирдар'ёнинг ўнг қирғозида Ўзбекистонда энг йирик ва биринчи трактор заводи бино қилинажаги тўғрисида гапирашадилар.

Беговотга тобора янги одамлар келмоқда. У ерда кенг ва ёруқ, уйлар қурилмоқда. Бу келаётган одамлар шу шаҳарда умрбод истиқомат қиласажаклар.

— Умрбод даҳшатли шамоллар водиси бундан кейин умрбод баҳтлар водиси бўлиб қолди, — дейди Тожибой Сўяров.

Унинг теразасидан шаҳарнинг истироҳат боғига олиб борадиган узун ва кенг кўчалар ҳамда темир йўл станцияси яққол кўриниб туради. 24-нчи май кечқурун Сўяров шу кўчада эди. У яқинда очилган ва биносига олти юз тамошабин сиғадиган янги кино-театрни бориб кўрди. Бу кино-театрга қараб одамлар оқини шошилиб кетмакда эди. Бу бинода шу кун тантанали кеча бор эди. — Курилишнинг энг илгор кишиларига ЎзССР Олий Советининг фахрий ёрлиқлари топширилаётган эди. Курилиш бошлиғи А. А. Саркисов мукофотланганлар рўйхатини ўқиб берди. Бу рўйхатда 395 кишининг исми бор эди. Фахрий ёрлиқни олганларнинг биринчи қаторида — Ҳофиз Ваҳобов, Трифон Сопроненко ва Ортиқ Маҳмудовлар бор эди.

РОСТГҮЙ КИТОБ

Ўзбекистон Давлат нашриёти ёзучи М. Шевердиннинг „Енгилмас Санжар“* номли романини босиб чиқарди. Бу роман помешчиклар, бойлар, судхўрлар, савдогарлар ва буларнинг „Бухоройи шарифдаги“ таянчлари — руҳонийларга қарши ўзбек ва тожик халқлари улуғ рус халқи ёрдами блан ўз озодликла-ри йўлида олиб борган курашларининг тарихини кўрсатиб беради. Китоб 1920 йилдан 1923 йиллар ўртасида Шарқий Бухорода юз берган воқиаларни ўз ичига олади. 1920 йил Бухоро инқиlobига қадар бўлиб ўтган ижтимоий, иқтисодий ва маший шароитларни автор роман персонажлари орқали муфассал тафсирлаб, жуда тўғри ҳаракат қилган, бу эса воқиалар моҳиятини чуқур тушунишда анча осонлик туғдирали.

„Бухоройи шариф“ том ма’носи блан халқ овохтаси эди. Бек ва амлодорлар, амин ва оқсоқоллар, я’ни феодаль бюрократиясининг сунянган тоғлари меҳнаткаш халқ бошига солган жабру-зулмларни қозилар, муфтилар, раислар, миришаблар яна бешбаттар ҳаддидан ошириб борар эдилар.

Бу ҳақорат ва истибодд - иқтисодий зулм блан бирга борар, Бухоро меҳнаткашлари 55 хил солиқ тўлашга мажбур қилинап эдилар. Халқни тоғдай эзив, аҳволини янада мушкилластирган солиқлар меҳнаткашларни қуролли қаршиликлар кўрсатишгача газаблантирас эди. Қаттиқ эксплоатация қилинган, эзилган, таланган меҳнаткаш халқ ҳаётини сўнг даражада ночор кечардики, автор уни шу сўзлар блан тасвирлайди:

„Яйдоқ, ҳароба қишлоқ... унинг пахса деворли кулбалари ўз ранглари блан бепоён дашти-биёбонларни эслатади... Ана шу ерда одамлар яшайдилар, жануб жазирасида қақраган пахса деворли маймоқ кулбалардана ўзгасини кўрмайдилар, насиљманасил яшайдилар...“ Уй ичлари ҳам ана ўшандай фақир: „Жулдур яктакка бурканган кекса дехқон, иззат ва ҳурмат кўрсатиб, кутилмаган меҳмонни уйига таклиф қилди. Ис босган, бутун зийнати илма-тешик кигиздангина иборат бўлган кичкина ҳужракчага бошлаб кирди...“

* М. Шевердин. „Енгилмас Санжар“. Ўздавнашр, 1947 йил, 552 бет.

Аёлларнинг аҳволи янада мушкил эди. Хотин-қизлар мол қаторида сотилар, әрлари эса тўла ҳуқуқли хўжайин ҳисобланар, чордевордан ўзгасини кўриш, эр измисиз кўчага чиқиш жиноят саналарди.

Санжарнинг тутунган онаси—Зайнаб хола Гуланга қарайди-да, утмишни өслаб, дейди:

— Биласанми, болам, у вақтлар бирон номаҳрамнинг кўзи юзингга тушгудек бўлса, сени ҳалойиқ олдига олиб чиқиб, усти-бошингни ечишар, белингдан ерга кўмиб, сазоий қилишар эди... Ана шундоқ ёмон, даҳшатли замон эди. Жоҳил одамлар, юз-кўзларингга ла'нат тошлари отиб, қарғар, итлар эса сенинг хушрўй юзингни, сарв қоматингни талашиб яер эди...

Мудҳиш зулм, эксплоатация, солиқ-жарима, турли ҳақорат ва хўрлик меҳнаткаш ҳалқни эксплоататор ва золимларга қарши оёқлантирадар, амир амалдорлари ва амлодорларига кўрсатилган майда қаршиликлар ис'ёнларга айланар эди.

Автор кенг меҳнаткаш оммасига ма'lум бўлган 1885 йил қўзғолонида косиблар блан деҳқонлар қатнашганини қайд этади.

1920 йил. Тор-мор келтирилган Туркистон аксил инқилобчилари „Бухорои шарифдан“ макон топадилар. Чор истибодидинг шарқдаги вафоли ити, золим Бухоро амири, бой-феодаль кўпаклар ва руҳонийлар блан бирниб, оқгвардиячилар, жосуслар, диверсанлар, босмачиларни ёш Туркистон республикасидан чет элларга қочира ва яна ҳам баттаринларини келтирабошлади.

Туркистон ҳукумати блан музокара юритиш баҳонаси блан Қашқардан Тошкентга келган инглиз жосуслар группаси, амалда бирқанча оқгвардиячилар марказини ташкил қилади-да, сқибат қамоқдан қочиб, Бухоро амири пинжига яширинади.

1918 йилда Тошкентда ис'ён кўтарган чор офицери Осипов, тор-мор этилгандан сўнг, у Бухоро амирининг меҳмонхонасида лайдо бўлади ва эмир ёрдами блан Эронга жўнайди.

„Бухорои шариф“ оқгвардиячи-босмачилар маркази бўлиб қолади, у ерда жосуслар, аксил инқилобчи унсурлар тўпланиб, Туркистон совет республикасига қарши иғволар тарқатади.

Улуғ Октябрь фоялари: социализм учун кураш, золимларга, эксплоататорларга қарши, тенглик, биродарлик учун кураш Бухоро ҳалқи орасига сингиб боради.

Амирни йиқитиш ишини ўюштиришда М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев ва Л. М. Каганович ўртоқлар Бухоро К(б)П Марказий Комитетига жуда катта ёрдам бердилар. Бухоро ҳалқ республикасининг биринчи декретлари лойиҳаси ҳам Фрунзе, Куйбишев ва Каганович ўртоқларнинг раҳбарлиги остида тузилди.

Бухоро меҳнаткашлари, эмир зулмига бардош беролмай, қўзғолон кўтардилар. „Бухоро учун ҳарвақт характерли бўлган зулм ва истибод 1920 йил яқинлашган сари авж олиб борди. Бухоро бойлари ва помешчикларининг мулклария ёнгинлар кутириди“.

Ис'ёнчилар, Туркистон республикаси ҳукуматига ва Қизил Армия қўмандонлигига мурожаат қилиб, ўзларига қардошларча ёр-

дам беришларини илтимос этдилар. Бухоро халқига ёрдам кўрса-тиш ишига раҳбарлик қилиш учун М. В. Фрунзе Бухорога жўнади.

Туркфронт штаби ёрдам тариқасида Ҳисор ҳарбий экспедиция ташкил қиласди. Ҳисор экспедициясининг отряди, Бухоро инқилобий қўшинлари блан биргаликда ҳаракат қилиб: Қарши, Фузор, Дербент, Бойсун шаҳарларини озод қиласди. Бойсун шаҳридан Ҳисор водисига қараб бошланган ҳужум Миршоди, Сари-Осиё, Ҳисор орқали Душанба томон чўзилиб боради.

Душанба шаҳрида турган амир, қизил қўшинларининг ҳужумидан ҳамда Миршоди ва Сари-Осиё шаҳарларининг ишғол этилганидан хабардор бўлиб, ўз вазир-вузаролари блан бирликда Қабадон орқали Афғонистонга қочади.

Амир, Душанбадан кетатуриб, босмачиларга қуролли курашни давом этдиришни та'кидлайди, ўзи эса жосуслар юбориб, босмачиларга раҳбарлик қиласди ҳам Афғонистон блан Англияга мансуб та'сирдор шахслар ёрдами блан қурол-аслаҳа ва ўқ-дорилар юбориб туради.

„Енгилмас Санжар“ романи 5 қисмдан иборат, бу қисмлар 17 бобга бўлинади. Бу боблар эса, 40 манзарани ўз ичига олади.

Романнинг қисқача мазмуни қўйидагича:

Бухоро амири, инқилоб бошланаётган даврда ўз ҳокимиятининг охири келганилигини сезиб, бухоролик машҳур бой Алимардонга „Сиёни“ конида қўлга киритилган барча бойликларни битиришни, шунингдек коннинг ўзини ва унда ишловчи қулу-бандиларни яксон этишни топширади. У, бу бойликларнинг халқ қўлига ўтишини истамайди.

Алимардон Қизилкум томонга бораётib, йўлда чўбонлар қишилоги Кўшкакка қўнади. Чўбон Санжар дашти-саҳроларга тарқалган овозаларнинг ҳаққи-ростлигини билиш учун Алимардондан: „Ленин—большевикларнинг кишилари келиб қуллар ва фақириларга ёрдам берадиган эмиш. Халқ пайғамбарнинг бухородаги ўринбосарларига қарши ис'ёнга қўзғолибдир. Одамлар шаҳарга кириб, амир ҳазратларини қувиб чиқарибди, шу ростми?“ — деб сўрайди.

Алимардон, амир ша'нига айтилган бу мудҳиш ҳақоратдан ғазабланиб, Санжарнинг ўлдирилишини талаб этади, Санжар қочишига муваффақ бўлади. Революция томир ёйиб боради, қаттиқ синфий кураш авж олади. Реакцияга, жаҳолатга, адолатсизликка, зулм ва истибододга қарши курашувчи кучларнинг биринчи қаторида Енгилмас Санжар ҳам бўлади. У бригада командири Кошуба қўшинлари составида ҳаракат қилучи кўнгиллилар отрядини ташкил этади.

Реакция кучлари, я'ни босмачиларга амир ўринбосари Алимардон бошчилик қиласди. Босмачиларга қарши кураш оғир шароитда давом этади.

Автор, революциядан илгариги бухоронинг ҳаёт ва майшатига оид бир қанча манзараларни тасвир этиб, одат, шариат Қур'он та'сирни дастлабки даврлarda қанчалик кучли эканлигини, ла'нати ўтмиш меҳнаткашларга қанчалик зулм кўрсатганлигини, улар

бойлар, машхур ва ма'лум зотлар ҳамда руҳонийлар олдида қулларча бўйин әгиб келганларини кўрсатади. Шунингдек уста раҳбарлар кўрсатган тўғри йўл-йўриқлар, Кошуба, Санжар, Саодат Жамолова, Курбон, Ғулом ва бошқа юзларча озодлик курашчилари олиб борган тарбиявий ишлар халқни ўтмиш жаҳолатидан қутқаза ва совет ҳокимиятининг ғояларини сингдираборади. Босмачиларнинг бузғулиги, қилган толон-торожлари меҳнаткаш халқнинг ислом қўшинига бўлган нафрат ва ғазабини кун сайн оширади.

Автор дэҳқонларнинг совет ҳокимияти томонига қараб юз тутганини кўп манзараларда тасвир этади. Совет ҳокимияти ғоялари халқ оммаси ичига кириб борганлиги, халқнинг ўзи босмачиларга қарши кураш оловини кучайтирганлиги, ислом аскари деган сўз толов-торож ва босмачилик символи бўлиб қолганлиги романда яхши кўрсатилади.

„Ўлим даҳшати блан қувилган босмачилар, паносиз итлар сингари, тоғларга қочиб чиқиб, ўз ҳалокатларини ўша ерлардан топардилар“, дейи автор.

„Енгилмас, Санжар“—романининг асосий фигураси—яниги тинда шакл олиб бўраётган кишидир. Санжарнинг катта бобоси, отаси ва ўзи эксплуатациянинг, зўравонликнинг, феодал Бухорода ҳукм сурган ҳақсизликнинг нималигини кўрган-билган, кишилардир.

Амир амалдорлари Санжарнинг отаси вафот қўлгандан кейин, унинг бори-бисотини, мулкини талайдилар; онасини эса маҳаллий амлокдорнинг ўғли кечаси ўғирлаб кетади. Санжар етим қолади.

Санжарининг Большевиклар камбағалларга ёрдам қилишиб, амрни аркдан қувиб юборишибди, деган дадил сўзлари учун Алимардон Санжарни ўлдирмоқчи, калласини эса узун ёғочга санчиб қўймоқчи бўлади, лекин Санжар қари-қартангларнинг ёрдами блан қочиб қутилади.

Санжар ғоят дов'юрак киши. Комбриг Кошуба, Қудратбекнинг муттаҳам разведкачиларини тутиш керак, деб айтган кечаси, Санжар ўз отряди блан Луглон ёнида жанг қилиб, Қудратбек отрядини тор-мор этади ва унинг 20 югитини ўлдиради. Бу эса халқ қаҳрамони „Енгилмас Санжар“нинг шуҳратига шуҳрат қўшади.

Қудратбек шайкасининг кўп босмачиларини Сарикунда ёнидаги жангарларда Санжар отряди қириб ташлайди. Санжар Сарикунда аҳолисини босмачилардан ўч олишга чақириб, Сарикунда қасосчилари деган отряд уюштиради. Бу отряд эса босмачиларга даҳшат солиб узоқ-узоқларга қадар ўз ҳаракатини давом этди-биб боради.

Санжар ҳали Қизил Армия командири эмас. Ҳали унда зарур интизом йўқ. Лекин Кошуба раҳбарлиги остида шаклланиб, Қизил Армиянинг келажак командири бўлишга тайёрланиб боради.

Санжар авлоди ўтқир овчи, дадил навкор, уста чавандоз деган ном блан шуҳрат чиқарган эди. Бу сифатлар Санжарга ҳам мерос бўлиб ўтган. „Санжардаги ғоят ажойиб чавандзлик сан'ати уни ҳалокатдан қутқарди. „Ниёзбек улоқ ўтказиладиган кечаси Санжар отининг қоринбогини астагина кесиб қўйган эди.

Санжар тарғибот ва ташвиқот ишларини жуда меҳр блан ўт-

казади. У, Дербент шаҳрида деҳқонлар блан хайрлашиб туриб, шундай дейди:

„Бойлар ва арбобларга ишонманглар, советларга ишонинглар. Ана шундай қилсангиз, амирлар ва бойлар тартибидан из ҳам қолмайди. Бу иш сизларнинг қўлингизда!“

Саңжар халқ ишининг ғоявий курашчиси бўлиб, аҳлоқ, тартиб, виждан жиҳатидан мукаммал кишидир. Юксак ма'навий сиғатларга эгадир.

Ёзучи М. Шевердин ўз романида янги киши, совет кишисининг ўсиб борганини кўрсатади.

Амир босмачиларини тор-мор келтиришда Қизил Армия жангчилари ва командирлари халқقا қатта ёрдам кўрсатдилар. Комбриг Кошуба ана ўшандай командирлардан бири эди. У, катта ҳарбий тажрибага эга бўлиб, маҳаллий урф-одатни яхши биларди. Санжар Кошуба раҳбарлиги остида командир бўлиб етишди. Кошуба ташлаган ҳарбир қадам оқибат ғоят муҳим бўларди. Масалан, Осма кўпприк олдида бўлган жанг Сарикунда қишлоғининг аҳолисини қирғиндан сақлаб қолди ва Кошубанинг довруғига-довруғ қўшди.

Романга тарихий воқиалар асос қилиб олинган. Ҳам Бухоранинг ўша даврдаги ҳаёти ёрқин мисоллар блан кўрсатилган. Роман асосан ўша замоннинг реаль воқи'лигини акс этдиради. Бу китоб тарихий ва этнографик характердаги материалларга жуда бой.

Автор шарқий Бухородаги ўзбек ва токик районларини соънлашдириш учун юборилган махсус экспедиция составида узоқ сафар қилган. Ўша замондаги ўзбек ва токик халқларининг ҳаётида, машнатида ва олиб борган курашларида кўринган кўп характерли томонларни усталик блан илиб олиб, буни қардош рус халқининг маҳаллий аҳолига кўрсатган ёрдами блан боғлаб боради.

Автор революциядан аввалги Бухорода эркин фикр қилучи айрим кишилар пайдо бўлганлигини ва уларни амир жаллодлари қилинчдан ўтказганинги кўрсатади. Феодализм ва ислом дини кишани блан боғланган одамлар аҳолининг ма'рифат сари интилишига йўл қўймаганини, ҳали батамом эзиз ташланмаган феодал бой груҳлари мазлум деҳқонларни босмачилар сафига қандай тортганлигини, босмачиликка, одат ва шариатга қарши курашда янги ғоялар — Ленин ва Сталин та'лимоти қандай кучайиб, кенгайиб ва омма орасига тарашиб борганлигини, босмачилик йўлига алдаб киритилган деҳқонларнинг босмачиликдан қандай қайтганлигини ҳамда деҳқонлар оммаси босмачиларга қарши файрат блан курашга кирганинги ёрқин мисоллар блан тасвирлайди.

Автор айрим кишиларнинг хотираларидан жуда усталик блан фойдаланиб, уларнинг сўзларини ўз қаҳрамонлари тили блан тақрорлайдики, бу китобнинг жуда қимматли томонларидан биридир. Ана ўшалардан Саодатнинг ўз ҳамширлари тақдири ҳақидаги, Зайнаб холанинг амир амалдорларининг зулми ҳақидаги, Ҳакимжоннинг меҳнаткашлар руҳонилар томонидан эксплоатация килингани ҳақидаги ҳикоялари айниқса диққатга сазовордир.

Барча бу материаллар: тарихий хотира, ҳужжат, шахсий кун-

далик ва шунинг кабилар бир системага солинган, умумлашдирилган ва автор томонидан бадий шаклда ёрқин ва жонли образларда кўрсатилган.

Бир вақтлар ёзучи Жўрабоев босмачиларга қарши кураш мавзу'ида „Хуррамбек“ номли повесть ёзган эди. Унинг яхши фазилатларидан бири ери аҳоли турмушини яхши кўрсатганидадир.

Аммо тарихий ҳодисаларни тўғри анализ қилиш, тўғри сиёсий хуносалар чиқариш, материалларга илмий кўз блан қарааш, тилнинг ширинлиги ва образга бойлиги ҳамда бу образларнинг ишончли қилиб берилганинги жиҳатидан „Енгилмас Санжар“ романни „Хуррамбек“ повестини жуда орқада қолдириб кетади.

М. И. Шевердин романи ба'зи жиҳатдан Серафимовичнинг „Темир оқин“ деган романини эслатади. Роман Ўрта Осиёга хос урф-одатлар ва манзараларга ётибор бериб ёзилган. Персонажларнинг тилида шарқ сўзларининг ранго-ранглиги акс өтдирилган.

Фақат авторнинг тилигина эмас, балки қаҳрамонларнинг тиллари ҳам ширин. Айниқса улар ўз ҳислари ва кечирмаларини шинам сўзлар блан ифода этадилар. Масалан, Шулум қишлоғида ўлдирилган босмачиларни кўмиш пайтида кўнгиллилар отрядининг жангчиси Фулом шундай деб шипшийди: „Душманни шундай кўмиш керакки, у гўридан бош кўтариб чиқмасин. Гўрни шундай текислаш керакки, унинг асари қолмасин“.

Қизилқум саҳролари ва шарқий Бухоронинг табиати жуда ҳам чиройли тасвир этилган. Гүё рассом бу манзараларни ранг-баранг қилиб чизиб берган дейсиз.


Ёзучи М. И. Шевердиннинг романни тарихий изчиллик блан ёзилган, балки бу кейинча тарих асари бўлиб қолар. Шунинг учун ҳам „Енгилмас Санжар“ни этнографик ва социал-трихијабадий асар деб ҳисоблайоламиз.

Гарчи романнинг асосий қаҳрамонлари орасида тарихий шахслар бўлмаса ҳам, автор хаёлий қаҳрамонларни чинакам қаҳрамонлардек, жонли кишилардек, гўё уларни ўз кўзи блан кўргандек қилиб тасвирлаган. Санжар, Кошуба, Саодат, Курбон, Жалолов, Медведь ва бошқалар портрети равшан берилган. Шу блан бирга уларнинг ҳар бирига хос сифатлар ва нуқсонлар бўртдириб кўрсатилган.

Шубҳасиз, китобда ба'зи камчиликлар ҳам йўқ эмас. Лекин бу камчиликлар романнинг қийматини туширмайди. Шунга қарамасдан роман ўқучиларни жуда ҳам қизиқдиради.

Роман яхши нашр этилган. Жабр-зулм, адолатсизлик ва эксплоататорлик системасининг барча даҳшатларини кўрмаган ёш бўгинни тарбиялашда роман жуда катта аҳамиятга эгадир. Роман ёшларни қийинчиликларни енгиш руҳида, янгилик ғалабаси учун кураш руҳида тарбиялайди. Бу тенденция романнинг бош қаҳрамони бўлмиш Санжар образида ёрқин кўрсатилади.

К. А. УШАРОВ
САГУ доценти



5 c.

8957